


84
К12

Мұҳаммад
КАБИР УМАР



Жамил

84
K12

Муҳаммад Кабир Умар

ЖАМИЛ

4

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

У-9040/
р

Фафур Ғулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ-2020

УЎК 821.161.1-3

БКБ 84

К 12

Таржимон

Шавкат Юсупов

Мазкур ҳикоя тўқима бўлиб, унинг қаҳрамони ўсмир нинг Ватан учун чеккан заҳматлари ва ютуқлари баён этилгаёт. Умид қиласизки, китобни ўқиб чиқсан ўкувчи бу асарда ўзига яраша тажриба ва хулоса олади.

ISBN 978-9943-6454-0-0

© Faфур Fулом номидаги
наширёт-матбаа ижодий
уий, 2020

МУҚАДДИМА

Мазкур ҳикоя аслида ёзиш учун мўлжалланмаган эди. Бу фикрнинг пайдо бўлиш сабаби оддий. 2004 йил апрель ойида мен бир марта қизим Нафисага ухлашидан олдин тоғни тарқ этганича водийга тушиб, ўз орзусини амалга оширган бола ҳақида ҳикоя айтиб бергандим. Бу бир йигитнинг оддий саргузашти эди, холос. Эртаси куни мени ҳайратда қолдириб, Нафиса ҳикояни эслади ва болага охир-оқибатда нима бўлганини билишни хоҳлади. Ҳикояни давом эттиришга мажбур бўлдим, чунки икки ўғлим Салим ва Карим ҳам унга қизиқиб қолишган эди. Болаларимнинг фаол иштироки билан воқеа ривожлана борди ва қаҳрамонимизга Жамил деб исм бердик. Кейинроқ эса улар мени ушбу ҳикояни ёзиб, нашр этишга ундашди.

Бу воқеа ҳақида қанча кўп ўйласам, шунча янги-янги ғоялар пайдо бўларди. Шу зайлда олдимда бутунлай янги дунё очилди. Образлар, жойлар ва воқеалар хаёлимда ўз-ўзидан пайдо бўлар ҳамда ривожланаётган ҳикоянинг моҳиятини айтиб берар эдилар. Охир-оқибатда 2010 йил февраль ойида ёзган ҳикоям 2004 йилда тўқилган воқеадан фарқ қиласарди. Худди менинг фарзандларим каби ушбу ҳикоя ҳам болалар ҳикоясидан ўспириналар ҳикояси қадар ўсганди.

Мен ҳикояни шундай туздимки, унда воқеалар охирiga яқин жойидан бошланади ва сўнггига етиб бориб, яна бошига қайтади. Кейин ўртасигача боради. Сўнг эса аслида хотимаси бўлмаган охирiga қадар етилади...

Татаси яримороли, Пашия қироллиги аслида мавжуд эмас. Ушбу ҳикоядаги образларнинг исмлари, жойлар ва эпизодлар – барчаси тўқиб чиқарилган. Шу боис тирик

ёки вафот этган инсонларга, жойларга ҳамда ўтмишда ҳозирда ва келажакдаги воқеаларга ўхшашликлар мутлақо тасодифdir.

Менга илҳом берган қызим Нафиса, ўғилларим Кари ва Салимга ўз миннэтдорлигимни изҳор қиласман. Мен шунингдек, Берте ван Мансвельт ва Фрисо ван Мансвельт га ҳам илҳомнинг ривожланиши учун мүккаммал шароитлар яратиб беришгани учун раҳмат айтмоқчиман.

БИРИНЧИ БОБ

Марварид оролларига қайтиш

Эндиғина оқшом тушаётган бир пайт эди. Самолёт Масса Халқаро аэропортига етиб келган бир пайтда қүёш Марварид ороллари узра ўзининг ёрқин қизғиши нурларини сочаётганди.

Жамил дераза олдида сабр билан ташқарига қараба үтирады. Унинг хаёлидан жуда кўп нарсалар ўтарди: “Орол қандай экан-а? Узоқ вақт йўқ бўлганимдан сўнг нарсаларни таний олармиканман? Қариндошларим ва дўстларимни топа оламанми?” Йигит деразадан ташқарига қараган кўйи узоқ-узоқлардаги парча-парча булутларни ва ботиб бораётган қүёшни кўрди.

– Экипаж қўнишга ҳозирланмоқда! – учувчининг овозди унинг хаёлларига халал берди.

Жамил чуқур нафас олди. Бир неча дақиқалар ўтгач, она ватанига қўнишади! У бу ерни олтин калитни топиш мақсадида ўн тўққиз йил аввал тарк этган эди.

– Ва ниҳоят уйдамиз! – шивирлади ёнида ўтирган Ҳаске. – Калит билан бирга!

У ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳаске жилмайганича Жамилга қаради, чуқур бир тин олди-да, пахмайиб турган жингалак соchlарини йиға бошлади. Сўнг оҳиста Жамилнинг ёнбошига тутиб қўйди.

– Ҳаммаси яхши бўлади! – дея йигитга таскин берди. Унинг кўзлари ҳар доимгидек шодлик ва қувончдан чақнаб турарди. – Хўп, камарингни боғлайқол!

Жамил жимгина камарини боғлади.

Самолёт аста-секин пасая бориб, ерга қўнди.

Йигитнинг қизиқувчан кўзларига самолётдан бирорта ҳам таниш манзара кўринмас эди. Аэропорт

денгиз ичидаги сунъий оролга қурилган бўлиб, у бир пайтлар яшаган оролдан анча олисда эди. Жамил оролнинг қандай эканини тасаввур қилишга уринди-ю, лекин бўлмади.

– Ҳаммаси жойида бўлади, – деди яна Ҳаске, улар самолётдан ташқарига чиқишар экан.

– Декларация қиласидан бирор нарсангиз борми? – дея сўради божхона зобити Жамилга қараб.

– Йўқ, – деб жавоб берди у хушмуомалалик билан.

– Илтимос, текшириш учун сумкангизни очсангиз, – дея талаф қилди зобит.

Жамил у айтганидек жомадонини очди.

– Бу нима? – деб сўради ўша офицер Жамилнинг рюззагидаги ярим ўралган нарсага ишора қилиб.

– Бу Пашия қироллиги томонидан берилган сувенир, – деб жавоб берди Жамил.

– Лекин у нима ўзи? – офицер қайта сўради.

– У калитнинг бир қисми, антиқа нарса, – дея тушунтирди Жамил.

– Тушунарли, кетишингиз мумкин, – офицер қўли билан ишора қилди.

Жамил ва Ҳаске “Марварид ороли – қуёш ҳеч қачон ботмайдиган ўлкага хуш келибсиз!” деб катта қилиб ёзилган ёзув кўзга ташланиб турувчи ташриф залига кириб боришиди. Улар юриб кетишар экан, Жамилни ажаб бир ҳислар чулғаб олди. Қаерга боқса ҳам дўконлар ва бутиклар кўзга ташланарди.

– Демак, бу аэропорт денгизга қурилган экан-да?! – деб сўради-ю, лекин унинг бу саволи айнан бирор кишига қаратилмаган эди.

– Ҳа, Жамил, у сунъий оролга қурилган, – дея жавоб берди Ҳаске.

– Қойил! – деди ҳайратда қолган Жамил.

Иккиси маълумотлар бўлимига боришиди. У ерда қизил-оқ рангли формадаги ёш бир хоним уларни табассум билан қарши олди.

– Марварид ороли – обод ўлкага хуш келибсиз! – деди у ҳамон жилмайганича. – Бирор хизмат борми?

– Гариёнга қандай бориш мумкин? – сўради Жамил.

– Эски Гариёнгами ёки Янги Гариёнгами? – сўради хоним ҳам.

Жамил худди Ҳаскенинг юзида жавоб ёзилгандек унга қаради. Ҳаске табассум қилди. Маълумотхонада ўтирган хоним уларга тушунтириди.

– Эски Гариён Гранд Масса ороли деб номланадиган бош оролдаги Жайситида. Янги Гариён эса Ньюфаундленд деб аталадиган жудаям узоқ жойда.

– Мен чалкашиб кетдим, – тан олди Жамил.

– Янги Гариён аслида сиз каби сайёхлар жойи эмас. У тоғ этакларидан анча олисдаги бир геттодир. Аксинча, Эски Гариён сиздек сайёхлар учун мўлжалланган. У ерда янгисига қараганда ҳаёт жўшқинрок; томоша қиладиган, борадиган жойлар кўп, шунингдек, дисколар, дўконлар, меҳмонхоналар, банклар ва казинолар бор.

– Эски Гариён аҳолиси қаерда? – деб сўради Жамил.

– Уларнинг барчаси ўн йиллар аввал замонавийлаштириш ва қайта қуриш мақсадида Янги Гариёнга кўчиб ўтказилган.

– Тушунарли, – деди Жамил бошини силкиганича.

– Мен сизга Эски Гариёнга боришни тавсия қилган бўлардим, чунки у боришга арзийдиган жой. Янги Гариёнда одамлар учун томоша қилса бўладиган бирор нарса ҳам йўқ, тўғрисини айтсан, баъзида у ер хатарли ҳам.

– У ерга қандай борсак бўлади? – сўради Ҳаске.

– Биринчи чиқиш йўлагидан чиқиб, қайиқ орқали борсангиз бўлади ёки иккинчи чиқиш йўлагидан юриб, денгиз ости поезди билан ҳам боришингиз мумкин. Ҳар иккаласи ҳам Виллансияга олиб боради. Ўша ердан охири Жайситида тугайдиган 10-автобусга чиқасизлар, – тушунтиради хоним Марварид ороллари харитасига қараганича.

– Демак, сизнинг гапингизга қараганда, денгиз ости поезди хизмати бор экан-да?! – ҳайратда қолди Жамил.

– Ҳа, Масса метроси аэропортдан то Гранд Масса оролигача ҳар ўн дақиқада денгиз остидан юради, – деди хоним.

– Қандай ажойиб! – Жамил харитадаги линиялар ва рангларга қаради. Хоним буни пайқаб, унга тушунтира бошлади:

– Бизда еттита орол бор. Иккитаси табий орол ва қолган бештаси сунъий ороллардир. Ўшалардан биттаси мана шу, айни пайтда биз турган орол.

– Тушунарли, – деди Жамил у нимани назарда тутаётганини аник англаб етмаган ҳолда. – Битта нарсани айтиб бера оласизми: Марваридлар ороли деган ном қандай қилиб пайдо бўлган?

– Кўшалоқ фожиа, яъни даҳшатли зилзила ва вулқон отилиши йигирма йил аввал содир бўлганди. Татаси яримороли буткул вайронага айланган эди. Барча умидлар сўниб бўлганида марваридлар кашф қилинди, улар жуда катта миқдорда эди.

– Ҳамма умидлар сўнганида, деб нимани назарда тутяпсиз?

– Бу икки фожиадан сўнг янги оролда ҳеч нарса унмайдиган бўлиб қолди. Ҳаттоки Татаси деб номланадиган ва мана шу ерни бой ҳамда машҳур қилган ўсимлик ҳам ўсмади.

– Озиқ-овқатларни қаердан оласизлар?

– Ҳамма нарса импорт қилинади.

– Ҳамма нарса-я?!

– Биз ҳамма нарсани ташқаридан сотиб олиб келишга курби етадиган дараҷада боймиз!

– Балиқ-чи? Мен балиқни жудаям яхши кўраман, – деди Ҳаске шодланганича.

– Ҳадемай ўзингиз кўрасиз, диёримизда балиқ етиштириш учун жой жуда кам ва иқтисодий жиҳатдан олганда балиқни бу ерлардан тутгандан кўра импорт қилиш фойдалироқ.

– Агар түғри тушунган бўлсам, – деди Жамил унга жиддий тикилганича, – сизнинг гапингизга қараганда, Татаси оролида Татаси фермалари йўқ экан-да!?

– Афсуски, шундай! Татаси оролида Татаси фермалари йўқ. Аммо Татаси музейларида сиз каби сайёҳлар томоша қилишлари ва ушлаб кўришлари учун бир қанча ўсимликлар бор, – деди жилмайганича хоним. Жамил уни сайёҳ деб айтаётганидан зифирча ранжимади.

– Катта раҳмат сизга! – деди йигит.

– Саёҳатингиз яхши ўтсин!

Жамил ва Ҳаске Виллансияга қайикда кетишга қарор қилишди. Денгиз манзарасидан Жамил кўзларини узолмай қолган эди. Палубада тураркан, у кўприклар, сувлар, сон-саноқсиз осмонўпар биноларга қаради.

– Ақл бовар қилмайди, – дея хитоб қилди у Гранд Масса оролига томон йўл олаётган қайикда бораётиб. Жамилнинг диққатини кўпроқ тортган нарса осмонларда жой талашаётгандек осмонўпар иморатлару бинолар эди. Баъзиларида эса ҳавоза бор эди.

Манзилга етгач, Жамил ҳамда Ҳаске улкан бир кўприкдан ўтиб, Гранд Масса ороли маркази томон элтувчи кўпричалар ва туннеллар орқали юрадиган 10-автобусга чиқишли. Жамил кўрганларидан лол қолганди.

– Қанчалар мафтункор! Буларни умуман кутмаган эдим.

– Асосий оролда қурилган уйлар билан сунъий ороллардаги уйлар орасидаги фарқни пайқадингми? – деб сўради Ҳаске.

– Йўқ, – деди Жамил ҳамон оғзини катта очганича. – Қара, ҳаттоқи олтин гумбазли уйлар ҳам бор экан. Биз авваллари бунақаларини кўрмаган эдик.

Жамил ва Ҳаске Масса хиёбонида, Жайситига учта бекат қолганида тушиб қолишли. У йўлнинг қолган қисмини пиёда юриб ўтишни истаганди. Хиёбон у ернинг ўртасида жойлашган ҳайкал суратини олаётган сайёҳлар

билин тўлиб-тошганди. Йигит бунга қизиқмаётган бўлса-да, атрофни кўздан кечиришга уринмоқда эди. У баъзи бир нарсаларни англай бошлади.

– Ҳа, – деди у ҳаяжон билан, – Самад биноси ҳозир ҳайкал турган жойда жойлашган эди. Анави ерда маёқ бўларди, аммо у ҳозир йўқ ёки осмонўпар бинолар орасида қолиб кетган.

У жим бўлиб қолди.

– Биз айнан қаерда турганимизни энди билдим, – деди-да, Ҳаскени Эски Гариён томон бошлаб кетди. Улар ҳашаматли виллалар чўзилиб кетган мажмуалар ёнидан ўтиб кетишиди.

– Ҳамма нарса бутунлай ўзгариб кетибди, – деб юборди йигит.

– Бу билан нима демоқчисан? – сўради Ҳаске.

– Деярли ҳамма нарса ўзгариб кетган, – таъкидлади Жамил.

– Аммо содир бўлган нарса...

– Йўқ! Гап биноларда эмас.

– Унда нимада?

Жамил бир пас ўйлаб турди-да, жавоб берди:

– Нимадир йўқ. Буни аллақачон пайқадим. Мен оролдаги одамлар бошқача бўлишини билгандим, аммо мени безовта қилаётган нарсани сезиб турибман. Одамлар бир-бирлари билан иноқ эмас. Уларни эндиликда бир-бирларига боғлаб турган нарса йўқ. Нимадир ростдан ҳам етишмаяпти... Эҳтимол, ўзим энди оролга боғланган эмасдирман.

– Йўқ, Жамил, гап сенда эмас. Сен нима демоқчилигингни тушундим. Биз одамлар ичидамиз, аммо улар билан бирга эмасмиз. Балки, Ньюфаундлендга борганимизда ўзимизни улардан деб ҳис қилармиз, – деди Ҳаске.

– Эҳтимол! Одамларнинг юзларига қара. Улар худди кўзларида нимасидир йўқ бўлган суратлар галереясига ўхшайди.

- Кўриниб турибди! Одамлар бир-бирлари билан деярли гаплашишмаяпти.

- Қара, улар худди зомбиларга ўхшаб юришибди.

- Худди ҳар бир шахсни ўраб турган нимадир бордек... қандайдир кўзга кўринмас нарса, - деди Ҳаске.

- Мен кетган пайтдаги орол ҳаёти ҳозиргининг мутлақо акси эди. Одамлар у маҳаллар шинаванда бўлишган. Улар билан bemalol сухбатлашиш мумкин эди, уларда ҳаёт асари бор эди. Ўшанда меҳр ва муҳаббат деган нарсалар бўлган. Инсонлар кўп табассум қилишарди, уларнинг самимий жилмайишлари ва кулгилари қалбларининг тубидан келарди. Мен кетишимдан аввал улар ўтириб сухбатлашишар, гурунг қилишар эди. Шунча йиллар ўтиб, ёлғизликка юзма-юз бўлишимни билгандим, аммо бунга тайёр эмасдим, - деди тушкунликка тушиб қолган Жамил.

Ҳаске жавоб бермади. У Жамилни ўз ўйлари билан қолдирди. Улар юришда давом этишиди.

Турли-туман номдаги жуда кўплаб банклар борлиги Жамилнинг эътиборини тортмаслиги мумкин эмасди. Йигит пайқаган яна битта нарса у ерда мижозларнинг йўқлиги эди. Шунча банк ва молиявий муассасаларни унинг жонидан ортиқ кўрадиган ороли нимаси билан жалб қилганидан таажжубга тушди. Жамил тағин кўплаб қиммат дўконлар ва бутикларни ҳам кўрди. Аммо уларда ҳам атиги бир нечтагина харидор бор эди. Энди уни безовта қилаётган нарса бу эмасди.

- Ҳаске, - гап бошлади табассум билан Жамил, - қара, анави ерда, - деб у битта дўконга ишора қилди, - татаси экиладиган бир майдон бўларди, анави ер эса, - дея кўрсатди йигит "Президент меҳмонхонаси" деган ёзуви бор кўп қаватли бинони, - мен эчкимни кутқариб қолган жой.

Улар секин-аста йўл бўйлаб боришаркан, яна бошқа кўп жойларни кўрсатди:

- Анави ерда мен дўстим Башир ва бошқа болалар

билин футбол ўйнардим, у ерда ҳозир кўп қаватли машиналар гаражи бор экан. Ҳа, менинг мактабим! Анави тепасида улкан антенналар турган савдо марказини кўряпсанми?

– Ҳа!

– Ўша жойда бизнинг мактабимиз бўларди. Ҳов анави казинонинг ўрнида эса биз дам олардик, қўшиқлар айтиб, парадлар ўтказардик... Анави бинони кўряпсанми?

– Қай бири? “Масса халқаро банки” деб ёзилганими?

– Ўша ерда Лакини махлуқ еб қўйган эди. – У жим бўлиб қолди. – Бу жойларнинг бариси, – деди у деразасиз осмонўпар биноларга тикилганича, – биз ўйнайдиган, югуришадиган ва ов қиласидиган кенг жойлар эди.

Улар йўлда давом этишаркан, Жамилнинг кўзи баланд бино ортида бобосининг уйига ўхшаб кетадиган бир уйга тушиб қолди. У севинганича кўлларини осмонга кўтариб қичқириб юборди.

– Қара, бобомнинг уйи! Бобом Камол ва унинг дўсти Мажид ўз кўллари билан қуришган, – деди йигит фахр билан ёғоч бунгалога ишора қилиб.

Улар ўша ерга яқинлашганларида у ерда панжара борлигини ва дарвозада турган соқчини пайқашди. Жамил кетган пайтдагига нисбатан анча яхшироқ кўринарди.

– Кечирасиз, айта олмайсизми, бу қанақа уй? – йигит соқчидан сўради.

– Бу музей, – жавоб берди соқчи.

– Қанақа музей?

– Кўрмаяпсанми, бу атрофдаги ҳамма уйлардан бошқача, – соқчи лоқайдлик билан жавоб берди.

– Шунинг учун сўраяпман.

– Анави ерда буни тушунтирадиган эълонлар тахтаси бор, – деди соқчи бир неча метр наридаги тахтани кўрсатиб. – Бу зилзиладан омон қолган уйлардан бири. Шунинг учун келгуси авлодга ўтмиш архитектурасини кўрсатиш учун сақлаб қўйилган. Ҳозирда оролдаги ўша даврдан қолган ягона уй саналади.

- Биз кира оламизми? – сўради Ҳаски.

- Албатта, йўқ! Бу давлат мулки ҳисобланади ва сизларга ҳукуматдан маҳсус рухсатнома керак бўлади, – жавоб берди соқчи.

- Қаердан рухсатнома олсак бўлади? – сўради Жамил.

- Янги Ҳарлемдаги муниципалитетофисидан.

- Аммо у мана шу уйда туғилган ва ўсиб-улғайган, – деб гапга аралашди Ҳаске Жамилнинг тарафини олиб.

- Бу менинг ишим эмас, – деди қўриқчи ва улардан нарироқча юриб кетди.

- Бувим анави ерда, ўша скамейкада ўтирарди. Бу ер унинг севимли жойи эди. У доим ботаётган қуёшга қараб ўтиришни ёқтирарди. Кўриб турганингдек, ҳовлида бир нечта татаси ўсимликлари бор экан. Менинг рогаткам ва ёғоч калитим, ҳойнаҳой, деярли ўн тўққиз йил олдин қолдириб кетган жойимда турган бўлиши керак.

- Зўр-а?! Уйинг ҳамон сақланиб қолганидан сен учун жуда хурсандман. Умид қиласманки, бир кун унинг ичига ҳам кирамиз, – деди Ҳаске нигоҳлари худди битта нуқтага қадалиб қолгандек турган Жамилга боқиб. У уйга ва Ҳаскега қараб турар, аммо бирор оғиз сўз демасди. – Ҳаёт шунаقا экан. Бу нарсалар, албатта, содир бўлади! – дея у Жамилни судради. – Энди менга маҳлуқни масхара қилган жойингни кўрсат-чи! – деди қувноқлик билан. Жамил уни янги бандаргоҳ томон бошлаб кетди.

- Ҳеч бўлмаганда битта нарса ўзгармасдан қолибди, – деди жилмайиб Жамил.

- Хўш, нима экан?

- Қара, – деди у осмонда учбурчак шаклида учаётган бир гала қушларни кўрсатиб, – биз уларни “Леке-леке” деб атардик ва улар ёмғир олиб келади, деб қаттиқ ишонардик. Улар ҳамиша ёмғирдан олдин учеб келишарди. – Жамил кулди. – Курғоқчилик мавсумларида ҳам нуқул ёмғир сўрар эдик.

- Мен чанқадим, – деди Ҳаске бандаргоҳга етиб келганларида.

– Майли, кел, бирор нарса ичиб оламиз, – рози бўлди Жамил ва улар кафега киришди.

Иккиси жимгина ўтириб ичимликларини ичаётган бир пайтда енгил кийиниб олган эркаклар ва аёллар бандаргоҳ томон ошиқиши. Уларнинг бари негадир куларди. Капитан ҳеч бир сабабсиз икки марта сигнал чалди.

– Уларга парво қилманг, – деди бар хизматчиси. – Бу ерда ҳамма бор нарсасини мақтаниб, кўз-кўз қиласди.

Жамил мана шундай қилиб теварак-атрофдаги бойликларини намойиш қилаётганларга нафрат билан қаради.

– У янги, эгаси эса уни ҳамма кўришини истайди. Буларга эътибор берманг! Келаси ой шу ерда парад бўлади ва ана ўшанда сиз ҳақиқий улкан ҳамда қимматбаҳо яхталарни кўрасиз. Бу ерлар тўлиб-тошиб кетади. Шу билан бирга тун бўйи давом этадиган зиёфатлар ҳам бўлади. Агар вақтларингиз бўлса, келиб томоша қилинглар.

– Бу жойларнинг номи нима? – қизиқди Жамил.

– Унинг иккита номи бор. Баъзи одамлар “Олтин соҳил” деб атайдилар, чунки бутун дунё бойлари пулларини шу ердаги банкларга қўйишади. Бошқалар эса “Миллионерлар ўйингоҳи” деб ном кўйиб олишган, – деб тушунтириди бар хизматчиси.

Кафедан чиқиб, Жамил Ҳаскени сувнинг қирғоғига олиб борди.

– Бу ер энг катта оролга энг яқин жой эди, шунинг учун мана шу ердан кесиб ўтишни танлаганман, – унинг овози аранг эшитилиб туарди. У жим бўлиб қолди. – Анави ер, – деди у қолдириб кетилган оқ яхтага ишора қилганича, – илк қайиқдаги эчкимни қўйиб юборган жойим. – У яна жимиб қолди. Нимадир бўғзига тиқилиб қолгандек эди. Унинг боши айланди. – Ҳов анави ер эса, – деб эндингина жўнаб кетаётган зиёфат яхтасини кўрсатиб сўзида давом этди, – мен иккинчи қайиқдаги эчкимни қўйиб юборган жой. – Жамил яна сукут сақлади. Унинг

овози титрарди. – Мана бу ер эса, – йигит йифлаб юборди, – мана шу ер, бу яхта турган жой, – дея уларнинг нақ олдиларида турган яхтага ишора қилди, – мен учинчи қайиқдаги эчкимни қўйиб юборган ва шунча йиллар олдин тонгда сувга шўнғиган жойим.

Ҳаске унга тасалли берди:

– Сен нима қилишинг керак бўлса, шу ишни қилгансан.

– Албатта, – ўйга чўмганича жавоб берди Жамил, очиқ барлар, ресторанлар, янги люкс курортлар ва ёпиқ виллалар олдидан ўтиб борар эканлар. Қоронги тушартушмас, чироқлар бир-бир ёна бошлади. Ҳамма ёқда сайр қилаётган ва ишлаётган одамлар бор эди. У бу ерлардан кетган вақтларда эса одамларнинг ҳаммаси шу пайтда дам олишаётган бўларди. Йигит ушбу маскан нима учун “Ҳеч қачон ухламайдиганлар ороли” деб ном олганини англади.

Эртаси куни Ҳаске Жамилдан сўради:

– Ньюфаундлендга қачон борамиз? Мен ҳақиқий татасиликларни кўришга ошиқиб кетяпман.

– Бир-икки кундан сўнг.

– Нега яқинларингни кўришга шошмаяпсан? – сўрашдан тўхтамади Ҳаске.

– Нега шошишим керак экан? Шунча йиллар мен йўқ эдим ва менга бирор ким интизор бўлиб тургани ҳам йўқ, – деб жавоб берди Жамил бепарвогина.

– Хўш, бугун қаерга борамиз унда?

– Аввал Баритае деб аталган, ҳозир эса Янги Ҳарлем деб ном олган жойга.

– Нега энди Янги Ҳарлем?

– Ким билсин?! Мен ўз она юртимда сайёҳман, – ҳазиллашди у.

Янги Ҳарлемда Жамил нега номлар ўзгарганини сўрашга қизиқиб ўтирмади. У энди ўзгаришларни ва ўзининг ортиқ бу оролнинг бир бўлаги эмаслигини тан ола бошлаган эди. Йигит ҳамма ўз ҳаёт йўлида давом этганини ва у ҳам шундай қилиши кераклигини қабул қилди.

Жамил бу ерда жуда катта миқёсда қайта қурилиш ишлари бўлаётганини фаҳмлади. Уни энг кўп ўзига жалб қилган нарса қурилаётган янги сарой бўлди. Улкан бино йигирма йил аввал бўлган зилзиладан олдинги эскисининг нусхаси эди.

Жамил Ҳаскени Татаси музейига олиб борди ҳамда бу ўсимликнинг барча фойдалари ва фожиадан олдинги яриморлнинг одамлари учун қандай аҳамиятга эга бўлгани ҳақида гапириб берди.

- Мен доим бобом каби Татаси фермери бўлишни истардим, - деди Жамил музейдан ташқарига чиқаётганда.

Иккиси Жайситидаги Гранд Масса оролининг сақланиб қолган қисмларига қайтиб борди. У ер кўчалар ва кафелар лабиринтларида кезиб юрган сайёҳлар билан лиқ тўла эди. Улар бошқаларига ўхшамайдиган бир бино вайроналари оралаб кетишаётганида Жамил Ҳаскега қаради:

- Мана бу вайроналар худди мен билан гаплашаётгандек.

Улар бу жойларни ўрганишда давом этишди. Масса хиёбонига пиёда боришли. Сўнг ёдгорлик томон йўл олиши. Жамил аввалига унчалик қизиқмаганди, аммо ҳайкални яқинроқ бориб кўришга қарор қилди. У на инсон зотига ва на бирорта таниш ҳайвонга ўхшарди. Ёдгорликнинг учта уч хил юзи бор эди, уч хил рангда ва учаласи ҳам уч тарафга қараб турганди. Унинг нима эканига ҳайрон бўлиб қараб турганида ёнига Ҳаске яқинроқ келди.

- Бу ниманинг ҳайкали экан?

- Билмадим! Мана бу ерга “Татаси оролининг халоскори” деб ёзиб қўйилиби.

- Жудаям ғалати ва кўриниши тушунарсиз ҳайкал экан! - Ҳаске қўшиб қўйди. - Масса ким ўзи?

- Билмадим, лекин, қара, кимдир бир гуруҳ сайёҳларга унинг нима эканини тушунтириб бермоқчи бўляпти.

Иккаласи ҳайкал олдида тўпланган одамларга бориб қўшилди. Гид қўлига овозкучайтиргични ушлаганича деди:

– Хабарингиз бор, келаётган ҳафта санасида йигирма йил аввал бир машъум тунда даҳшатли зилзила бўлди ва ушбу энг катта оролнинг ярмини вайрон қилди. Аслида у яриморол эди, зилзила уни оролга айлантириб қўйди. Айтишларига қараганда, агар денгиз тубидаги махлук ўшанда кўтарилиб, уни сув устида ушлаб қолмаганида орол ичидаги ҳамма одамлар сувга ғарқ бўлиб кетган бўларди.

Махлук шу қадар кучли эдики, ундан кейинги зилзилаларни тўхтатишга қодир эди ва ҳатто шу яқин атрофдан янги орол ҳосил қиласидаган вулқонни ҳам пайдо қилди. Махлук пайдо қилган янги орол ушбу бош оролнинг барқарорлашишига ёрдам берди ва уларни бир-бирига ёпиштирганида эса иккаласи ҳам мустаҳкам бўлиб қолди. Махлук янги орол устида туриб қолган булатларни учирив юборди. У оролнинг бъязи бир қисмларини юқорироқ кўтарди ва ҳақиқатан, янги пайдо бўлган оролни итариб, бош оролга яқинроқ келтириб қўйди. У ана шундай кучли ва қудратли эди.

Махлук ушбу иккита оролни ва унинг аҳолисини кейинги фалокатлардан асраб қолди. Бошқача таъбир билан айтганда, ушбу иккита орол бу махлукнинг афсонавий қудрати шарофати билан омон қолган. Махлук ўзининг вақти-соати етганини англағач, оролни кўйиб юборди ва табиий ҳамда шарафли ўлим топди. Унинг вафоти бизнинг гуллаб-яшнаб ривожланишимизга олиб келди, чунки махлук парча-парча бўлиб марваридларга, яъни жуда кўп ва олий сифатли, бугунги кунда бизнинг асосий экспортимиз бўлган дурларга айланди.

У қилган барча яхшиликларга жавоб тариқасида махлук деб аташни истамадик. Кўшалоқ фожиадан кўп ўтмай, уни “Мастер”, яъни “Тақдиримизнинг эгаси” деб атай бошладик. Бу оролнинг туб аҳолиси бўлмиш

татасиликлар “Мастер” сўзини талаффуз қилишга қийналишди ва “Масса” дейдиган бўлишди. Шунинг учун бизда ҳаммаси Масса Халқаро аэропорти, Масса авенюси, Масса плаза, Масса парк, Масса метро, Масса университети ва Масса кўрфази деб ном олган. Биз барчамиз ҳозир Масса хиёбонида Масса ҳайкалининг рўпарасида турибмиз.

Бу ёдгорлик бронздан қилинган ва унинг учта турлича юзи бор, негаки, ҳеч ким ҳеч қачон маҳлуқнинг юзини кўрмаган. У жуда уятчан бўлган. Ушбу учта юз, шундай қилиб, ўтмиш, ҳозир ва келажакни кўрсатиб турибди. Агарда сиз Марварид оролларининг гербига қарасангиз, “Жасорат, Бирлик ва Тараққиёт” сўзлари билан бирга маҳлуқнинг юзини ҳам кўрасиз. Бизнинг пулларимизда унинг юzlари мавжуд. Маҳлуқ татасиликларни жуда яхши кўрарди. Масса – ҳамма нарса биз учун демакдир.

Массага шон-шарафлар! – қичқирди гид сўзи охирида ва ҳайкалга таъзим қилди.

– Массага шон-шарафлар! – дея жавоб қайтаришди сайёҳлар ҳам. Сўнг улар ҳам таъзим қилишди.

Жамил ва Ҳаске уларга жўр ҳам бўлишмади, таъзим ҳам қилишмади. Улар бир-бирларига ишонмасдан қараб қўйишли. Ҳаскенинг юзида яна ачиниш табассуми пайдо бўлди.

– Бу бўлиши мумкинмас, – дейишга мажбур бўлди Жамил бош чайқаганича. – Ҳозир эшитганларимга ҳечам ишона олмайман. Улар оролнинг тарихини қандай қилиб бу тарзда ўзгартиришлари мумкин?

Ҳаске уни судрагудек бўлиб ҳайкалнинг ёнидан олиб кетди.

– Хавотир олма, Жамил. Ахир Қиролича Наташа айтар эди-ку, ҳақиқатнинг юзага чиқиши ғаройиб бўлади. Ҳақиқат ҳам худда қуёш ва ой каби бир кунмас-бир кун ойдинлашади. Бир кун бутун дунё ҳақиқатдан хабар топади.

ИККИНЧИ БОБ

Жамил – халоскор

“Гранд Масса” меҳмонхонасининг олтинчи қаватидан Жамил пастга, хиёбонга ғамгин қараб турарди. Унинг боши қотган, жаҳли чиқаётган эди. Ҳаске иккаласи эшитган нарса унинг фикру хаёлини банд қилганди. У турган жойдан юзлаб сайёҳларнинг Масса хиёбони ва Масса ҳайкали атрофида айланиб юришгани кўриниб турарди.

– Уларга қара! – йигитнинг ич-ичидан чиққан овоз хонани ларзага келтирди. – Уларнинг эртаю кеч маҳлуқ ҳайкалига таъзим қилиб юришганига бир қара!

Ҳаске Жамилнинг ёнига, дераза олдига келди. Масса хиёбони бўйлаб одамларнинг ялт-юлт қилиб расмга олишлари кўриниб турарди. Уларнинг хонасига “Массага шон-шарафлар! Массага шон-шарафлар!” деган овозлар кириб турарди.

– Ҳаттоки Массани кўриш ва унга ҳурмат бажо келтириш учун Масса музейи ҳам бор экан, – деди Ҳаске реклама қоғозини кўрсатиб.

– Мана бунга қара! – Жамилнинг юзи ғазабдан буришди. – “Келаси ҳафта иккита муҳим сана – Масса оролни кутқариб қолган куни ва Массани хотирлаш кунини нишонлаш учун ҳафта бўйи давом этадиган тантаналар бўлади”миш!

– Тушунмадим.

Бироз жимликдан сўнг Жамил Ҳаскега тушунтирди:

– Келаси ҳафта қўшалоқ фожия содир бўлганига роппа-роса йигирма йил бўлади ва роппа-роса ўн тўққиз йил аввал “учта эчки режаси”ни амалга оширганман ҳамда саргузаштларимни бошлаганман.

Йигитнинг умидсизликка тушгани юзида яққол кўриниб турарди.

Шу пайтга қадар кучли ва некбин бўлиб келаётган Ҳаске ҳам унга қўшилиб умидсизликка туша бошлади.

– Сенингча, биз мана шу нуқтага етиб келиш учун шунча нарсани бошимиздан кечирган эканмиз-да?! Бунга умуман ишониб бўлмайди! Бу асл ҳақиқат эмас! Мен орзу қилаётган нарсамни айт! – деганича Ҳаске Жамилнинг сумкасидан олтин калитни олиб, каравотнинг устига қўйди. – Биз энди нима қиласиз?

– Билмадим! – деди Жамил паришон хаёллар билан.

Ўша кунги воқеалардан сўнг Жамил оролга қайтиб келгани яхши фикр бўлганми ё йўқлиги ҳақида ўйлай бошлади.

– Биз Расмаратда қолишимиз керак эди. Бундай қайтгандан кўра орол менинг хотирамда қолиб кетгани яхшироқ эди.

Жамил орол учун қилган ишларидан жуда фахрланарди. У мукофотланишини ҳеч қачон умид қилмаган бўлса-да, бунчалар ўзгаришлар бўлиб кетганини ҳам кутмаганди.

– Мен энди бу ерларга тегишли эмасман, – деди у қайғу билан бошини чайқаганича. – Мен ўз оролимда бегонаман. Яхшиямки, калит учун курашаётиб, беҳуда ўлиб кетмадим...

– Ҳаммаси бекор бўлар эди.

– Аммо химералар билан жанг қилиш менга жуда ёққанди, – деди ўша кечаси илк бор жилмайганича. – Нима бўлганда ҳам ичимда бир туйғу калит янги муҳитда бефойда бўлишини айтганди... аммо уни тан олиш кулгили эди. Мотамсаролар юртида бир киши айтганди: “Муҳими, бу калитни қўлга киритиш учун саёҳатга чиқишидир. Мен кўп нарсаларни ўргандим ва бу билимлар беҳудалик эмас. Агар калитни излаб топиш учун сафарга отланмаганингда мен сен билан учрашмаган ва бугун биз бу ерда бўлмаган бўлардик...”

- Ва биргаликда бахтиёр ҳам бўлмасдик, - жилмайганича қўшиб қўйди Ҳаске.

- Сен ҳақсан! - деганича Жамил Ҳаскега яқин келди. - Менимча, эртага Ньюфаундлендга борганимиз маъқул. Бу ер бизнинг жойимиз эмас.

Ҳаске унга бир қаради-да, кейин пастга боқди.

- Бу оролда эшитганларимга ишонаман, деб ўйламайман ва менимча, маҳаллий аҳоли - татасиликлар билан бирга ўз уйимизда бўламиз.

- Майли, розиман!

- Сенинг қариндошлар ва дўстларинг билан танишишга жуда муштоқ бўлиб кетяпман. Менимча, улар билан тил топиша оламиз ва яқинларинг калитнинг аҳамиятини англаб етишади, - деди Ҳаске.

- Бу одамлар калит ҳақида ҳеч вақо билишмайди ва уларга кераги ҳам йўқ. Уларнинг маҳлуқлари бор.

- Бизда эса калит!

Эртаси куни тушдан сўнг Масса хиёбонида яна сайр қилғанларидан сўнг иккаласи жомадонларини ҳозирлаб, кетишга тайёр бўлишди.

- Брошюрада ўқидим, хиёбон остида энг замонавий савдо маркази бор экан. Ньюфаундлендга жўнаб кетмасимиздан олдин унинг қанақалигини кўрармиз-а? - деда Ҳаске таклиф киритди.

- Майли, вақтимиз бор.

Пиёда кетиб боришаркан Жамил қуёш кўчаларда бир пайтлар, ёшлигида бўлгани каби сезилмаётганини пайқади. Уни баланд бинолар тўсиб қўйган бўлса керак, деб ўйлади. У бир пайтлар яхши кўрадиган ва қадрлайдиган қуёш ёруғ ва ёрқин эмасди. Кейинроқ Жамил Ҳаскедан сўради:

- Бугун одамлар сал ғалатироқ бўлиб қолибдими, сездингми?

- Сен доим ғалати нарсаларни сезганинг-сезган. Нима, улар йигирма йил қандай бўлган бўлса, ўшандай бўлишларини кутяпсанми? - деди Ҳаске бироз жаҳли чиқиб.

- Йўқ, – деди у диққат билан, – қара, кўряпсанми, улар телевизор экранларига қадалиб олишган!

Жамил бу ерда бир гап борлигини сезди ва кафедаги бир гуруҳ одамга яқинлаши.

– Салом! Сўрасам бўладими, нималар бўляпти ўзи?

– Жуда яқин орада улкан зилзила кутилмоқда.

– Қаерда?

– Албатта, шу ерда-да! Қаерда бўларди?!

– Тушунмадим, – яна сўрашда давом этди у.

– Олимлар тез орада бошқа бир улкан зилзилани кутишмоқда, бир неча кун ичидан бўлиши мумкин. Энди тушундингизми? Бориб газета сотиб олинг ёки телевизор кўриш учун пул тўланг!

– Раҳмат! – деди Ҳаске ва Жамилни тортиб кетди.

Улар “Масса ҳақиқати”, “Марварид” кунлик газетаси ва “Гранд Масса янгиликлари” газеталарини сотиб олишди.

Жамил сарлавҳаларни Ҳаскега ўқиб берди.

– “Бир гуруҳ олимлар Марварид ороллари геологияси устида ўн йил давом этган тадқиқотларини тугатишди”.

“Ороллар бўйлаб улкан зилзила бўлишига олимларнинг ишончи комил, аммо бир неча кундан сўнг жуда кучли зилзилалар серияси бўлиши мумкинлигини инкор қилмадилар”.

“Олимлар орол остидаги ёрилиш чизиғини топиши. Улкан зилзиланинг эпицентри Гранд Масса оролидаги ҳамма нарсани ювиб юборадиган, йигирма метрлик кўтарилиб-пасаядиган тўлқин ҳосил қиласи”.

“Жамики орол аҳолиси зудлик билан эвакуация қилиниши лозим”.

“Олимларнинг фикрларича, олтин калит оролни кутқаришнинг яккаю ягона чорасидир”.

“Калитнинг ярми оролда”.

“Иккинчи ярмини топиш учун пойга бошланган, лекин оролдаги бирор кимса ҳам уни қаердан қидириш кераклигини билмайди”.

Жамил ва Ҳаске бир-бирларига ишонқирамай қараб кўйишди.

– Бунга ишониб бўлмайди! – хитоб қилди Ҳаске. – Охир-оқибат бувим ҳақ бўлиб чиқяпти.

– Ҳа, Ҳакури ҳақ бўлиши мумкин, – Жамил босиқлик билан бошини ирғаганича жавоб берди. – Кечагина бизнинг калит кераксиз, деб ўйлаётган эдик...

– Энди эса у биздаги энг муҳим нарса!

– Ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди, – деди Жамил жилмайганича.

– Уларга калитни берасанми?

– Албатта, – деди ҳеч бир иккilanmasdan Жамил. – Бувинг айтганидек, бирор антиқа нарса бўлган заҳотиёқ улар содир бўлади.

Ҳаскенинг хурсандлиги кўриниб туради.

– У сени нима учун Минг, яъни “Бахтли юлдуз остида туғилган одам”, деб атаганини энди биласан. Ўз белгиланган манзилига муваффақият билан етиб борган саргузаштлар мухлиси!

Ёнгин тревогаси эшитилиши билан иккаласи бинодан югуриб чиқиши. Овозкучайтиргичдан шундай сўзлар янгарди:

– Марварид оролидан чиқиб кетинг! Оролдан эвакуация қилиш учун йигирма тўрт соат вақтингиз бор.

– Сизларга зудлик билан Илмий тадқиқотлар марказига боришни тавсия қиласан. У ер нақ муюлишда, – деди меҳмонхона ходимларидан биттаси. Жамил уни калитнинг қолган қисми қаердалигини билишига ишонтирганди. Иккаласи кўчадаги энг баланд бўлган иморат томон шитоб билан юриб кетиши. Йигит каттакатта қилиб ёзилган “Самад минорасига хуш келибсиз!” деган ёзувни кўриб, ҳайратини яшира олмади.

Унинг калитнинг қолган қисми қаердалигини билишини эшик қўриқчисига тушунтириши жуда қийин бўлди. Узоқ баҳсадан сўнг Жамил “Хойнаҳой, шу директор бўлса керак”, деб ўйлаган киши бино

эшигидан ўз ёрдамчилари билан чиқиб келаётганида унга яқынлашди.

– Менинг исмим Жамил ва мен сиз билан олтин калитнинг қолган қисми ҳақида гаплашиб олмоқчиман.

– Сиз бўй-бастингиз, йўғон овозингиз, ўзингизни тутишингиздан ҳақиқатан, татасиликка ўхшаркан-сиз, – деди у киши ва ортидан боришини сўради. Бир неча қадам юрганларидан сўнг эркак тўхтади ва Жамилни диққат билан кўздан кечирди, сўнг пичирлади: – Ўн тўққиз йил олдин маҳлуқни алдаган ўша Жамилман, демоқчимисиз?!

– Ҳа, – жавоб берди Жамил паст овозда бошини қимирилатганича.

– Хуш келибсиз! – деди у киши табассум билан.

Йигирма бешинчи қаватда директор унга тушунтириди:

– Марваридлар оролида барча бинолар Рихтер шкаласи бўйича 8 баллгача бардош бера оладиган қилиб қурилган. Йигирма тўрт соатлардан кейин бўлиши кутилаётган зилзила эса анча кучлироқ, Рихтер шкаласи бўйича 10 балл ёки ундан ҳам ортиқроқ бўлади.

– Битта ёки ундан ортиқроқ зилзила бўлишини кутяпсизларми? – сўради Ҳаске.

– Битта катта зилзила бўлишига ишончимиз комил, аммо биздаги маълумотлар биттадан ортиқроқ бўлишини кўрсатмоқда. Бир пайтнинг ўзида бир неча зилзилалар ҳам бўлиши мумкин. Биттаси оролда ва бошқаси денгизда.

– Қадимий калитни нима учун қидиряпсизлар? – сўра ди Жамил. – У нима қилиши мумкин?

– Олимлар ернинг тубига датчик қўйишган ва ҳозирда сейсмик ҳаракатларни кузатишга муваффақ бўлишган. Биз бутун орол бўйлаб қатламларнинг бир-бирига урилиши натижасида, ўзингиз билганингиздек, зилзила келтириб чиқарадиган босимни юмшатиш учун улкан клапанлар ковлашга муваффақ бўлдик. Шу

жараёнда билдикки, кейинги зилзилаларнинг олдини олишнинг ягона йўли иссиқликни чиқариб юбориша, буни эса фақат олтин калит билан қилиш мумкин.

– Самолардан келган ҳадя, – деди Жамил.

– Ҳа, бир неча йиллар аввал мана шундай деб аталар эди.

– Олтин қутида сақланадиган калитга нима бўлди? – дея сўради Жамил.

– Бу ҳақда сен қаердан биласан? – директор жилмайганича сўради.

– Кўп йиллар муқаддам мен Калит Жамоаси Ҳимоячиларининг аъзоси бўлганман ва биз у ёқقا-бу ёқقا уни кўтариб юрардик.

– Сен ҳақиқий татасиликка ўхшар экансан, деган эдим-а! Ўшанда сизлар кўтариб юрган калит сохта эди ва у турган гапки, бирор нарсага ярамайди.

– Нега олимлар янги калит ясай олишмайди?

– Биз бу дунёда нима қилиш керак бўлса, ҳаммасини қилиб кўрдик, аммо фойдаси бўлмади. Яккаю ягона натижа белгиси бўлган нарса эски олтин калитнинг қолган қисмини қўллашимиздир. Бизнинг қатъий ишончимиз шуки, иккила қисм бирлашганида у фойда беради.

– Нималар бўлаётганини менга тушунтириб бера оласизми? – Ҳаске илтимос қилди. – Мен қўрқиб кетяпман. Бу ерда ўлиб кетишни истамайман!

Директор уларни катта экранли компьютер олдига олиб борди. У сичқончанинг тугмачасини босиб, Гранд Масса ороли ва денгиз тубидан тўғридан-тўғри юбориб турилаётган суратларни кўрсатди.

– Кўриб турганингиздек, булар тўғридан-тўғри келаётган суратлардир, буларда қатламлар бир-бирларига яқинлаشاётгани кўриниб турибди.

– Мен қўрқиб кетяпман, – ийғлади Ҳаске.

– Бу дарҳол бўладиган нарса эмас, – дея юпатди уни Жамил.

– Ҳозир бўлаётган бўлса-чи? Жамил, биз йигирма бешинчى қаватдамиз. Жуда қўрқиб кетяпман.

– Ҳавотир олма, бизга ҳеч нарса қилмайди.

Директор сичқонча тугмачасини яна босганича давом этди.

– Мана булар индикаторлар. Улар қизил рангга кирганида зилзила бошланади. Ўзингиз кўриб турибсиз, улар ҳозир олов рангда ва энг сўнгги кузатишларимизга биноан олдимиздаги йигирма тўрт соат ичида исталган бир пайтда қизил рангга кириши мумкин.

– Жамил, мен шу ерда ўлиб кетишни истамайман, мени тушуняпсанми? – Ҳаске борган сари асабийлашиб кетаётганди.

– Ҳаске, бу ердан чиқишига ҳам, муаммони ҳал қилишга ҳам етарлича вақтимиз бор.

Директор яна тугмачаларни босганича калит қандай қилиб босимни пасайтириши ва фалокатнинг олдини олишга ёрдам беришининг компьютерда ишланган моделини кўрсатди.

– Кўриб турганингиздек, ўнг томондаги калит билан бу ерда бошқа яна зилзила бўлмайди, чунки ернинг остида – мана бу ерда, қачон бўлмасин, босим пайдо бўлса, уни пасайтиришимиз мумкин бўлади, – дея компьютерлар ёнидаги деворда турган тешикка ишора қилди.

Жамил эшитаётганларига ишониши жуда қийин кечаётганди.

– Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, вазият ўта жиддий, – деди директор. – Биз оролни ва ундаги ҳамма нарсани асраб қолишимиз учун калитнинг иккинчи қисмига ниҳоятда муҳтоjmиз.

– Ньюфаундленд-чи, у ер хавфсизми?

– Ҳа, – деди директор. – Ороллар ва Ньюфаундленд орасидаги тоғлар тизмаси босимни ютиб юборади ҳамда у ерда жойлашган ҳамма нарсани вайрон қилиб юборадиган ҳар қандай цунамининг олдини олади.

– Сенга айтдим-ку, бу ердан кетайлик, деб. Бу машиналарга ҳам, бу оролда эшитган ҳикояларимнинг бирортасига ҳам ишонмайман, – деди Ҳаске.

– Хавотир олма, – уни тинчлантириди Жамил.

– Бу фойда бермаса-чи? – сўради Ҳаске.

– Нима бўлганида ҳам қутқарамиз! Биринчисини қутқарган эдим, бу сафар ҳам қутқараман, – деди Жамил унга жилмайганича.

– Калит иш беради, – деб қўшиб қўйди директор Ҳаскега қараганича. – Ишончимиз комил.

– Бизга буни яхшилаб тушунтириб берганингиз учун раҳмат, айниқса, вақтимиз жуда оз қолган бир пайтда, – деди Жамил вазминлик билан. – Мамнунийт билан сизга хабар бераманки, калитнинг иккинчи қисмини олиб келишим мумкин. Унинг қаердалигини биламан. Уни икки соат ичидаги келтириб бераман.

Жамил уни дарҳол беришни истамаётган эди. У бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўрмоқчи эди.

Йигит директорга йигирма йил аввал қандай қилиб оролни қутқариб қолганини сўзлаб берди. Қай тарзда маҳлуқни алдагани ва ўлдиргани, жуда кўп жойларга сафар қилгани ҳамда атиги бир неча кун олдин калитни қайтариб олиб келганини билдириди.

– Айни вақтида келдингиз! – деди хурсанд бўлганича директор. – Биз сиз ҳақингизда, қадимий калит ва унинг аҳамияти тўғрисида биламиз. Аммо бизнинг тарихимиз жуда кўп бор қайтадан ёзилавериб, асл ҳақиқат афсонага айланиб, маҳлуқ эса муқаддаслаштириб юборилди.

– Икки соатдан сўнг яна кўришамиз.

– Сизни пастда кутаман.

Иккаласи маҳкам қўл сиқишиб хайрлашишиди.

Роппа-роса икки соат ўтиб, Жамил ва Ҳаскенинг Самад минорасига яқинлашаётганлари телевизорда тўғридан-тўғри эфирда кўрсатилаётган эди. Улар минорага юрганларича яқинлашаркан, телекамералар қўлидаги рюкзакни маҳкам ушлаб олган Жамилга

қаратилганди. Иккиси вазминлик билан юриб борарди. Ҳаске бироз асабийлашгандек кўринаётган Жамилга жилмайиб қарапди.

– Ҳаммаси яхши бўлади! – шивирлади Ҳаске улар бино бўсағасига яқинлашганларида.

Телевизор журналисти уларнинг рўпарасига чиқди:

– Жамил, оролнинг келажаги учун калитни ушлаб бораркансиз, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

– ...

– Бу жуда катта масъулият бўлса керак? – журналист давом эттирди.

– ...

– Сиз саҳрони кесиб ўтганингиз ва ҳаттоқи уни олиш учун химера билан олишганингиз ростми?

– Ҳа!

– Сумқангиздаги нарса билан зилзилаларнинг олди олингудек бўлса, янги илмий назарияни тасдиқлаши мумкинлигини биласизми?

– Жавоб беролмайман.

– Борди-ю, калит иш берса, оролнинг тарихи қайтадан ёзилиши керак бўлади...

– Иш беради, деб умид қиласиз.

– Бирор нарса дейишни истайсизми?

– Мени қўллаб-қувватлагани учун Ҳаскега миннатдорлигимни изҳор қиласман.

Самад минорасининг йигирма бешинчи қаватида телекамераларнинг ҳамма ёқни тўлдириб юборган ёруғлиги остида Жамил хотиржам сумкасини очди-да, калитни директорга узатди. Раҳбар эса уни ўшиб, беш кишилик олимлар жамоасига берди. Улар калитни текшириб, ўлчаб, оғирлигини тортиб кўришди. Олимлар бир-бирларини маъқуллаганларича бош ирғаб қўйишиди. Кейин эса калитнинг иккинчи қисми турган жойга бориб, иккаласини бир-бирига ёпиширишиди. Улар бир-бирига мос тушиши билан олимлар орасида қувонч қийқириқлари эшитилди.

– Қойил! Бу ҳақиқий калит! – хитоб қилди телебошловчи, у Самад минорасининг йигирма бешинчи қаватидан жонли эфир олиб бораради. Олимлар Жамилнинг келиб, калитни тешикка киргизишини таклиф қилишди.

– Ҳаске менга ёрдам берса бўладими?

– Албатта! – деди директор. – Калитни қўлга киритишда унинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган-ку!

Жамил ва Ҳаске калитни оҳисталик билан тешикка киргизиши ҳамда олимларнинг кўрсатмаларига мувофиқ тарзда уни бурашди. Улар секин-асталик билан калитни бурашаркан, орол бўйлаб ковланган ўн иккита улкан клапанлардан газ чиқиб кетаётганини хабар қилишди. Директор компютердан кўзларини узмасдан турар ва олимларга жараёндан хабар берарди:

– Босим пасайяпти! Босим пасайяпти! Қатламлар меъердагидек, қатламлар меъердагидек. Яшил ранга ўзгариш. Яшил ранга ўзгариш. Барча клапанлар ишламоқда.

Ўттиз дақиқалар ўтиб, директор эълон қилди:

– Сейсмометр шуни кўрсатмоқдаки, ҳаммаси ўз изига тушди. Калит иш берди. Марваридлар ороли кутқарилди!

Олимлар жамоаси Жамил ва Ҳаскени бағриларига босишар ҳамда миннатдорлик билдиришар эди.

– Энг каттасининг олди олинди. Мана буни кутқариш деса бўлади! – деб директор Жамилни қучоқлаб олди.

– Сен Марварид оролидаги ҳар бир инсонни ва ҳар бир нарсани кутқардинг. Сен бизнинг халоскоримизсан!

УЧИНЧИ БОБ Энг аввал

Кунларнинг бирида Жамил тонг саҳарда – Татаси кўрфазида илк ҳаёт нишонаси барқ ургандаёқ уйғонди. Кўзларини очиши билан жилмайди. У жудаям хурсанд эди, чунки бугун Мажид амаки уларникуга келмоқчи. Меҳмон унга совға олиб келишини биларди. У қачон келмасин, доим Жамилга совға олиб келарди. Ўтган йили Мажид амаки унга қўлда тайёрланган рангдор қалпоқ совға қилганди. Жамил уни фахр билан кийиб юради, чунки бунақаси кўрфазда ундан бошқа ҳеч кимда йўқ-да.

Жамилга тонг саҳардаги қушларнинг таниш чуғурчуғурлари эшитилди. У қушларнинг сайрашларига шу қадар ўрганиб қолган эдики, қайси қуш сайраётганида қай пайт бўлганини билиб оларди. Улар худди бирининг ортидан иккинчиси сайраш учун навбатлашиб олишгандек эди. Маълум бир қуш сайрашни бошлиши билан у ўрнидан турадиган пайт бўлиб қолганини англарди. Бугунги ўзига хос бўлган кунда эса ҳаттоқи қушлар сайрашни бошлишларидан аввал туриб олди.

Жамил эрталабки сувда чўмилишга боргани бобоси Камолга ҳамроҳ бўлиш учун тайёргарлик кўрди, у узоққа бора оладиган бўлганидан бери шунаقا сайрга чиқишар эди. Жамил ва бобоси одатда тонгги ғира-шира пайтда Афсонавий Довон деган ном билан танилган, бош оролни яриморолга бириктириб турган узун ер бўлагига сайр қилишарди.

Камол бобо энг аввало ёғоч уйдан ташқарига чиқарди. Невара индамасдан унга эргашарди. Жамилга бундай кун тартиби жуда ёқарди – қандай қилиб уйқудан

уйғониши-ю, қандай қилиб керишиши, кийинишидан тортиб ибодат қилиши ва ҳаттоти қандай қилиб уйдан ташқарига чиқиши... Ўнг оёқ билан чиқиш керак, бу борада бобосига ўхшашга интилади.

Жамил бобосининг уйда йўқлигида оиласини ва молмулкини ҳимоя қилишини тилаб оятлар ўқиганларигача тақлид қиласиди.

Саҳар қоронғисидаги сафарга одатда жимгина кетишарди. Ўша куни эса Камол бобо сукунатни бузди:

– Сен жуда тез юриб кетяпсан. Сал секинроқ юравер.

Жамил секинлашди ва кекса бобосининг ортидан юра бошлади.

– Мажид амаким қачон келади? – Жамил сўради, бу унинг биринчи сўраши эмасди.

– Тушдан сўнг, – Камол бобо жавоб берди.

– Сиз билан бандаргоҳга борсам бўладими?

– Албатта!

Шу билан улар то Афсонавий Довонга етиб боргунларига қадар бир оғиз ҳам гаплашмасдан кетишли.

Отахон ҳар доимгидек шошилмади. У аввал ўнг қўли билан, кейин эса ўнг оёғи билан сувни текшириб кўрди. Шундан сўнг денгиз сувига шўнғишидан олдин дуо ўқиди. У тонг қоронғисида то Жамил унинг қорасини кўрмай қолгунинга қадар денгиз ичкарисига сузиб кетди. Одатда болакай довон яқинида сувнинг шалоплаши эшитилгунича ўша атрофни кезиб юрарди, кейин эса бобоси кийимларини қўйиб кетган жойга қайтиб келарди. Ўша куни эса Жамил ҳеч қаерга бормади. У бобосининг кийимлари ёнида ўтирганича хурсанд бўлиб ва ҳурмат билан кутарди. Йигитча бобосини жуда яхши кўрарди.

Жамилнинг ота-онаси яриморолнинг бир бўлаги бўлмиш Баритаэга кўчиб кетганида у беш ёшда эди. Улар болани бобосининг ёнида қолдириб кетишган, чунки иккаласи ҳам ишлар ва бола тарбиялаш учун вақтлари жуда кам бўлар эди. Жамил тўнғич ва яккаю

ягона невара бўлиб, бобоси уни жонидан ортиқ севарди.

Ўша пайтга келиб, қуёш ҳам секин-аста кўтарилимоқда эди.

– Ҳар куни денгизда сузиш жуда муҳим, – дерди денгизнинг саломатлик учун фойдали хусусиятларига жуда диққатли бўлган Камол бобо. – У сени соғлом қиласи ва кун бўйи кайфиятинг чоғ бўлиб юради.

Афсонавий Довон яриморолни бош оролга улаб турган, жуда ғайриоддий даражада тўппа-тўғри бўлган ер бўлаги эди. Афсоналарга кўра, у бир пайтлар жўн бир орол бўлиб, илк одамлар бош оролга кўчиб келишганида ва уни кесиб ўта олишмаганида Худодан дуо қилиб сўрашган. Шунда уларнинг дуолари мустажоб бўлиб, тўппа-тўғри, лекин торгина бир йўлак пайдо қилган экан.

Яна бошқа бир афсонага кўра, ушбу илк кўчиб келганлар узоқлардан келган қочоқлар бўлиб, ўшандада уларни аскарлар таъқиб қилиб келаётган бўлган. Улар қирғоққа етиб келиб, у ердан сузиб ўта олмаганларидага дуога қўл очганлар ва Худо уларга сўқмоқни пайдо қилган. У ердан ўтиб олишлари биланоқ катта бир тўлқин ўша йўлакни қоплаб олган ва аскарлар қочоқлар сувга ғарқ бўлди, деб ўйлашган, сўнг ортларига қайтиб кетишган.

Жамил ва бобоси Кўчманчилар чорраҳаси деб номланган жойга етиб келганларида қушлар ҳар ёққа учиб юрадиган даражада кун ёришиб кетганди. Болакай ўрнида турганича йўллар туташган жойдаги битта дарахтга қўнган қушларни санарди. У одатда йигирмача санаб, кейин тўхтарди. Сўнг қушларни учириш учун пастда осилиб турган шохларни силкитарди.

– Ассалому алайкум! – бир йигит салом берди.

– Ва алайкум ассалом! – мулойим алик олди Камол бобо.

– Ассалому алайкум! – Жамил ҳам салом берди.

Салом бергани учун бобоси Жамилни алқади.

- Биз нега салом берамиз, биласанми?
- Йўқ.
- Чунки биз ҳеч қачон уруш нималигини билмаганимиз.
- Улар Гариёндаги ёғоч уйларига етиб борганларида ҳамма ёқ ёппа-ёруғ бўлиб кетганди.
- Уйнинг бекасига саломлар бўлсин! – деди Камол бобо ўзининг келганини билдириб.
- Қайтиб келган эркакка ҳам саломлар бўлсин! – деди Жамилнинг бувиси Лайло.
- Илтимос, эркакларга! – деди Камол бобо Лайло бувига Жамил энди катта бола бўлиб қолганини эслатиб.
- Кечирасизлар, эркакларга! Кичкинтайимиз энди кичкинтай эмас экан-да!
- Ҳа!
- Бўлмаса, йигитча ҳам денгизда суздими?
- Йўқ, ҳали унинг вақти келади, – деди қатъий ишонч билан Камол бобо. – Меҳмонимиз учун ҳамма нарса тайёрми?
- Ҳа, – деди Лайло буви ва балиқнинг ёғини сиқиб олаётган жойи бўлмиш уйнинг ён томонига қайтиб кетди. Жамил бу ишнинг жуда эътибор талаб қилишини ва кўп вақт олишини биларди.
- Балиқдан ортиқ ёғ чиқмаяпти, – дея нолиди у. – Ҳатто кичрайиб ҳам кетди. Шу кунларда нима тутиб келишаётганини ҳам билолмай қолдим. Ёғ чиқариб олиш қийин бўляяпти. Бизнинг ёшлик пайтимиздагидек эмас. Ўша пайтлар анча осон эди.
- Бобо ва невара меҳмонни кутиб олиш учун бандаргоҳга кетишиди.

– Севимли оролимизга хуш келибсиз! – узун чакмон кийиб, ўзига хушбўйликлар суртиб олган Камол бобо қайиқдан тушган Мажид амакининг истиқболига қучоғини кенг очганича салом бериб чиқди.

– Сизларни яна кўриб турганимдан жуда баҳтиёрман, – дея жавоб берди Мажид амаки. Икки ошна бирбирини маҳкам қучоқлаб кўришишди. Сўнг меҳмон узун

соқолини қўллари билан ушлаганича текис ҳассасига таянди.

– Сен келгани жуда зўр вақтни танлайсан, – деди Камол бобо ҳамон дўстини қўйиб юбормасдан.

– Мен доим қуёшнинг ботиш мавсумини яхши кўраман, – қўшиб қўйди Мажид амаки енгил йўталганича.

– Ҳа, ростдан ҳам жуда зўр вақт! Бизга серқуёш ўлка насиб қилган.

Қадрдон дўстлар сифатида улар етти марта қўл сиқишиб, яна қучоқлашишди. Жамил одамлар кўришганда неча марта қўл сиқишишларини санашни ёқтиради, чунки бу нарса яриморолда одамларнинг муносабатларини ифодаларди: буткул нотанишлар бир марта, танишлар уч марта ва қадрдон дўстлар етти марта қўл сиқишишарди.

– Ҳа, ўн уч соатлик қуёш сабаб одамларнинг юзларida доимий табассумни қўряпман, – у бироз жим бўлиб қолди. – Қанчалар гўзал жойлар! Тўғрисини айтсам, қачон келсам, ўзимни анча яхши ҳис қиласман.

– Бу қуёш туфайли.

– Ҳа, сен ҳақсан! У менинг қалбимни ёриштиради, дардларимга шифо бўлади... ҳаттоқи оғрийдиган бўғинларимга ҳам, – деди Мажид амаки кулганича.

– Гапни роса топиб гапирасан-да, Мажид.

– Йўқ, мен ростан ҳам ўзимни ёшроқ ҳис қиляпман, – деганича Мажид амаки Жамилга ўгирилди.

– Бизнинг тойчоғимиз қалай?

– Яхшиман.

– Ҳозир неча ёшдасан?

– Ўн уч ёшдаман.

– Вақтнинг ўтишини қара, – деб Мажид амаки Камол бобога қаради. – Демак, менинг кўчиб кетганимга ўн ийлдан ошибди-да.

– Ҳа, тўғри.

Улар бандаргоҳдан Гариёнга қайтишаётганларида Жамил Мажид амакининг сумкасини кўтариб борар

ва "Нега одамлар яриморолга фақат қүёшни деб келишаркин?" дея ҳайрон бўлганича ўй суреб кетар эди. Қуёш ботиш мавсумида ўлкага ташриф буюрувчилар анча кўпайиб қолганини пайқаганди.

Бурама-бурама булутлар жанубдан секин-аста думалаб келаётган ва ранг-баранг осмон ҳосил қилганича тарқалиб кетаётган бир пайт эди. Шу маҳалда, айниқса, тушдан сўнг кечга бориб, само ёрқин ранглар билан алвон тусга киради.

Улар уйга етиб келишлари билан Жамил ўзига аталган совғага муштоқ бўлиб туришига қарамай, сабр қилишини уқтиришди. Унинг ўзи сўраб олиши одобдан эмасди. Мажид амаки айвонда ботаётган қуёшга боқиб ўтиарди. Жамил эса уни сабр-тоқат билан кутарди. Қария манзарага мафтун бўлганича, уни хотирасига муҳрлаганича жим эди. Бироз вақтдан кейин Мажид амаки ўрнидан турди ва дуо қилиш учун қўлларини осмонга кўтарди. Жамил унга қўшилди.

Меҳмон амаки болакайга бориб ўйнашини айтди.

- Кейинроқ кўришамиз! Қуёш ботмасидан аввал мен ундан баҳра олмоқчиман.

Жамил маёқ томонга кетди, у куннинг бу пайтида дўсти Башир ва ўша атрофда яшайдиган болалар ўйнаб юришларини биларди.

- Биз маҳлуққа ўхшаб кетадиган бир нарса кўрдик, - деди Башир қўркув билан.

- Ростданми?! Қачон? Қаерда? - Жамил денгизга қараганича сўради.

- Сен келишингдан сал аввал, ҳов анави ерда, жуда узокда, - деди Башир денгизнинг ичкарироғига қараш учун Жамилга суюнганича. Башир маёқ яқинида яшайдиган балиқчининг ўғли эди. У Жамилдан пастроқ эди.

- Нега сен доим мен йўқ пайтимда маҳлуқни кўрасан? - Жамил сўради.

– Онамнинг айтишича, ҳеч қандай махлук деган нарса йўқмиш, аммо уни ўсмирлик пайтида кўрганини айтди.

– Ҳойнаҳой, махлук ўзини катталарга эмас, ўсмирларга кўрсатса керак-да.

Денгиз устида учбурчак шаклида учиб бораётган қушлар кўринди. Болалар қўшиқларни куйлашни бошлиши:

– Леке-леке, бизга ёмғир бер,
Леке-леке, бизга баҳт бер,
Леке-леке, бизни ўйнат,
Леке-леке, бизга махлукни кўрсат!

Жамил уйига етиб борганида қош ҳам қорайган ва уни стол устида битта пакет кутарди. Катталар ижозати билан ҳаяжонга тушган Жамил пакетни очди. Унинг ичида ёғоч калит бор эди. Боланинг юзи ўзгариб кетди. Мажид амаки унга нима учун бу совфани олиб келганини тушунмади.

– Бу ёғоч калит махсус сен учун шаҳарнинг энг уста дурадгори томонидан ясалди. У омаднинг тимсолидир. Умид қиласманки, у сенга ҳамма эшикларни очади. Бунга яхшилаб қара, унда сенинг исминг нақш қилинган.

Жамил Мажид амакига раҳмат айтди.

– Ким билсин... балки, у калитимизнинг ярмини олиб келадиган инсон бўлар, – деди Лайло буви. – Мен калитнинг иккинчи қисми келишини сўраб доим дуо қиласман. Бу ерда яшаш қийинлашиб кетяпти. Озгина бўлса-да, ақл-идрок бўлиши учун калитни қайтаришимиз керак.

– Бу орзу, – деди Камол бобо.

– Илоҳим, Жамил калитни қайтариб келадиганларнинг бири бўлсин, – дуо қилди Лайло буви.

– Олтин калитнинг иккинчи қисми қаерда эканини ҳозирда бирор кимса биладими?

– Ҳеч ким билмайди ва бу билан ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ.

Эртаси кун Жамил совфасини кўз-кўз қилгани олиб чиқди.

- Мажид амакимнинг гапига қараганда, у ҳамма эшикларни очадиган сеҳрли калит экан. Умид қиласманки, бир кун келиб, махлуқни тутаман ва чиқиб кета олмайдиган қилиб қафасга солиб, шу калит билан устидан қулфлаб қўяман.

- Лекин махлуқни тутиш учун бу калитдан фойдалана олмайсан, – унинг гапини рад қилди дўсти.

- Мен қўлларимдан фойдаланаман, – деди Жамил.

- Қўйсанг-чи! Ўзинг биласан-ку, махлуқлар жудаям катта.

- Қанча катта?

- Мана бу маёқдек катта.

- Йўғ-е, оддий уйдан уч марта катта экан-да!

- Ҳарқалай, сенинг калитинг қулф эмас, шунчаки калит, – деб нукта қўйди Башир.

Ўша куни кечга томон Жамил дам олаётуб, бобоси ва меҳмон ўртасидаги гапни эшишиб қолди.

- Қаерда эдинг бугун? – сўради бобоси.

- Самад Уйидаги эски дўстимни кўргани боргандим.

- У ерлар қалай экан?

- Афсуски, унчалик яхши эмас, – деб жавоб берди Мажид амаки.

- Мен у ерга зўрға бораман. Эшитишимча, ҳамма нарса ўзгариб кетган.

- Ҳа, бугунги кунда таълимга жуда кам эътибор қаратиляпти. Самад бепул бўлган пайтида ҳаммаси бошқача эди.

- Ҳа, гапинг рост! Ўша пайларда олим ва ихтирочи Самад қўл остида бутун дунёдан одамлар келиб, илм олишар эди.

Яриморол ўша ерда ўсадиган татаси деган ўсимлик номи билан аталганди. Уни ким олиб келган? Бу ҳақда аниқ ҳеч ким билмасди. Кимдир у аввалдан мана шу ерда ўсган деса, яна кимдир уни аскарлар бошқа жойлардан олиб келишган, дейди. Татаси жуда фойдали ва бой эди. Унинг барглари чой, дамлама, шўрва ва дори-

дармон учун ишлатиларди. Гулларидан эса атир учун фойдаланиларди. Қуритилгани ва бошқа масаллиқлар билан аралаштирилгани қувват берувчи бўлиб, озуқавий ичимлик ҳам тайёрланарди. Илдизи табобатда ишлатиларди, айниқса, шамоллаш, йўтал ва ошқозон касалликларига қарши қўлланарди. Уруғларидан зираворлар ва совун учун фойдаланишарди.

Вақти келиб, бу ўсимлик саноат даражасида етиштириладиган бўлди. Татаси етиштириш айни авжига чиқсан пайтда Камол бобо яриморолга кўчиб келган ва фермаси жойлашган ер бўлмиш Гариёнга жойлашиб қолган эди. Талаб ортгани сари уни етиштиришнинг янги услублари ҳам ортди. Аввал татаси ҳеч қачон экилмаган ерларда уни ундиришнинг янги йўллари ўйлаб топилди. Экишдан тортиб то ҳосилни йиғиб олгунча бўладиган табиий давр одатда икки йил вақтни оладиган бўлса, янги кашф қилинган услублар бу даврни бир йилга қисқартирди. Татасини бутун йил бўйи етиштириш учун махсус ишкомлар ўйлаб топилди. Олти ойда катта кўламда ҳосил олиш мумкин бўлган янги навлар ишлаб чиқарилди. Татаси ўсимлигининг одатий узунлиги одамнинг бўйича келарди, аммо янги навлар унга уч баравар келадиган ҳолда етиштирилди.

Икки қария умрлари давомида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу ўсимлик ҳақида гурунглашиб ўтиришарди.

– Жуда оғир пайтлар эди. Фермаларда ўта қаттиқ меҳнат қилардик.

– Шу билан бирга рағбатлантиришар ҳам эди, даромад теппа-тенгтақсимланарди, бу эса бизни яқдилликка олиб келди, ҳаммамиз баҳтиёр эдик.

– Бу ўсимлик бизга баҳтсизлик келтиради ва охир оқибат вайрон бўлишимизга олиб келади, деб қўрқаман, – деди Камол бобо қайғу билан.

– Ҳмм... – Мажид амаки оппоқ соқолини бармоқлари билан тараганича ўйланиб қолди. – Яриморолдан жуда хавотирдаман. Мени ташвишлантирадиган баъзи нар-

саларнинг гувоҳи бўлдим. Булар энди пайдо бўлган майда-чуйда нарсалардир. Масалан, энг кўп ҳайратга солган ҳолат шуки, одамлар борган сари бир-бирлари билан камроқ суҳбатлашадиган бўлишяпти. Гаплашган тақдирларида ҳам фақат пул ҳақида суҳбатлашишади. Бу ерда янги чиққан гапларни эшишиб қолдим: “Қанча топар эканман? Менинг улушим қанча бўларкан? Ундан менга қанча фойда келаркан?” Самад Уйида энди одамлар илм олиш мақсадида ўқиб-ўрганмай қўйганларини айтишиди.

- Булар ҳаммаси Татасига ёмонлик олиб келади, – гапига якун ясади бобо. – Биз бу ўсимликка шунчалик қарам бўлиб қолганмизки, унинг бизнинг ҳаётимизга бериб турган салбий томонини кўрмаяпмиз. Бир пайтлар биз гуноҳ деб ҳисоблаган нарсалар бугунга келиб одатий ҳолга айланиб қолди. Эсимда, ортиқча захира деган нарсани ҳеч қачон билмаганимиз. Эҳтиёжимизга ярашагинасини олардик ёки бирга баҳам кўрардик.

- Тўғри, – маъқуллади Мажид амаки.

- Ҳозирда одамлар нарсаларини яшириш учун каттароқ уйлар қуришмоқда, – деб Камол бобо сўздан тўхтади ва татасидан қилинган озуқавий ичимликдан ҳўплаб, қуритилган балиқдан чайнади. – Мақталиши керак бўлган нарса ҳозир ёмонланяпти. Фойдали ўсимлик одамларни касал қиляпти.

- “Бир томчи асал ҳамма учун” сиёсати нима бўлди? – сўради Мажид амаки.

- Кўп йиллар олдин тўхтатилди. Биз ҳаммамиз татасидан фойда кўрмоқдамиз, аммо янги қирол шунчаки татасидан тушадиган маблағни одамлар ўртасида тақсимлаш керак, деб ўйламайди.

- У шунча пулни нима қиляпти ўзи?

- У Баритаэдаги тепаликка жуда катта сарой қурдиряпти.

- Бу нақадар ажиб дунё-я!

ТҮРТИНЧИ БОБ Қўшалоқ фожиа

Жамилнинг тушига ёғоч калит кирибди. Калит қандайдир уни осмонга уча оладиган қилибди. Яна бир қараса, сувнинг остида бемалол суза оладиган ҳам бўлиб қолибди. Шунингдек, калит уни сирғанишгаям қодир қилиб қўйганмиш. Буларнинг бариси яриморолдан бошқа жойда, жудаям кўп болалар уни томоша қилиб турган ерда бўлаётганмиш. Одамлар Жамилнинг сеҳрли калит билан содир қилаётган ишларини кўргани йиғилишган эмиш. Охирги саҳнада у қўлида калит билан устига бирорта ҳам қум зарраси тегмасдан соҳилда думалаётган эмиш.

Жамил уйғониб кетганида туши калитини йўқотиб қўйиш билан тугаганини аниқ-тиниқ эслади. Унинг қаерга йўқолганини билмас ва эрталаб уни топдими ё йўқми, аниқ бирор нарса дея олмасди. Яхшиямки, Мажид амаки совға қилган калит унинг каравоти ёнида турган экан. Тушида йўқолган калит ҳақида кун бўйи ўйлаб юрди. Ҳақиқий ёғоч калит унинг ўзида бўлса ҳам, тушида кўрган калитнинг йўқолиши у тушунтира олмайдиган ниманидир англатарди.

Оқшом маҳали икки қария гурунглашиб айвонда ўтирган пайтда Жамил улардан яриморолнинг олтин калити ҳақида сўради. Бу ҳақда бир нечта ҳикоялар эшитганди ва мана шу сир-асрорлар сабаб Жамил Олтин Калит Жамоаси аъзоларидан бири бўлишга кўнгилли бўлиб кирган эди.

Бобоси Камол биринчи бўлиб гап бошлади:

– Анча йиллар олдин Мажид ва мен шу ерга кўчиб келиб жойлашганмиз. Одамлар қурғоқчилик, очлик,

касаллик ва сув тошқинлари каби оғир дамларни бошларидан кечиришди. Буларнинг ортидан жуда катта зилзила юз берди. Бошларига келаётган балоофатлар ўзлари содир этаётган ёмон ишлари сабаб бўляпти, деган фикрга келиб, улар авф-кечирим сўраш учун битта кунни белгилашди. Бир йил ўтганидан сўнг вазият яхши томонга ўзгараётганини пайқаб қолишиди. Улар яна гуллаб-яшнай бошладилар. Одамлар энди шукrona учун бир кунни бағишлишга қарор қилишиди. Бу кун Янгиланиш куни деб номланди. Ўша куни бир қанча ғайриоддий ҳодисалар юз берди. Биринчидан, қүёшнинг бир қисми узоқ вақт тўсилиб турди. Оқшом пайтида эса ҳамма ёқда сирли ёруғлик бор эди. Одамлар ваҳимага тушиб қолишганди. Улар яриморолнинг бир бўлагидан иккинчи бўлаги томонга қочиб борганларида икки томондан чақмоқ чақди. Шу томонлар бир муддат ёп-ёруғ бўлиб ёришиб турди. Қизикувчан одамлар ўша ёруғликнинг манбаи нима эканини билиш учун бордилар. Ҳаммани ҳайратга соглан нарса – ҳар иккала ёришиб турган жойда калитнинг икки бўлаги турарди. Бу самолардан келган бир инъом эди, – Камол бобо сўзида давом этди. – Улар иккаласи бирлаштирилди ва қўриқланадиган бўлди. Вақтлар ўтиши билан калит – тинчлик, тараққиёт, бирдамлик, фаровонлик ва хотиржамлик рамзи бўлиб қолди. Кўрганингдек, ҳар йили одамлар Янгиланиш кунида кўчаларда саф-саф бўлганларича калитни ушлаб, ҳимоя ва қут-барака сўраб дуо қиласидар. Сен туғилишингдан сал аввал Янгиланиш кунида ғайритабиий бир нарса содир бўлди. Одамларга калитни ушламасликларини буюришиди. Баъзи кишилар айтишларига кўра, улар кўтариб юрган калит аввалгисига ўхшамас экан. Бир йил ўтиб, одамлар қутидаги янги калит эканини сезиб қолишиди, демакки, унга ҳеч ким тега олмас эди. Ўшандан бери бу ерларда кўп нарса чаппасига кетмоқда. Бир оғат ортидан бошқаси бўладиган бўлди. Эски калитнинг йўқлиги

бизнинг ҳаётимизга, айниқса, Янгиланиш кунига таъсир қилди.

– Ҳа, бобо, – Жамил гапга қўшилди, – ўтган йили мен ҳам дуоларимни ўқийман, деганимда ҳечам оғзимни оча олмагандим. Дўстим Башир билан ҳам жуда ғалати нарса содир бўлибди. У дуоларини фақатгина охиридан бошига қаратса тескари ўқий олибди. Мен ҳам, у ҳам оддий акробатик томошаларимизни ижро қила олмадик. Оёқларимиз худди ерга михлаб қўйилгандек эди. Роса қўрқиб кетгандик.

– Бошим қотиб қолди, – Камол бобо давом эттириди, – кун бўйи хаёлимда тушунарсиз ўйлар айланади. Жуда кўп фойдали татаси ичимлигидан ичдим, лекин барибир ҳалиям фикрларим чалкаш. Биз ҳамон қуёш ботганида шок ҳолатидамиз, одатий рақслар ва оммавий байрамлар ўрнига ҳеч ким билмайдиган сабаб туфайли одамлар оқшомни сукунатда ўтказадилар. Нимадир етишмаяпти, лекин ўша нарса нима эканини ҳеч ким билмаяпти. Бир куни энди ухлашга ётадиган пайтимиизда қўққисдан ва бирорта ҳам огоҳлантиришсиз кўпгина чироқлар осмонда жилвалана бошлади. Мен аввалига кўрмадим, чунки дам олаётган эдим. Жуда кўп одамлар қўрқиб кетишиди.

– Ҳа, – тасдиқлади Жамил, – мен қаттиқ ҳаяжонда эдим, лекин кимлардир ҳушидан кетишиди, бошқалар эса қўрққанидан қичқиришиди.

Камол сўзида давом этди:

– Мен ташқарига чиққач, чироқларни кўрдим ва улар тобора чараклаб, ўша кўринаётган нарсалар янада яққоллашиб кучайди. Осмонда бир вақтнинг ўзида жилваланаётган турли рангдаги чироқлар бор эди. Бу ердан, – Камол бобо айвоннинг маълум бир жойига бориб деди, – мен ҳамма жойда руҳлар шарпасини кўрдим. Кейин бутун яриморол ёришиб кетди-ю, улар кўздан ғойиб бўлишиди. Гўё улкан чироқ ёқилгандек эди-а, Жамил?

– Ҳа, эсимда, аввалига кўп қизил чироқлар осмонда худди дарёда оқаётгандек эди. Кейин янги чироқлар пайдо бўлди. Сўнг уларнинг ҳаммаси ғойиб бўлди. Кейин эса барча чироқлар бирдан ёришиб кетди. Шунчалик ёруғлашдик, биз кўчаларда ашула айтиб, рақсга тушардик. Тўсатдан тун кундузга айланганди.

– Бунинг сабаби нима эди? – сўради Мажид амаки хавотир билан.

– Ҳеч ким билмайди, лекин бу жуда кўрқинчли эди, – деди Камол бобо. – Ўша тунни ҳеч қачон унупотмайман, осмонларга ўт кетган эди гўё!

– Бунинг калитга бирор алоқаси борми?

– Балки! Баъзи одамлар яриморолда бўлган калитнинг ярми йўқолиб кетган, деб ўйлашади ва шунинг учун бизга калитни берган осмон ғазабланган. Баъзилар нурлар келажакдаги яхшиликларнинг аломатлари, деб айтишган. Шахсан мен учун бу – яриморолда бир кунмас-бир кун содир бўладиган даҳшатли ҳодисанинг нишонаси.

– Калитнинг иккинчи ярмини яриморолга қайтариш мумкинми? – бобоси сўзидан тўхтаганида Жамил сўради.

– Ҳа, агар қаердалигини билсанг, қайтариш мумкин. Афсуски, биз унинг қаердалигидан бехабармиз. Мен ҳар доим саргузаштли саёҳатга боришни ва нима қилиб бўлмасин, калитни қайтариб олиб келишни орзу қиласдим. Ҳозир мен бундай орзулар учун жуда кексайиб қолдим.

– Ҳатто татаси ичимлиги ҳам бу ўтган йилларни орқага қайтаролмайди, – Мажид амаки ҳазиллашиб Жамилга юзланди. – Уни чиндан ҳам қайтариб олиб келса бўлади. Ҳаётда кўп нарса бўлиши мумкин.

– Мен уни қайтариб кела оламан, нима деб ўйлайсизлар?

– Қандай ажиб савол! – деди Мажид амаки. – Сен ўзингнинг зукколигингни намойиш қилдинг, бу иш кўлингдан келади, деб ўйлайман. – Сўнг бироз сукунатга

чўмгач, Жамилнинг елкасига қўлини қўйди. – Агар сен ниманидир бажаришни орзу қилсанг ва бу орзуни амалга оширишга киришсанг, танлаган йўлингда ҳалолу самимий бўлсанг, у ҳолда тақдир ҳатто имконсиз бўлиб туюлган нарсани рёёбга чиқаради.

– Бошқача айтганда, агар изласанг – эришасан, – деди Камол бобо.

* * *

Янги саройнинг очилишини нишонлаш учун бир ой давом этган тантаналар Жамилнинг тоқатини тоқ қилиб юборди. У қутидаги калитни янги саройнинг эшигига олиб борадиганлардан бири бўлгани учун охирги кунни интизорлик билан кутарди. Жамил ҳаяжонланарди. У ва бошқалар ўзларининг ҳаракатларини шу қадар кўп машқ қилишган эдики, бир-бирларига “Мен кўзларимни юмиб ҳам ўз вазифамни бажара оламан”, деб мақтанишарди.

Сарой расман очилишидан бир кун аввал Камол бобо Жамилни:

– Осмондаги лаънатдан эҳтиёт бўл, – деб огоҳлантириди.

- Нима демоқчисиз?
- Бугун осмонга қарадингми?
- Йўқ, у ерда нима бор?
- Одамлар кўнгилхушлик билан шунчалар овораки, ҳаётдаги муҳим нарсаларга аҳамият бермаяптилар.

Яриморол устида осмонда огоҳлантирувчи белгилар бор эди, лекин жуда кам одам буни пайқади. Жамил ҳам бобосининг сўзларига аҳамият бермади. У тантаналарга жуда берилиб кетганди. Охир-оқибат осмонга қараганида ғайриоддий булутсимон шаклларни пайқади ва қуруқ мавсумда одатда булутлар бўлмаслиги хаёлига келди. Аммо шунчаки елкасини қисди ва байрамга қизиқиб кетди.

Калит жамоаси қўриқчилари тўрт киши бўлиб, олтин қутини олиб келишарди. Улар калитни кўтаргандарича

аста-секин икки юз метр юриб боришиди ва бошқа гурухга топширишди. Жамилнинг гурухи энг охиргиси эди. Олтин кути яқинлашганда унинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Топшириш иши кўп бор репетиция қилингани учун ҳеч ҳам хатосиз адо этилди. Улар аста-секин Жамил бошчилигига ажойиб сарой томон юришди. Омма қарсак чалиб, мадҳияларни куйлашарди.

Юриб борар экан, Жамил фахр ҳиссини туяр ва табассум қиласар эди. Атрофидаги баланд шовқинга қарамай, у миясида Камол бобонинг овозини эшилди: "Бу ҳақиқий калит эмас. У сохта ва яриморолни кутқара олмайди". Аммо бу овоз унинг иштиёқи ва бурч туйғусини енга олмади. Жамил фахрланиб, мамнуният билан юриб борарди. Улар зинапоядан юқорига кўтарилигларича олтин кутини саройнинг баҳайбат эшиклари томон олиб боришиди. Кути яқинлашганда қирол, қиролича, шаҳзодалар ва малика ҳамда бошқа аъёнлар оёққа турдилар. Гуруҳ белгиланган жойда Жамилнинг буйруғига биноан тўхтади. Улар кутини икки қўриқчига беришиди, соқчилар эса қутидан калитни олиб, шоҳга узатишиди. Татаси яриморолининг аҳолиси учун яхши қунларни ваъда қилган қисқа нутқидан сўнг шоҳ эшикларни тантанавор равишда очди. Гулдурос қарсаклар чалинарди.

* * *

– Ҳаммаси яхши ўтганидан жуда хурсандман, – деди Башир.

– Ҳа, мен ҳам жуда ҳаяжондаман. Шоҳга ўта яқин келдик! Маликанинг бизга қандай қарашини кўрдингми?! Калитни-да яқин масофадан кўрдим. Мен жудаям баҳтлиман!

– Мен жуда чарчадим. Қани кетдик!

Икковлон Гариён томон йўл олишиди. Яриморолнинг ҳамма ёғида мушаклар отиларди. Тахминан ярим соатдан кейин ёмғир ёға бошлади. Жамил Баширга қаради. Улар ҳайрон эдилар.

- Нималар бўляпти? – деб сўради Башир Жамилдан.
- Билмадим.
- Эҳтимол, бу байрамнинг бир қисмидир.
- Бундай бўлмаса керак.

Улар саросимага туша бошлишди. Ҳавода, шубҳасиз, гайриоддий нимадир бор эди.

– Фавқулодда бир нарса юз беряпти, – деб қичқирди кимдир кўркувдан.

- Бу одатий ҳол эмас! – қичқирди яна бир овоз.

Улар Гариён томон югуришганида осмонда узоқдан чақмоқ чаққани кўринди, ортидан эса момақалдироқнинг гумбурлаган овози эшишилди. Жамил бир пайтнинг ўзида ҳам ҳаяжонланар, ҳам қўрқаётган эди.

- Бу даҳшат-ку, – деди у ўз-ўзига.

Икки бола нима бўлаётганини тушунолмасди. Чақмоқ мафтункор эди. Иккаласи ҳайрон бўлиб туришарди. Улар уч хил чақмоқни кўришди: биттаси осмонда, яна биттаси булатдан ерга томон тушаётганди, учинчиси эса ердан юқорига, булатларга ураётганди.

– Буни қара! Буниси ердан кўтариляпти, – деди Жамил.

Жамил ва Башир бу маросимларнинг бир қисми эканига ишонмаётган эдилар. Улар “Яшасин қалит!” деб қичқираётган болаларга эътибор қилишмади. Бу орада чақмоқ тобора кўпайиб борар ва янада яқинлашар эди.

– Қойил! – деб қичқирди Жамил булатдан ерга улкан чақмоқ урилганида. Чақмоқ яқинлашган сари уларни қаттиқроқ қўркув боса бошлади. Иккаласи ортиқ манзарага мафтун бўлмай қўйишганди. Одамлар чақмоқнинг электр зарядланишини сезиб қолганларида қичқирғанларича чорасиз у ёқдан бу ёқقا югурга бошладилар.

– Менинг ҳамма ёғимни нимадир чақяпти, – овози эшишилди Баширнинг қоронғиликда.

Жамил яна Гариён томон югуришни бошлади, аммо кучли момақалдироқ ҳамма ёқни силкитиб юборгани-

да түхтаб қолди. У ҳайратдан лол эди. Теварак-атрофда момақалдироқ авжига чиқди. Кейин эса тўсатдан тўхтади. Бирданига сукунат ҳаммани чалкаштириб юборди. Жамил барча нарсадан ва ҳамма учун, айниқса, Баритаэда бўлган ота-онаси ҳамда яриморлнинг Гариён худудидаги бобо-бувиси ҳақида қайғуради.

Жамилга ер силкинаётгандек туюлди, аммо ишончи комил эмасди. Кейин яна ва яна силкинди. Қаердадир портлашлар бўлди, аммо айнан нима бўлганини била олмади. У ёнғинларнинг денгизга қадар чўзилганини кўрди ва улар яқинроқ бўлмаганидан енгил тортди. Жамил бу узоқ денгизда бўлаётган вулқон отилиши эканига ўзини ишонтируди. У нима қилишини билмасдан бир жойда қотиб турарди. Портлашлар бир мунча вақт давом этди.

Аста-секин қалин тутун яриморлни қоплаб олди. Жамил йўтала бошлади. У энг яқин уйга югуриб кириб, деразаларни ёпди. Ўзини хавфсиз деб ўйлаганида яриморолда кучли зилзила юз берди. Уй титраб кетди. Деворлари ёрилиб, шифтининг қисмлари қулаб тушди. Жамил қўрққанидан бақирганича уйдан югуриб чиқди. Унинг атрофида кўпгина уйлар қулаб тушаётган эди. У одамларнинг ҳар ёқقا қичқирганича ва йиғлаганича атрофда югуриб юрганларига қараб турарди.

Ҳамма ёқдан оҳ-воҳ ва фарёдлар эшитиларди. Жамил қўрқувдан тош қотиб қолди. Зим-зиё қоронғиликда кўзларни чирт юмиб ўтиришгина мумкин эди. У ўрнидан туриб, тирик қолганига шукр қилганича одамларга ёрдам бериш учун Гариёнга ёки Баритаэга югуриш кераклигини билар эди-ю, лекин бундай қила олмади. Йигитча қоронғиликда йиғлай бошлади.

Қуёшга ўхшаган нарса ағдар-тўнтар ва вайронагарчиликлар устига кўтарилганида ҳайратда қолган Жамил атрофида содир бўлаётган нарсаларни кўриш учун кўзларини очди. Бабулосанинг энг баланд нуқтасидан у аксарият уйлар харобага айланганини

кўрди. Фалокатнинг қанчалар катталиги уни ларзага келтириди. Зилзиладан кейин уйларга ўт кетганди. Баъзилари ҳали ҳам ёнаётганди. Бошқа бир жойларни эса сув босганди. Гўё дев яриморол устидан босиб ўтган-у, уйларни тепиб бузиб ташлаган ва у ёқдан-бу ёққа юриб, баъзиларини ёқиб юборгандек эди. Кўчалар ва маҳаллалар вайроналар уюмига айланганди, фақат бир нечта уйлар, асосан, эски ёғоч уйлар қолганди, холос.

Жамил вайроналар ва харобалар оралаб юриб бораради. Майдоннинг ярми, шу жумладан, янги сарой ҳам денгизга қулаб тушганди. Увайрон бўлган саройнинг денгизда ётган қисмлари кўриниб турадиган жойга, жарликнинг четига ўтиради. Ота-онаси фақат мўъжиза боис омон қолиши мумкинлигини ўйлаб, йиғлаб юборди. Ўша оқшом улар саройда ишлашаётган эди.

Йигитча Гариёнга бориш учун бутун вужудида қолган барча кучларни тўплади. Бобоси ва бувиси яшаётган яриморолнинг нариги томонига ўтиш учун анча вақт кетди. Узоқдан уй вайрон бўлмаганини кўрди, лекин у бунга ишона олмай ҳайратда эди.

Яқин борганида бобоси ва бувисини уй олдида кўриши биланоқ юзи қувончдан порлаб кетди. Жамил кўзларида ёш билан югуриб бориб, уларни кучоқлади.

– Ота-онанг соғ-саломат. Улар сал олдин шу ерда эдилар, аммо сени қидириб кетишиди, – деди бобо неварасини қучоқлаб.

Бувиси ҳам уни маҳкам бағрига босди.

– Ҳамма ёқ вайрон бўлган ва жуда кўп одам ўлган, – деди Жамил.

– Ҳа-а, йигитча, биз огоҳлантирмадик, деб айта олмаймиз, – деди Камол бобо.

– Бўлди! – деб бақирди бувиси. – Ҳозир бу гапларнинг вақти эмас.

– Мен ота-онамни излаб топаман.

– Қара, ўзинг кўр! – деди буви. – Кел, кўр, болажоним, табиатнинг қилган ишини, – аввал Сеҳрли довон бўл-

ган жойни кўрсатиб. – Қара, довон йўқ, зилзила вайрон қилиб ташлади.

– Бизни бош орол билан ҳеч нарса боғлаб тургани йўқми? – деб сўради қизикувчан Жамил.

– Ҳеч нарса йўқ. Биз ҳозир оролдамиз, – деди у қўлларини кўтариб.

– Жуда қизиқ, – деб ўйлади Жамил.

– Яна қара, анави ерда янги орол кўтарилиб чиқкан ва бош оролга яқинлашган.

– Ажойиб! Татаси ороли, – деди Жамил.

– Ҳа, болам... Янги орол ва у “Лаънатланган орол” деб номланган, – деди Камол бобо синиқ табассум билан.

Жамил бориб ота-онасини излашга қарор қилди. У юриб кетар экан, янги оролда ҳамма ёқ вайрона эканини кўрди. Одамлар жон-жаҳдлари билан бир-бирларини кутқаришга уринишарди, баъзилар эса атрофдаги ўлимлару вайронагарчиликлардан лол-ҳайрон бўлиб, нима қилишни билмай ўтирап эдилар. Йигитча қулаб тушган бинода эчкининг зорланаётган заиф овозини эшитиб қолди ва уни тезда қидира бошлади. У эчки турган жойга етгунча қазийверди. Ниҳоят, кичик эчкини бир амаллаб вайроналар остидан чиқариб олди. Эчки яралангандан, деярли юра олмасди. Жамил уни бобоси ва бувисининг уйига кўтариб олиб борди.

– Қандай яхши! Сақлаш мумкин бўлган ҳар қандай нарсани сақлаш керак, – деди бувиси.

– Иккаламизнинг ҳам омадимиз бор экан, – деди Жамил кейинроқ эчкига емиш бераётиб. – Биз тирик қолдик. Атрофдаги вайронагарчиликни кўрдингми? Шунча одам ҳалок бўлди, аммо бизнинг баҳтимиз бор экан, омон қолдик, биз баҳтлимиз! Калламга бир фикр келиб қолди. Бундан буён мен сени Лаки деб чақираман.

Кейинчалик Баширни учратди.

– Сени кўрганимдан жуда хурсандман, – деди Башир.

– Бу ерингга нима бўлди? – Жамил тирсагини кўрсатиб сўради.

– Уйнинг бир қисми устимга қулаб тушди, лекин баҳтим бор экан.

– Ҳаммамизнинг баҳтимиз бор экан. Мен ҳатто эчкига Лаки деб исм қўйдим.

– Саройга нима бўлганини кўрдингми? – деб сўради Башир.

– Ҳа, довонга нима бўлганини кўрдингми?

– Ҳа! Махлуқлар ҳақида эшитганмидинг?

– Мен махлуқларга ишонмайман, – деб жавоб қилди Жамил.

– Ҳақиқий махлуқнинг бўкирганини эшитмаганмисан? – деб сўради яна Башир.

– Йўқ, эшитмаганман!

– Махлуқнинг тутунини кўрганмисан?

– Нима ҳақида гапиряпсан? – ажабланди Жамил.

– Мен денгиздан келаётган ғалати товушларни эшитдим ва тутун кўтарилиганини ҳам кўрдим.

– Денгиздан тутун кўтарилиганиними?!

– Ҳа, Жамил. Денгиздан овоз эшишилади ва тутун чиқади. Тутуннинг ҳиди кучли, у одамларнинг бошини айлантиради.

Баширнинг кўзларида ва овозида Жамилни махлуқ ҳақидаги ҳикояга ишонтирадиган нимадир бор эди.

– Атрофимиизда ваҳший махлуқлар бор, демоқчимисан? – деб сўради Жамил.

– Ҳа, орол атрофида махлуқлар бор, – Башир атрофига олазарак бўлиб қараб-қараб қўйди.

– Гапимга ишон, Жамил, мен одамларга тўла қайиқ осмонга улоқтирилаётганини кўрдим ва тамом.

– Нима демоқчисан? Нималар бўлди?!

– Аввалига махлуқнинг бўкирган товуши эшишилди, кейин қайиқни қоплаб олган қалин тутун пайдо бўлди, сўнг қайиқ осмонга улоқтирилди ва шу билан тамом, – тушунтирди Башир ҳали ҳам асабийлашганича. – Тутун тугагач, мен ҳеч ким оролга қараб

сузатганини кўрмадим... мен ҳеч кимни кўрмадим, – деб таъкидлади у.

– Уларга нима бўлди?

– Уларнинг ҳаммаси ғойиб бўлди.

– Балки, улар бир кун қайтиб келишар. Эҳтимол, нима қилиб бўлса ҳам, сузиб кетишгандир, – деди Жамил.

– Йўқ, Жамил, тутун тугаганидан сўнг ҳеч нарса йўқ эди, ҳеч ким йўқ эди, – тушунтириди Башир.

Жамилнинг юраги қаттиқ ура бошлади. Бирдан у узоқдан ғалати товушларни эшигандек бўлди, ташвишланиб ён-верига қаради. Йигитча қўз қири билан қараганида ғалати бир фигура улар томон юриб келаётгандек бўлди.

– Махлук! – бақирди у.

– Қаерда?

– У ерда... – Жамил узоқни кўрсатди.

– Аммо у ерда ҳеч нарса йўқ-ку, – деди Башир атрофга хавотир билан қараб.

– Биз томонга қараб бир нарса ҳаракатланаётганини кўргандек бўлдим, – Жамилнинг овози титраб кетди, – кўрқиб кетяпман.

– Оролда ҳамма кўрқяпти.

Бир лаҳзадан кейин денгиз томондан баланд овоз эшитилди. Бу ўткир хириллаш ва чинқириқ аралашмаси эди. У орол осмонини тешиб юборгудек бўлди.

– Бу махлуқнинг қичқириғи, – деб бақирганича, Башир югура бошлади. Жамил жони борича тезроқ бувиси ва бобосининг уйи томон чопди. У уйга югуриб кирганида онаси хурсандликдан қичқириб юборди.

– Худога шукр, тирик экансан! – деди уни бағрига босиб.

– Биз жуда хавотирландик, отанг у ерда сени қидирмоқда.

– Мен йиртқич ҳайвоннинг бўкирганини эшиздим, – деди Жамил ҳамон ҳаяжонланганича.

– Уни кўрдингми? – сўради бувиси.

– Йўқ! Бўкирганини эшитишим билан бу ёқقا югурдим.

– Қандай даҳшат! – деди Жамилнинг онаси, у ҳали ҳам ўғлини қўйиб юбормасди.

– Янги оролда ҳаёт даҳшатли бўлади. Барчамиз “Бундан бу ёғига нима бўларкин?” – деб қўрқамиз.

– Ҳаммамиз ҳозир йиртқичга маҳбусмиз, – деди Камол бобо.

Жамилнинг отаси ҳансираганича хонага кирди.

– Йиртқич ҳозиргина ўтиб кетди, – деди у.

– Уни қўрдингизми? – деб сўради Жамил.

– Йўқ, қўрмадим. Менимча, уни ҳали ҳеч ким қўрмаган. У ўзидан чиқарадиган қуюқ тутуннинг орқасига яширинади.

– Дўстимнинг айтишича, бир нечта йиртқич махлук бор экан, – деди Жамил.

– У ерда битта борми ёки бир нечта махлук борми, ҳеч ким аниқ билмайди, – қўшилди Жамилнинг отаси.

– У ерда, шубҳасиз, нимадир бор, – деди бувиси хавотир билан Жамилга қараб. – Мен қалин тутунни қўрдим ва ғалати товушларни эшитдим, лекин бу махлук деб ўйламагандим. Бу ерда жуда кўп даҳшатли нарсалар юз бермоқда.

Бир неча дақиқа сукунат чўкди.

– Ким билади, эртага нима бўларкин? – деди Камол бобо ўзига ўзи гапиаркан, тақдирга тан бериб. – Зилзила ҳамма ёқни вайронага айлантириб юборадиган даражада ёмон бўлди. Тағин атрофимиизда битта ёки бир нечта махлуклар ҳам бор.

Орага яна оғир сукунат чўкди.

– Бубизнинг бошимизга келган фалокат, – Жамилнинг отаси сукунатни бузди. – Менга айтишларича, вулқон отилиши атрофимииздаги денгиз сувларини шу қадар қиздириб юборганки, ҳеч ким сузиб ўтолмаган ва қайиқка ўтириб, сувни кечиб ўтмоқчи бўлганлар эса махлукларга ем бўлган.

- Ҳа, – Камол бобо сўзга қўшилди, – сув шунчалик иссиқки, балиқлар ё ўлишган, ё қочиб кетишган.

Жамилнинг отаси сўради:

– Вулқон отилганида чиқадиган тутун бизнинг устимизда туриб қолганини кимдир пайқадими? Мен унинг ҳаракат қилмаётганини сездим.

– Эй Худойим! – деб хитоб қилди умидсизликка тушган Камол бобо. – Биз билан содир бўлиши мумкин бўлган энг ёмон нарсалар ҳозир содир бўлмоқда. Агар тутун орол устида туриб қолгудек бўлса, бу зилзила ёки маҳлукдан ҳам баттарроқ дегани. Тутун ҳамма нарсага таъсир қилади – нафас олаётган ҳавомиздан тортиб, егуликларимизгача! Тутун бизни бўғиб ўлдиради, бизга тушаётган қуёш нурини тўсиб, ёмғир ёғдирмай қўяди. Бундай шароитда барча ўсимликлар, айниқса, татаси ўсиши мумкин эмас. Бу булат ҳамма нарсага таъсир қилади, мен уни Иблис гилами деб атайман, – деб бобо сўздан тўхтади. У Жамилга қаради ва давом этди: – Ушбу эгизак фожия барчамизни аста-секин ҳалок қилади. Борди-ю, бирортамиз тирик қолгудек бўлсан ҳам, бу оролнинг келажагидан хавотирдаман.

БЕШИНЧИ БОБ Туш

Бир куни, қўшалоқ фожиадан олти ой ўтгач, Жамил ўзининг эчкиси Лаки билан Гариён атрофидаги болалар одатда учрашадиган жойга борди. Узоқдан у Башир ва яна ўнга яқин болалар марш қилиб юришганини, қўшиқ куйлашётганини кўрди.

— *Махлук, махлук, сен ўласан,
Махлук, махлук, сен ўласан!*

Жамил одатда махлуқни ўлдириш қасамёди билан якунланадиган парадга қўшилди. Дастребки параддан сўнг Жамилга катапултани беришди.

— Вақти келганда мен қандай қилиб махлуқни ўлдиришимизни айтаман, — деди Башир ва унга тош йиғишини бошлишни айтди. Жамил Баширнинг маълум бир жойда ва вақтда ҳайвонга ҳужум қилиш режаси борлигини билар эди. Махлуқقا қарши Татаси бригадасининг қўмондони бўлган Башир режаларини сир тутарди.

Жамил дараҳт тагига эчкиси билан ёнма-ён ўтирди.

— Лаки, кўрдингми, биз махлуқни ўлдирмоқчимиз. Қандай қилиб ўлдирамиз, билмайман, чунки бу сир. Махлуқ биз уни қандай қилиб ўлдирмоқчи эканимизни билмаслиги керак. Ҳаммамизни ўлдирмасидан олдин махлуқни ўлдиришимиз керак. Анави ерга қара, Лаки, вулқон отилиши тўхтади, энди бизда янги орол пайдо бўлди. Менинг энг катта орзум — махлуқни ўлдириш, сўнгра калитнинг иккинчи ярмини, қаерда бўлмасин,

топиб, оролга қайтариш, шундагина яна осойишта ҳаётда яшай оламиз. Менинг яширин тилагим шуки, янги оролга биринчи бўлиб биз қадам қўйишимиз керак. Ўзимиз тарих яратишимизни хоҳлайман. Баъзиларнинг айтишича, у ерда махлук яшармиш – шунинг учун янги оролда ҳеч ким бўлмаган. Тез орада биз махлуқни ўлдирамиз, сен ва мен тўппа-тўғри у ерга борамиз. Балки, уни Лаки ороли деб атармиз. Шундан сўнг иккаламиз оролни тарк этамиз-да, олтин калит излаш учун сафарга отланамиз, – деди у эчкисига ишонганича.

Жамил кўзларини юмди ва мудраб қолди. Уйқусида туш кўрди. Унда Жамил ва Башир баланд-баланд дараҳтлар орасидаги тор сўқмоқдан кетиб боришарди.

– Анави катта дарёга қара! – деб Башир суҳбатни бошлади.

– У ердаги тоқقا қара! Мен юқорига чиқмоқчиман, – деди Жамил.

– Нега? – деб сўради Башир.

– Эшитишимча, кимда-ким тоқقا чиқса, унинг орзулари амалга ошар экан.

– Яхши, ундей бўлса, кетдик, – деди Башир олға интилиб.

– Аммо қандай қилиб дарёдан ўтамиз? – ҳайрон бўлиб сўради Жамил.

– Гапинг рост. На қайиқ бор, на кўприк. Ҳеч нарса йўқ. Қани кетдик!

– Кетаверайлик-чи, чиқиш йўли бўлиши керак, – Жамил ишонч билан гапирди.

– Ҳей, унга қара! – хитоб қилди Башир.

– Нима?

– Қандайдир тимсоҳ дарёдан чиқяпти, – бақирди Башир.

Иккала бола қоча бошлади. Кўринмас куч уларни тўхтатиб турарди ва бир овоз эштилди:

– Бу тимсоҳ сизларга зарар етказмайди. Аксинча, у сизга ёрдам беради.

Болалар түхтаб, күркмасдан тимсоҳ томон юриши.

- Мен сизга қандай ёрдам беришим мумкин, болалар? – сўради тимсоҳ.
- Биз дарёдан ўтмоқчимиз, – деб жавоб берди Башир.
- Қаерга кетяпсиз? – тимсоҳ яна сўради.
- Биз у ердаги тоқقا чиқмоқчимиз, – жавоб берди Жамил.

– Аслида бешта тоғ бор. Бу энг биринчиси ва унинг юқори чўққисига чиқиш шу оламдаги ўта машаққатли ишлардан биридир. Аммо “Дунё томи”га чиққанларнинг мукофоти Яратувчининг табассумини кўриш бўлади. Яратувчининг табассумини кўрган кишининг энг камида учта тилаги амалга ошади. Шундай қилиб, болалар, сиз у ерга чиқкудек бўлсангиз ва табассумни кўриш насиб қилса, дарҳол тилак тиланг... Буни кўрганингизда билиб оласиз.

– Қойил! Қандай қилиб у ерга етиб олсак бўлади? – деб сўради Жамил.

– Кўп йўллар бор. Ўзингизга мос йўлни танлашингиз керак!

– Нечта йўл? – деб сўради Башир. – Тўғри йўлни қаердан биламиш?

– Йўллар жуда кўп. Энг яхши йўл бу – сизни юқорига олиб чиқишдан аввал пастга туширади.

– Аммо бу қийин, – деди Башир.

– Сизнингча, тоғ чўққисига чиқиш осон бўладими? – тимсоҳ сўради.

– Қандай хавф-хатар бор? – сўради Жамил.

– Тоғда учта хавфли ҳайвон бор: илон, шер ва горилла. Сиз улардан қочиб қутула олмайсиз.

Тимсоҳ уларга хавфли ҳайвонларни қандай қилиб айланниб ўтиш ҳийла-найрангларини ўргатди.

– Тўғри йўлда эканимизни қаердан биламиш?

– Яхши савол! Агар сиз тепага кўтарилаётуб, йўлнинг ярмида тошдан қурилган ибодатхона ёнидан ўтсангиз, демак, сиз тўғри йўлдасиз.

– У ерга етиб борганимизни қаердан биламиз? – Жамил яна сўради.

– Билиб оласиз! Сиз тиз чўкасиз.

– Буларнинг барчасини қаердан биласиз? – деб сўради Башир. – Сиз у ерда бўлганмисиз?

– Йўқ! Тимсоҳнинг баҳти тоғда эмас.

– Дарёдан қандай ўтамиз? – деб сўради Жамил тоққа чиқишга сабри чидамасдан.

– Бундан осони бор эканми?! Устимга чиқиб олинглар, мен сизларни ўtkазиб қўяман, – деди тимсоҳ ва дарё қирғоғига судралиб борди.

Болалар унга ўтиришди ва кенг дарёдан эсон-омон ўтиб олишди.

– Менимча, буниси энг яхши йўл, – деди Башир бир йўлни қўрсатиб. – Бу тўғри кетган экан ва биз тоққа чиқаверсак ҳам бўлади.

– Аммо тимсоҳ энг яхши йўлни топиш учун пастга тушишимиз кераклигини айтганди-ку, – деди Жамил.

Иккаласи анча баҳслашиб қолишли. Башир айтган йўл боши берк бўлиб чиқди. Кейин Жамил йўл бошлишга қарор қилди. Улар юқорига кўтарилаётганларида кўпгина йўллар борлигини кўришли. Аввалига адашиб қолишли, аммо юришда давом этдилар. Кўп ўтмай, яна бир боши берк йўлда эканликларини билишли. Чап томонда жарлик ва уларнинг олдида ғор бор эди.

– Вой Худойим! – деб бақирди Башир.

– Нима бўлди? – сўради Жамил қўрқиб.

– Форда суюклар бор экан. Биз арслон уяси олдида миз.

Улар жонларини сақлаб қолиш учун оёқларини қўлларига олганча қочишли.

– Арслон шу атрофда юрган бўлса керак, қўрқиб кетяпман, – деди Башир.

– Кел, яххиси ҳайвонлар ҳақида ўйламаймиз... тоғнинг чўққисига қандай чиқишни ўйлаймиз, – деди Жамил.

Улар бошқа йўлга тушишди. Бир ерга бориб чарчаганларида битта дараҳт тагида дам оладиган бўлишиди. Болалар сояда бироз мудраб қолишди. Бир пайт қандайдир овоздан уйғониб кетишиди. Қарашса, арслон уларга қараганча оғзини ялаб турарди. Башир талвасага тушиб қолди. У энди қочмоқчи бўлиб турганида Жамил шартта ушлади-да, ортга тортди.

– Қимир этмасдан тур, қўрқма! Ёки ёшгина ҳолингда ўлиб кетасан.

Арслон секин-аста уларнинг олдига юриб келди. Иккаласи ҳам тошдек қотганларича қимиirlамай туришарди.

– Мен нима десам, шуни қил! – деди Жамил Баширга. – Биринчи қоида: қўрқма! Иккинчи қоида: қочма! Арслон сендан тезроқ югуради, ҳойнаҳой, оч ҳам бўлса керак.

Жамил қимир этмасдан яқинлашиб келаётган баҳайбат мушукка тикилиб турарди. У олдинга икки қадам ташлади.

– Биз сендан қўрқмаймиз! – Жамил уларга яқинлашиб қолган арслонга гапирди. – Сенинг кўзларингга тик қараймиз. Эҳтимол, сен ўрмон шоҳидирсан, лекин биз сендан умуман қўрқмаймиз. Кел, келақол... ҳа, келавер... биз қочмаймиз... бирортамизнинг қочишимизни ва сен қувлашни, сўнг тутиб олишни истаяпсан... Э йў-ўқ, асло биз ўзимизни овлатиб қўймаймиз, билдингми?!

Арслон бир лаҳзага тўхтаб, болаларга тикилиб қолди. Йигитчалар ҳам қимир этмай туришарди. Жамил ҳатто киприк қоқмасди. Беш дақиқача бир-бирларига шундай термилиб туришганидан сўнг арслон думини қимиirlатганича шох-бutoқлар орасига кириб ғойиб бўлди.

– Жудаям қўрқиб кетдим! – деди Башир титраганича.

– Мен ҳам қўрқдим, аммо тоғнинг тепасига чиқиш учун жасоратли бўлишинг керак.

Улар йўлларида давом этишаркан, қулоқларига ғалати бир вишиллаган товуш эшитилди. Худди кимдир

ёки нимадир уларга хуштак чалаётгандек эди. Жамил чүққидан пастга томон тушиб келаётган ва у ёқقا чиқадиган энг яхши йўлни кўрсатиб юборадиган бирор одамзод бўлса керак, деб умид қилди. У бирор кимсани кўриб қолармиканман, деб юқорига қаради. Аммо бундай бўлмади. Болалар тепага кўтарилишда давом этаётгандарида ўша овозни яна эшишишди. Бу сафар овоз уларнинг нақ орқаларидан келаётганига ишончлари комил эди. Йигитчалар бирдан хушёр тортишиди ва хавотирга тушиши.

– Менимча, у бирор жойда беркиниб турган горилла бўлса керак, – деди Башир.

– Лекин биз уни кўришимиз керак-ку. У дараҳтлар ортига яшириниш учун жуда катталик қиласди.

– Бу ҳайвонлар ҳақида бир нарса деб бўлмайди.

Икки дўст яна йўлда давом этди.

– Энг охирида мен кўришни истайдиган ҳайвон бу – горилла, – деди Башир ён-верига хавотир билан қараб.

Куриган барглар оёқ остида гиламдек бўлиб ётарди. Бирорта жониворнинг ҳатто шарпаси ҳам сезилмасди.

Улар овозни яна эшишишди. Дўстлар тўхтаб, ҳамма ёқни текшириб кўришга қарор қилишиди. Кўйқисдан Башир бақириб юборди:

– Нима у?

– Илон! – шивирлади Жамил бир неча қадам нарида турган илонга ишора қилганича.

– Тимсоҳнинг кўрсатмалари эсингдами?

Болалар ҳайкалдек қотиб қолишиди. Ўнг оёқларини чап оёқлари тиззасига кўйишиди-да, кўлларини чўзиб, кенг очиб туришиди. Бундан мақсад улар ўзларини ўша ерга маҳкамлаб қўйилган, жонсиз ва ҳаракатсиз, ҳужум қилиб ҳамда еб бўлмайдиган нарса қилиб кўрсатиш эди.

– Ҳой, йигитчалар, – деди илон уларнинг ёнига келиб, – мен бу ҳийла-найрангларни жуда яхши биламан. Ўзингизни босинг. Оёқларингизни ҳам, қўлларингизни ҳам туширинг. Сизларни кузатиб турибман. Сизларга

ёмонлик қилиш ниятим йўқ. Сизлар чўққига нотўғри йўлдан кетяпсизлар. Ортимдан юринг, сизларга йўлни кўрсатаман.

Илон уларга энди жудаям яқин турган эди. Жамил тимсоҳнинг илон жуда хавфли эканини алоҳида таъкидлаб, огоҳлантирганини эслади. У иккиланиб қолди:

– Раҳмат, илон, ички туйғумиз биз аслида тўғри йўлда эканимизни айтиб турибди.

– Биз қаерга кетаётганимизни биламиз, – деди Башир.

– Бу ерлар туғилганимдан бери менинг уйим ва барча йўлларни яхши биламан. Жуда кўп одамларга чўққига чиқишга ёрдам берганман, – дея тушунтириди илон.

– Бизга қандай ёрдам бера оласан? – сўради Башир.

– Жуда қисқа вақт ичидан сизларни тоғнинг тепасига олиб чиқаман. Ишончингиз комил бўлсин, ер юзидағи энг хавфли йўлларини чап бериб ўтамиз. Уни Борса-келмас довони деб аташади. Битта нотўғри қадам ташланса, ҳаммаси тамом. Иккингизни у ердан қандай қилиб айлантириб олиб ўтиб кетишини биламан. Сизларни Тош ибодатхонадан эҳтиёт қилишнинг энг яхши йўлларини биламан.

– Нега?! Тимсоҳ ибодатхонани зўр деб ўйлади! – хитоб қилди Жамил.

– Тимсоҳ ҳеч қачон дарёдан ташқарига чиқмаган. У айтган ҳамма гапга ҳам ишонаверманг. У ерда мен бўлганман. Бу ерлар менинг уйим ва бу ердаги ҳар бир бурчакни яхши биламан. Тош ибодатхона одамларни таҳқирлайди. Сиз зим-зиё туннеллардан эгилиб, тиззангизда чўккараб ўтиб кетасиз. Ростдан ҳам эгилиб, эмаклашни истаяпсизми? Бу жуда қўрқинчли ва менга ишонинг, мен сизларни айлантириб олиб ўтаман.

Жамил илонга ишонмади ва хушмуомалалик билан уни рад қилди.

– Бу жуда хавфли, қўрқиб кетяпман, – деди Башир хавфли довондан пастга сирғаниб тушиб кетмаслик

учун ўзини тутиб тураркан. Тоғнинг четидан тошлар думалаб пастга тушиб кетаётган эди. Жамил нақ вақтида ўгирилиб, тошларга қўшилиб тушиб кетмаслиги учун ошнасини ушлаб қутқариб қолди. Жамил уни тортиб олди ва улар кўтарилишда давом этдилар.

– Илоннинг таклифини қабул қилишимиз керак эди, – деди Башир битта-битта хавфли қадамлар ташлаб боришаркан. Жамил жавоб бермади. Унинг хаёлида фақат биттагина нарса бор эди: Борса-келмас довонидан қандай қилиб чуқур жарликларга думалаб кетмасдан ўтиб кетишини ўйларди.

– Ўнг ва чапга қарама, хўпми?! – қичқирди Жамил осма кўприк бўйлаб Баширни етаклаб бораркан. Улар тор сирпанчиқ йўлдан ўтиб бўлишлари биланоқ битта одам сиғадиган кенгликдаги туннел оғзида ўзларини кўришди.

Жамил биринчи марта ҳақиқийсига қўрқиб кетди. У қўрққанини кўрсатмасликка ва жасорат билан уни енгишга қарор қилди.

– Шу ерда бизни горилла кутиб турган бўлса-чи? – деди Башир.

– Курашишимиз керак. Бошқа йўлимиз йўқ, шунаقا эмасми?

– Мен жуда қўрқяпман, – тан олди Башир.

– Ҳеч нарса бўлмаса-чи?! – деди Жамил ва туннелга биринчи қадамини ташлади. Ўн қадамча ташлаганидан сўнг сўради: – Ортимдан келяпсанми?

– Ҳа! – пичирлади Башир.

Йигирма метрлардан сўнг у ер ёриша бошлади. Жамил бу ёруғлик қаердан келаётганини билмасди, аммо туннел тубидаги тошлар нур сочиб турганини кўриб қолди. Секин-аста юриб бораркан, сувнинг оҳиста шилдирашини эшитди.

– У сувми ёки мен тасаввур қиляпманми? – деб сўради Жамил.

– Мен ҳам шунга ўшаган нарса эшитгандек бўлдим, – жавоб берди Башир.

Улар овоз келаётган томонга аста-аста юриб яқинлашишди. Ниҳоят, бир бурчакка бурилишди, олдиларида тоғнинг тубида жойлашган шаршара кўринди. Ҳамма ёқда қандайдир сеҳр бор эди, шаршара тошлар нуридан чараклаб туради.

– Менимча, биз боши берк йўлга кириб қолдик. Бу ердан чиқиб кетса бўладиган йўлни кўрмаяпман, – деди Башир атрофига қараб. – Бу ерда ҳаммаси тошлар экан.

– Тимсоҳ бизга айтган бўлар эди, – Жамил туннелнинг ҳар иккала томонидаги тошларга тегиб кўра бошлади. – Чиқиб кетадиган бир йўл бўлиши керак. Боши берк йўл эканига ишонгим келмаяпти. Биз умуман ортга қайта олмаймиз.

Жамил тошларни ушлаб, босиб кўради. Кутилмаганда у босган тошлардан биттаси ҳаракатга келди ва бирдан бошқа бир кичикроқ, аммо ёруғроқ туннелни кўриб қолди.

У тиззалаб олди ва Баширни ортидан эргаштирганича эмаклаб кетди.

– Қаерга кетаётганимизни биласанми?

– Билмайман, аммо адашиб қолганимиз йўқ, – жавоб берди Жамил.

Йигирма дақиқалар чамаси эмаклаб борганларидан сўнг улар чиқиш жойига етиб бордилар.

Дўйстлар хурсанд, енгил тортган ва ҳайратда эдилар. Бошларидан кечган нарсалар тўғрисида гаплашишга вақтлари йўқ эди. Ўсимликлар бошқача бўлиб қолганди. Дарахтлар калта-калта ва яхши жойлашганди. У ер ёп-ёруғ ва ҳавоси анча тоза эди. Ҳолдан тойган болалар бир дарахт остида дам олишга қарор қилишди. Бирин-кетин кўзларини юмганча ухлаб қолишли.

Бир неча соат ўтиб, Жамил кўзини очди-ю, уларга жуда яқиндан тикилиб турган иккита чақнаган ўткир кўзга дуч келди. Чап қўлида дарахт шохини ушлаганича тош устида ўтирган тоғ горилласи жуда бамайлихотир кўринарди. Йигитча унинг кўзларига қарамасликка

ҳаракат қилди. У чинакамига қўрқиб кетганди. Гоҳ-гоҳида беихтиёр унга ўғринча қараб қўярди. Жамил қочмасликка қарор қилди. Чунки жуда чарчаган ва мадорсиз эди. Бунинг устига горилла бу ерларни жуда яхши билади. У оҳиста Баширни туртиб қўйди. Дўсти ҳам кўзини очди-ю, бақириб юборди. Иккаласи ҳам ерга қараб турар, у билан кўзлари тўқнашмаслигига ҳаракат қиласр эди.

– Менинг худудимга хуш келибсиз! – узоқ давом этган сукутдан сўнг деди маймун. – Юқорига чиқяпсизларми ёки тушиб кетяпсизларми?

– Тепага, – иложи борича хотиржам жавоб берди Жамил.

– Сиз ҳали узоқ йўл босишингиз керак, лекин мен икковингизни у ерга олиб боришим мумкин. Иккингиз ҳам орқамда ўтирангиз бўлади, аммо бу бироз нокулайроқ. Балки билмассиз, горилла икки оёқда юриши мумкин. Иккалангизни ҳам қўлларимда кўтариб оламан. Ёки кенг елкаларим ҳам бор. Кўриб турганингиздек, улар ростан ҳам кенг. Ҳар бирига биттангизни ўтказиш мен учун умуман оғир бўлмайди. – Горилла елкаларини кўрсатиш учун ўрнидан турди. – Сизларни тепага олиб чиқаман. Шунда бошқа ҳайвонлардан сақланасиз ва ажойиб тоғ манзарасини томоша қиласиз.

– Мен гориллага ишонмайман, бунинг устига танасидан бадбўй ҳид келади, – пичирлади Башир.

Ҳамон кўзини горилладан олиб қочиб Жамил деди:

– Биз жуда миннатдормиз. Шу ергача ўз кучимиз билан етиб келдик ва бундан роҳатландик. Энди чўққига ҳам ўзимиз чиқишни хоҳлаймиз.

Горилла қаттиқ ғазабланди. У кўкрагига уриб, ўнг оёғи билан депсинди.

– Мен бу ерда хўжайнман! Бу менинг худудим ва таклифларимни ҳеч ким рад этолмайди. Бу итоатсизликдир. Сизга зарар етказаман, деб ўйлайсизми? Мен сизга ёрдам бериш учун келдим.

– Кел, қабул қиласын. Мен унинг бир нима қилишидан құрқаман ва очиги чарчадим, – деди Башир.

– Ҳеч қачон, – деди Жамил.

– Жим бүл, – горилла Жамилга жаҳл билан бақириди. – Сиз нима ҳақида гаплашаётганингизни билмаяпсиз ва қаерга боришни ҳам билмайсиз.

– Биз йўлга чиқиб бўлдик, – деди Жамил қатъият билан.

– Оғзингни ёп!

– Бизни тинч қўй! – Жамил ўрнидан турди ва горилланинг кўзларига тик қаради.

– Бу ерда менинг таклифларимни ҳеч ким рад этмайди.

Жамил ва горилла бир-бирларига бироз тикилиб қолишиди. Маймун ҳайратга тушди.

– Кет! Йўқол! – у ер тепиб, кўкрагига уриб, бир неча марта бақириди.

– Ўзинг кет! Йўқол! Бизни тинч қўй! – Жамил унга қараб қичқириб, кўкрагига урди.

Тоғ горилласи энг яқин дарахтни ушлаб, ғазаб билан уни қаттиқ силкитди. Сўнг буталар орасига кириб кетди.

Болалар хурсанд бўлишиди.

– Мен унинг ҳидига чидай олмадим, – деди Жамил кулиб. – Кел, дам оламиз ва тимсоҳнинг айтганидек, тонг отгач, сўнгги кўтарилишни амалга оширамиз.

– Мен ҳам чарчадим.

Икки бола ўтириш учун жой топди ва бир-бирига ишонқирамай қаради.

– Ниҳоят, биз мақсадимиздан атиги бир неча юз метр нарида турибмиз, – деди Жамил юзида табассум билан.

– Биз олдин имконсиз деб ўйлагандик, – деб тан олди Башир.

Эртаси куни эрталаб қуёш нурлари булувлар орасидан уларнинг юзларига тушди.

– Бошим оғрияпти, – шикоят қилди Башир.

– Бу биз ердан узоқда эканимиз учун, – тушунтириди Жамил. – Чўққига чиққандан сўнг яхши бўласан.

– Тимсоҳ нимани Яратганинг табассуми деб айтганини кўришга сабрим чидамаяпти, – дея қўшимча қилди Башир.

Янгидан кучга тўлиб, улар кўтарилишнинг сўнгги қисмини бошлишади. Болалар ортда қолаётган манзарага қараш учун тўхтамадилар ҳам. Булатлар ичига шошиб кириб боришганда Жамилга уни нимадир олдинга тортаётгандек ва нимадир ортидан итараётгандек туюлди. У жуда катта енгиллик ҳис қилди.

Жамил чўққига биринчи бўлиб чиқди. У олдинда нима турганини кўрганда ажойиб манзарадан ва буюк муваффақиятдан ҳаяжонланди. Баширнинг ҳамон булатлар орасидалигини сезиб, орқасига ўгирилиб, уни ушлаб олди ва кўзларини юмишини айтди. Дўстини олдинга олиб чиққач:

– Энди қарашинг мумкин, – деди.

Башир жуда хурсанд бўлди. Иккиси булатлар тепасидаги майдонга югуриб чиқиб, тиз чўкиб йиғлаб ўборди. Жамил кўзларига ишонмасди. Кенг майдон, гилемдек кўриниб турган булатлар, қуёш... воҳ!

Жамил мафтункор кўринишдан ва ўпкасига кираётган тоза ҳаводан сармаст бўлиб, янада юқорига кўтарилди. “Дунё томига хуш келибсиз!” деган ёзув йўқ эди, аммо шундай экани аниқ эди. Бу ерда деярли барчаси сеҳрли эди. Жамил атрофга қаради ва айни маконда деярли ҳамма нарса мумкин, деб ўйлади беихтиёр. У қолган тўртта тоғни ҳам кўрди.

– Тимсоҳ тўғри айтиби! Қара, у ерда яна тўртта тоғ бор экан, – деди Жамил.

– Мана кўл, – деди Башир худди шундай ҳаяжон билан.

Улар кўл томон юришди. Жамил кўл бўйидаги энг баланд нуқтага бориб, унга кўтарилди.

– Мен дунёнинг энг тепасида турибман, – деб бақириди бир неча марта. У яна кўлга диққат билан қаради. Пастга тушмоқчи бўлганида бутун вужудига тегиб

турган ғайриоддий ниманидир пайқади. Ушбу бурчакдан ҳақиқатдан ҳам тимсоҳ айтгандай сувдаги осмоннинг акси табассумга ўхшарди. Жамил унга қараб икки тилак айтди: маҳлуқни ўлдириш ва калитни қайтариб келиш. У тилакларини айтиб бўлиши билан табассум ғойиб бўлди. Жамил жуда хурсанд эди.

– Ҳа, бу жой мавжуд. Мен буни кўриб турибман, мен буни ҳис қиляпман ва истакларимни билдиридим.

Йигитчалар кўлни ўрганишда давом этишаркан, улар чеккада чучук сув чиқадиган булоқни пайқашди. Ундан ичдилар ва дам олдилар. У жуда иссиқ эмасди. Бир неча соатдан кейин Жамил кўлнинг чуқур тубини қидириб, унга шўнғиди. Иккаласи тўйгунча сузишди.

– Қачон ерга тушамиз? – деб сўради Башир.

– Эртага тушайлик, – таклиф қилди Жамил. – Мен бу ерда қоёш ботишини кутмоқчиман. Юлдузларга тўла тун қандай бўлишини тасаввур қил!

– Биз қайтиб борганимизда тимсоҳга айтадиган кўп гапларим бор.

Жамилнинг боши айланиб, ўзини тутишга уринди.

– Бу менми ёки тоғми?

– Нима демоқчисан? – деб сўради Башир.

– Нимадир қимирилаяпти... Мен ниманингдир қимирилаётганини сезяпман.

– Мен яхшиман. Ҳеч нарсани сезмаяпман, – деди Башир.

– Қара, – деб бақирди Жамил, – менинг оёқларим ердан узилган.

– Нималар бўляяпти?

– Мен учяпман!

Жамилга ҳавога кўтарилишнинг ғалати ҳисси ёқди. У бошқарувни ўз кўлига олди ва тоғ устида уфқ бўйлаб парвоз қила бошлади. Биринчи тоғнинг чўққисини айланиб чиққач, иккинчисига ўтиб, пастдаги водийлар ва даралардан ўз исмининг акс-садоларини эшитишни бошлади. Кейин у учинчи ва тўртинчи тоғ устида парвоз

қилиб, пастдаги водийлару дараларда исмининг акс-садосини бераётган ўша ғалати овозни яна эшилди. Одамлар уни қандай узоқдан таниб, исмини билишини тушунолмади. Улар кимлар эди? Ва қандай кўринишга эга эдилар? Нимага унинг исми айтиляпти? Улар нимани хоҳлашади?

Исми акс-садолари кучли янграётган сўнгги тоғдан ўтаётганида уларнинг “Жамил, Жамил, Жамил”, деб чақиришлари эшилди. У энг яхшиси бу – пастга тушиб, одамлар билан кўришиш, деган қарорга келди. Сўнг секин пастга парвоз қилди ва оёқлари ерга тегиши билан уйқудан уйғониб кетди.

* * *

Жамил кўзларини аста очди. Лаки кетишни хоҳлаб, унга тикилиб турарди. Йигитча ҳали ҳам оролда эканини ва буларнинг барчаси туш эканини англаб етгач, кўзларини бир неча бор ишқалади. У бошқа болаларнинг Башир бошчилигида марш ўтказаётганларини ва қўшиқ айтиётганларини эшилди:

– Махлук, махлук, сен ўласан,
Махлук, махлук, сен ўласан!
Сен тез орада ўласан,
Махлук, махлук, сен ўласан!
Тез орада ўлдирамиз,
Махлук, махлук, сен ўласан!

Жамил ва Лаки ҳам парадга қўшилишди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Жамил махлуқ билан курашади

Татаси ороли аҳолиси махлуқдан қўрқиб яшашни давом эттиридилар. Ҳақиқатдан ҳам унинг ташқи қиёфаси қандайлигини ҳеч ким тасвирлаб беролмади. У ҳар кимга ҳар хил шаклда кўринарди. Баъзилар уни мингта оғзи бор махлуқ, деб аташди, чунки у исталган вақтда оролда яшовчи ҳар қандай жонзотни ютиб юбора олади, деб ишонишарди. Яна мингта ошқозони бор махлуқ, деб ҳам айтишди, негаки қанча тирик мавжудотларни еса ҳам тўймайди, деб ҳисоблашарди. Айримлар бу номаълум махлуқни мингта қўли бор ҳайвон, деб атадилар, чунки у истаган нарсасини хоҳ денгизда, хоҳ қуруқликда ва хоҳ ҳавода бўлсин, ушлаб олишга қодир, деб ўйлашарди. Махлуқ охир-оқибат оролдаги барча тирик жонзотларни ўлдириб, еб қўяди, деган фикр кенг тарқалганди – шундагина у ҳам ҳалок бўлади. Аммо бирон-бир одам материкка сузиб ўта олса, у ҳайвоннинг кучини синдиради ва махлуқ шундагина ўлади, деган умумий фикр бор эди. Бир неча киши сузишга уриниб кўрди, аммо муваффақиятсиз бўлди. Улар ё чўкиб кетишди, ё махлуқ томонидан ютиб юборилди.

Яқинда аҳоли уларни янада кўпроқ жазолаш учун махлуқ кичикроқ ёвуз махлуқлар – тунда одамларга ҳужум қиласиган вампирларни озод қилганига ишона бошлади. Улар кўршапалакдан кичикроқ эди, лекин қон сўриш учун мўлжалланган учли оғизлари бор маймунларга ўхшашади. Айтишларича, қон сўришдан олдин бу кичик махлуқчалар чақадиган жойини караҳтлаштирадиган қандайдир оғриқсизлантирувчи

сўлак чиқаришади ва бу уларга жабрланувчиларнинг қонини оғриқсиз сўриб олишларига ёрдам беради. Митти махлуқлар кундузи ҳеч қачон кўринишмайди ва уларнинг жойини ҳеч ким билмайди.

Вақт ўтиши билан одамлар махлуқнинг ҳаракатидаги бир қонуниятни пайқашди. Улар махлуқ қачон фаол бўлишини билишди ва бу вақтни комендант соати деб эълон қилишди. Кейин махлуқдан холи вақт ҳам бўларди, бу пайтда махлуқнинг ҳужум қилиш эҳтимоли кам, деб ўйлашарди.

– Ҳамма ёқ тинч, – деди Камол бобо бир куни тушдан кейин Жамилга. – Сен ҳозир кўчага чиқишинг мумкин. Махлуқ дам олмоқда, лекин хушёр бўл!

– Ҳа, илтимос, ёдда тут: махлуқ махлуқлигича қолади, – деб қўшимча қилди Лайло буви. – Лакини олиб кетяпсанми?

– Ҳа!

– Эҳтиёт бўл! Агар ғайриоддий нарсаларни сезсанг, илтимос, бирон жойга яширин, – буви маслаҳат берди.

– Хўп, шундай қиласман! – деди Жамил ва кетаётган жойида тўхтади. – Бобо, махлуқ пайдо бўлганига деярли бир йил бўлди. У қанча яшашини биласизми?

– Ҳеч ким билмайди.

– Кимдир уни ўлдириши мумкинми?

– Нима билан?

– Масалан, катапулталардан мингта тош отиб...

– Мен бунга шубҳа қиласман, лекин ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, – Камол бобо тўхтаб қолди. – Йиртқич ҳайвонни ўлдириш мумкин, аммо ҳамма нарсани тўғри бажариш керак бўлади.

Маёқда Жамил Баширга:

– Ростини айтсам, биз махлуқни мингта тош билан ўлдира оламиз, деб ўйламайман, – деди.

– Нега шундай деб ўйлайсан?

– Агар тош отишни бошлаганимизда денгизга яширинса-чи? Агар махлуқ биз кўрмайдиган даражада

тутун чиқарса-чи? Агар махлук биз тошларни ота олмайдиган даражада шовқин қилса-чи? Махлукни нишонда ушлаб туриш учун ўлжа керак.

- Махлукни ўлдириш ҳақида бобонг нима деди?

- Бунинг иложи бор, лекин биз сабр қилишимиз кераклигини айтди. Ҳамма нарсанинг ўз вақти бор, вақти келганды махлук ўлади экан.

- Хўп, у кутиши мумкин, биз кута олмаймиз. Биз махлукни ўлдиришимиз керак! Биз оролимизни озод қилишни хоҳлаймиз. Махлукни ўлдиргач, ҳаммамиз озод бўламиз... - Башир тўсатдан тўхтади ва девор орқасига яширинди. Улар яқин атрофда махлукнинг таниш ириллаб увуллашини эшитдилар. Жамил ташқарига қаради, лекин ғайриоддий ҳеч нарсани кўрмади.

- Бобомнинг айтишича, махлук ҳозир жуда тушкунликка тушиб қолмоқда ва бу ҳаммамиз учун муаммо. У кўп нарсалар ўзгараётганини ва бу ўзгаришлар махлукқа таъсир қилаётганини айтди.

- Нима, масалан? - деб сўради Башир ҳали ҳам яшириниб.

- Масалан, Иблис гилами устимиизда қалин ёйилиб турганида бу махлукқа ёқарди. Энди гилам силжий бошлади ва қуёш порляпти, бу махлук учун қувонарли ҳол эмас. Унга шунингдек, вулқон туфайли атрофдаги денгиз жуда иссиқ бўлгани ҳам ёқарди, энди вулқон тинган ва бу махлукқа ноқулай. Унинг учун қулай бўлган шароитлар ўзгариб бормоқда ва шунга, бобомнинг айтишича, махлук жуда тушкунлиқда.

Башир махлук вақти келиб ўз ўлими билан ўлишига ишонмасди. У Татасининг болалари катапулталар ва тошлар билан махлукни ўлдириши мумкинлигига қаттиқ ишонарди. Жамил бошқа баҳслашмади.

Махлукнинг аломатлари сезилмай қолганига тахминан бир соат бўлгач, Жамил Баширни қолдириб, Лаки билан кўл томон йўл олди. Кетар экан, у ўзини безовта ҳис қила бошлади. Гўё ҳавода бирон нохуш

нарса бордай туюлди. У нима эканини айта олмасди, аммо атрофда хавф борлигини сезарди. Гүё уни кузатиб туришгандек эди. Бундай ҳимоясизлик ва заифлик ҳиссини у биринчи марта ҳис қилди ҳамда бу уни хавотирга солди. Жамил ниманидир кўришни умид қилиб, асабий атрофга назар ташлади.

— Лаки, кетдик, — буюрди у ва югуришни бошлади. Югураётганида оёқларининг қувватсизланганини сезди ва секинлашиб, ерга йиқилди. Унинг боши айланиб кетди. Атрофда ўткир ҳид анқирди ва у нафас олгани сари боши айланиб кетарди. Йигитча йўталиб, қусишни бошлади. Унинг кўзлари юмилди. Атрофида эса кучли шамол эсишни бошлади. Жамил қаршилик қилди ва мадад бўлиши учун дарахтни ушлаб олди. Ҳали ҳам ҳеч қандай шовқин йўқ эди ва бу болани ташвишлантиради. Атрофни яна бир тутун булути қоплаганди. У Лаки яқин атрофда маъраётганини эшитар, аммо жоноворни кўролмасди. Жамил махлуқнинг яқин атрофда эканини гумон қила бошлади.

У ўзини тутишга муваффақ бўлганида кўзларини очди ва кўрганлари уни даҳшатга солди. Йигитча тутун ичидан қорамтири улкан нарса чиқаётганини кўрди. Яхшироқ қараб, вақти-вақти билан қизил нур милтираб турадиган, бўртиб чиққан, катта яшилсимон кўзларни кўрди. Жамил тахминан ўн метр нарида кўрган махлуқнинг баҳайбат боши, камида иккита тили чиқиб турган катта оғзи бор эди. Бу хунук ҳайвон ҳамон товуш чиқармасдан тобора яқинлаша бошлади. У сирпанаётгандай туюларди. Жамил ўша ерда турди ва махлуқнинг кўзларига тикилди. Тахминан ўттиз сония мобайнида йигитча билан оролни даҳшатга солган денгиз ҳайвони бир-бирига тикилиб турди. Махлуқ тилларини чиқариб, кўзлари ёниб, тўғри йигитчага қараб, таниш товушни чиқарди — бош чайқаганича ириллади. У Жамилга яқинлашди ва энди тахминан икки метр нарида эди. Махлуқ ҳамон тутун булути ичиди

бўлиб, аммо болакайга аниқ кўринарди. Жамил тутун ичидан узун қўлга ўхшаш нарсанинг чиқиб, Лакини тортиб олганини кўрди. Йиртқич ҳайвон йигитча илгари эшитган хириллаган товушларни чиқариб, ҳавога яна тутун чиқарди. Жамил ўзининг рогаткасини топишга ҳаракат қилди, лекин у жуда қўрқиб кетган ва довдираб қолганди. Югуришга уринди, аммо уддалай олмади. Турган жойида у эчкининг осмонга улоқтирилганини кўрди. Лаки умидсиз ва баланд овоз билан маърар эди. Кейин сукунат чўкди. Жамил шундан кейин денгиздаги қалин тутун туфайли ҳеч нарса кўролмади. У махлук энди унинг олдига келишидан қўрқди ва югуришни бошлади.

Бироз вақт ўтгач, шамол секинлашиб, тутун тарқади.

Жамил қалтираб, қўрқиб тошнинг орқасига яширинди. У Лаки пайдо бўлишидан умид қилиб, атрофга қаради. Жимлик ҳукмрон эди. Йигитча эчкисини қидириб, теварак-атрофга югуриб бақира бошлади:

– Лаки, Лаки! Қаердасан, Лаки?!

Жамилнинг таъби хира бўлди. У махлукнинг эчкисини ютиб юборганини дарҳол қабул қила олмади. Шунингдек, махлук билан юзма-юз келганига ишониш қийин эди. Ушбу икки воқеа унга қаттиқ таъсир қилди. Ўзига келгач, Жамил ёлғиз ўзи уйига қайтиш учун ўрнидан турди. Туриб денгизга қаради.

– Сен бунинг ҳаққини қаттиқ тўлайсан! – деб бақирди Жамил ғойиб бўлган махлукقا мурожаат қилиб. – Сенинг ўлиминг секин ва азобли бўлади. Мен нариги томонга сузиб ўтаман! Агар чиндан ҳам мингта оғзинг ва мингта қўлинг бўлса, сендан денгизни халос қилиш, одамларни ва оролни озод этиш учун менга фақат битта режа керак. Сен етарлича зарар етказдинг ва яқинда ўлишга лойиқсан!

Жамил ўзининг тўқнашувдан қандайдир руҳланганини ҳис этди. Кейинги бир неча кун ичida у махлукни ўлдириш учун уни алдашга қарор қилди.

- Мен күрган нарса билан юзма-юз түкнашиш мүмкін әмас. У жуда катта махлуқ ва бу ўта хатарли. Махлуқ ҳар қандай якка-якка курашда ғалаба қозонади. Қандайдир тарзда уни алдашим керак. Мен буни ҳеч ким билан муҳокама қилмайман! Агар омадим келса, одамлар менинг йүқлигимни ва ҳайвоннинг ўлимини пайқашади. Мабодо, муваффақиятсизликка учрасам, мен шунчаки йўқолганлардан бири бўламан. Махлуқ учун яна бир таом! Бечора Лаки сингари... - Тўсатдан унда фикр пайдо бўлди: – Агар махлуқ эчкиларни ёқтиурса, мен уни шундан фойдаланиб ўлдираман!

Жамил махфий равишда йиртқич ҳайвонни алдаш ва ўлдириш режасини ишлаб чиқди. У буни "Учта эчки режаси", деб атади. Унга учта эчки, учта қайиқ, узун арқон ва катта умид керак эди.

Йигитча тажриба қилиб кўришга қарор қилди. У махлуқни эрта тонгда алдашни танлагани учун бир кун эрта тонгда эчки билан олдинроқ қайиқ боғлаб қўйган жойига келди. Эчкини қайиқقا солиб, денгизга итариб юборди. Ўзи орқага чекиниб, хавфсиз масофадан кузатиб турди. Бир неча дақиқа ичида у махлуқнинг ушбу ҳудудда ҳаракатланганини пайқади. Аввалига даҳшатли ҳид атрофни тўлдирди, сўнгра қучли шамол қалин тутунни олиб келди. Бир неча дақиқадан сўнг у узоқдан махлуқнинг ириллаши ва увллашини эшитди. Жамил кутганидек, эчки осмонга улоқтирилди ва кейин жимлик чўкди. У бу сафар махлуқнинг бир қисми сув остида, бир қисми эса тутун орасида бўлгани учун кўролмади.

Жамил бир неча ҳафтани ўз режасини такомиллаштириш билан ўтказди. "Уч эчки режаси иш беради", деди у ўзига бир неча марта. Баъзан қўзларини юмиб, бутун жараённи секинлаштирилган тасвирларда тузиб чиқарди. У портга учта эчки билан келган пайтдан бошларди ва эҳтимолий сценарийларни яхшилаб кўриб чиқарди. Шунингдек, қочишнинг ҳам бир нечта хилини тасаввур қилди. У махлуқ томонидан ушлаб, ҳавога

улоқтирилгани ва ютиб юборилган пайтни, ғарқ бўлган маҳални ва муваффақиятли сузиг ўтган онни тасаввур қилди.

Режасини амалга ошириш олдидан Жамил Баширнинг олдига келди.

– Махлуқни ҳақиқий совға кутяпти, – деди Башир унга ҳаяжонланиб. – Бирданига мингта тош! – У қўли билан махлуқ қандай зарба еяётганини намойиш қилди. – Мен унинг жон талвасасида инграб, хириллаётганини тасаввур қиляпман. Биз рақсга тушиб нишонлаймиз, чунки режам амалга ошади. Мени оролнинг қаҳрамони сифатида кўришади.

– Аммо унинг пайдо бўладиган аниқ вақти ва жойи йўқ. Махлуқ ҳужуми қузатилмайди, деб билганимиз соатларда Лаки ва менга ҳужум қилди, – Жамил эътиroz билдириди. – Биз сен хоҳлаган жойдан туриб уни тошбўрон қилишимиз учун махлуқни тузоққа илинтиргани нимадан фойдаланмоқчисан?

– Мен бунинг бир иложини топаман, – деб жавоб берди Башир. Сўнг дўстидан сўради: – Сен орол тарихининг бир қисмига айланишни хоҳлайсанми? Ҳайвонга тош отганлардан бири бўлишни истамайсанми?

– Албатта, мен йиртқич ҳайвонни ўлдиришга тайёрман! – жавоб берди Жамил хотиржамлик билан.

Кечқурун у бобосига жуда ўйлантирадиган савол берди:

– Бобо, сизнингча, кимдир бир куни денгиздан сузиг ўтадими?

– Албатта, вақти келганида кимдир буни уddeлайди.

– Қандай?

– Қаттиқ меҳнат ва соф омад билан.

– Нима демоқчисиз?

– Агар одам ўз режаси устида қаттиқ ишласа ва бу махлуқ ухлаётган пайтга тўғри келса, уddeлайди.

– Аммо махлуқ ҳеч қачон ухламайди.

– Ҳеч ким унинг кун тартибини билмайди, лекин агар бирор нарса юз берса, унинг юз беришига бошқа бир нарса сабаб бўлади.

– Ростанми?

– Ҳа, бундан олдин ҳам шундай бўлган. Баъзи одамлар денгизни муваффақиятли кесиб ўтишди.

– Нега йиртқич ўлмади?!

– Бу одамлар кесиб ўтганларидан кейин орқага қарашди. Улар денгизни кесиб ўтган киши умуман орқасига қарамаслиги кераклигини билмас эдилар. Йиртқич ҳайвон ўлик бўлиб кўринса-да, денгизни кесиб ўтган одам билан кўзи тўқнашса, махлук тирилади.

Эртаси куни эрталаб Жамил одатдаги вақтда уйғонди.

– Мен бугун махлукни комендантилик соатида жангга чақираман.

– Фақат эҳтиёт бўл! – маслаҳат берди Камол бобо. – Энди унинг кўриниши қандайлигини ва ҳужум қилишдан олдин нима қилишни, қачон хавфсиз жойда яширинишни ҳам биласан.

– Денгиздан ва портдан узоқ туришга ҳаракат қил, – Лайло буви огоҳлантириди.

– Яхши, мен ҳаракат қиласман, – Жамил бобоси ва бувисини ишонтириди.

– Аҳмоқона ишлар қилма, – бувиси яна огоҳлантириди.

– Кўришгунча, – деди Жамил ва юриб кетди.

Жамил бир кун олдин учта эчки ва жуда узун арқонни яшириб қўйган портдаги пана жойга борди. Йўлда у белига боғлаб қўйган Татаси ўсимлигининг қисқа шохини кесиб ташлади. Агар муваффақиятга эришса, бу оролдан олиб кетадиган ягона нарса бўлади. Йигитча эчкilarни чиқариб, хотиржамлик билан хаёлида белгилаб қўйган нуқталарига қараб юрди.

– Бундан буён, – деди Жамил ўзига-ўзи, бутун диққатини жамлаб, – ҳамма нарса машқда бўлгани каби бўлиши керак.

У биринчи эчкини дengизнинг саёз жойидаги қайиқ-қа туширди. Барча эчкиларни маҳкам боғлаб қўйди – тўрт оёқ ва бўйини қайиқнинг бешта томонига.

– Махлуқ уларни ечиш учун кўп ҳаракат қилиши керак ёки қайиқни ютиб юбориши лозим.

Кейин биринчи қайиқни узун арқон билан иккинчисига боғлади. Бу вақт ичидаги Жамил ташвишланиб, махлуқ ҳужум қилиб қолмасин, деб дengиздан кўзини узмади.

Тайёр бўлгач, биринчи эчкили қайиқ-хўракни сувга қўйиб юборди.

– Махлуқ! – Жамил гўё махлуқ уни эшитаётгандек ёки уни тушунадигандек тонг қоронғисига қараб бақирди. – Сен учун махсус тайёрландим. Мен жангга тайёрман: ё сен, ё мен!

Жамил асабий равишда атрофга қаради. Махлуқдан асар ҳам йўқ эди. У дengизда сузиб кетаётган қайиқни орқага торти. Ҳаммасини яна қайтадан бошлади ва кутди. Ҳали ҳам махлуқ йўқ! Вақт ўтиши билан болакай ташвишлана бошлади. Энди режасидан воз кечиб, уйига қайтиши керакми? Ёки жасорат билан дengизни кесиб ўтсинми? Махлуқ ухлаяптификан-а?!

“Ўз режаларингга содиқ қол!” деди унга ички овоз. Жамил қайиқни орқага тортиб, ҳаммасини яна қайтадан бошлади.

– Махлуқ, бу ёққа чиқ ва мазза қил! Сен эчкиларни яхши кўрасан, шундай эмасми?!

Жамил дengиздаги таниш ҳаракатни кўриб хурсанд бўлиб кетди, бу махлуқ шу ерда эканини билдиради. Худди режалаштирилганидек, қайиқ ҳам у хоҳлаган жойда эди.

“Сени яхши кураш кутяпти, махлуқ”, деб ўйлади Жамил. Унинг ички туйғуси режаларига амал қилса, муваффақиятга эришишини билдиради. У иккинчи қайиқ ўлжа бўлган жойга югуриб бориб, уни белгиланган жойда дengизга қўйиб юборди. Сўнг жуда узоқдаги учинчи

қайиққа югурди. Жамил түғри жойда турганига амин бўлиш учун бир сония тўхтади. У бу нуқтани материикка энг яқин жой бўлгани сабабли атайлаб танлади. Шошилинч равишда кичик бир арқонни оёғига ва учинчи қайиққа боғлади. Кейин эса эчкили қайиқ-ўлжани дengизга итариб юборди. Оролга сўнгги марта қараб, чуқур нафас олди ва дengизга шўнғиди.

Жамил сузишни бошлаганида махлуқ турган жойга қаради ва у ҳали ҳам биринчи эчки билан олишаётганидан хурсанд бўлди. Йигитча тезроқ сузарди.

У қандайдир ғалати сабаб билан ўзидан сўради: “Агар бир нечта махлуқлар бўлса, нима бўлади? Ёки чиндан ҳам унинг мингта қўли бўлса-чи? Иккинчи ёки учинчи эчки ўрнига махлуқ менинг олдимга келса-чи?” Жамил саволларга жавоб бермади, фақат сузишда давом этди.

Махлуқ биринчи ўлжасини еб битириб, иккинчиси билан курашаётган пайтда Жамил масофанинг ярмини босиб ўтганди. Аммо энди у чарчаганди. Жуда кўп нарсаларни етарлича баҳоламаганди, жумладан, оёғига боғлаб қўйилган учинчи қайиқ уни секинлатишини ва сув кутганидан ҳам совуқроқ бўлишини. Шунга қарамасдан сузишда давом этди. У махлуққа қарши ўз омадини синаб қўришга қарор қилганди.

Жамил ҳаяжонланарди, чунки у махлуқ тузоғига илинганди ва шу ҳақдаги фикр уни тезроқ сузишга унгади. Орқасига қараб, махлуқнинг дengизнинг ўртасида экани ва иккинчи эчки билан олишаётганини пайқади.

– Яхши! – деди у ва учинчи эчкили қайиққа боғланган арқонни оёғидан ечиб, тезлигини оширди. – Ҳаммаси режага мувофиқ кетяпти.

Йигитча орқасига қараб, ўзи билан махлуқ ўртасидаги масофадан кўнгли тўлди. Бу вақтга келиб, у олдинда қирғоқ чизигини кўрди ҳамда озгина омад ва қаттиқ меҳнат билан унга етишини билди. Жамил махлуқнинг учинчи эчки томон кетаётганини пайқаб, жуда енгил тортди.

– Эҳтимол, у мени пайқамаган бўлиши мумкин. – Болакай янада тезроқ сузишда давом этди. – Агар қўлингдан келса, мени ушла! – У ҳайвонни мазах қилди. Орқасига ўгирилиб қараганида кўрдики, маҳлуқ учинчи эчки билан вақтни беҳуда ўтказиб юбормаган ва унга яқинлашаётган эди.

Маҳлуқнинг ириллаши ва ўкириши тобора кучая бошлади – бу унинг саросимага тушиб қолганидан далолат эди. Шамол тезлашаркан, Жамилга ёрдам берди, чунки уни маҳлуқдан узоқлаштириди. Йигитча маҳлуқнинг узун қўли ҳар лаҳзада уни тортиб олишидан қўрқарди, лекин у етарлича узоқликдаман, деб сузишда давом этди. Маҳлуқ томонидан келаётган кучли шамол ёрдамида янада тезроқ сузди. Йиртқич ҳайвоннинг тутуни ва ўткир ҳиди болакайни безовта қилмади. Тутун, ҳид ва шамол орасидан Жамил ўз ҳаёти ҳамда орол эркинлиги учун сузиб ўтди. У қирғоққа етиши биланоқ маҳлуқнинг узун қўли уни орқага тортиб юбормасин, деб иложи борича тезроқ югуришни бошлади. Куруқликда тахминан эллик метр юргурганидан кейин Жамил чарчагани сабабли кум устига қулаб тушди. У ерга қараб ётарди, тасодифан маҳлуққа қараб қўйишни хоҳламасди. Агар маҳлуқ унга қарашини кутиб турган бўлса-чи? Йигитча тирик эканига ва бу туш эмаслигига амин бўлиш учун ўзини бир неча марта чимчилаб олди.

– Жамил, сен буни бажардинг! – деди у ўзига ўзи.

Бу вақтда денгиздаги шовқин тобора кучайиб борарди. Шамол кучли эди ва маҳлуқ ҳамма ёққа сув сачрататеётганди. Жамил тутундан ва маҳлуқдан чиқаётган ҳиддан деярли бўғилиб қолди, лекин орқасига қарамаслиги, ҳатто бир марта бўлса-да, назар ҳам ташлаб қўймаслиги керак! Ҳид Лаки чанглга тушганида ҳидлаганидан уч баравар кучлироқ эди. Тутун унинг кўзларини ачиштиради. Шовқин шу қадар баланд эдикси, у қулоғининг пардалари ёрилиб кетади, деб ўйларди. Жамил ҳамма нарсага чидашга қатъий

қарор қилди, чунки махлукнинг йўқ бўлиб кетиши вақт масаласи эканини биларди. У фақат чидаши керак эди. Мана, мақсади амалга ошди ва махлук ўлиши учун у ерда қанча керак бўлса, шунча ётишга тайёр эди. Жамил энди шошилмасди.

Йигитча жангда ғалаба қозонганига амин эди, аммо кучини тиклаш учун вақт керак эди. У қалин тутун ва даҳшатли ҳид ичидаги сабр билан кутиб ётди. Тахминан бир соат ўтгач, махлук илгари у эшитмаган энг баланд овозни чиқарди. Жамилнинг танаси ва қулоқ пардалари қаттиқ зириллади. Шовқин деярли бутун аъзосини тешиб ўтди. Аммо бола қўрқмади. У кулиб юборди.

– Бу ўлаётган махлукнинг сўнгги қичқириғи, – деди ўз-ўзига. Аста-секин шовқин сусая бошлади ва вақт ўтиши билан ҳаммаси тинчили. Шамол ва тутун ҳам тарқалди. Жамил секин кўзларини очди. У махлукнинг денгизда ўлиб ётганини ёки орқасига қарашини кутаётганини тасаввур қилди. Кўз қири билан у денгизга қарамаганига ишонч ҳосил қилди. Ўрнидан турди ва орқага қараш васвасасига қарши туриб, буталар томон югурга бошлади.

– Махлук, мен ютдим! – деб бақирди ва сакраб рақс тушди, лекин орқасига қарамади. У ўзи билан фахрланар эди. Буни ёлғиз ўзи режалаштириди ва ёлғиз ўзи амалга ошириди. Бу унинг қувончини янада кучайтириди. У ўзича хиргойи қилди:

– Махлук, махлук, сен ўлдинг,

Махлук, махлук, сен ўлдинг!

Жамил ўрмонга кириб бораркан, нима бўлганига ишонолмасди. Бу худди туш каби эди.

– Мен йиртқич ҳайвонни алдаб ўлдирдим, – деб бақирди у бир неча бор. Акс-садо ўрмон бўйлаб янгради. Буни қандай қилганини бобоси ва бувисига айтиб беролмаслиги уни ачинтириди. Энди у уларга режалари ҳақида айтмаслик қароридан афсуслана бошлади. Лекин улар буни тушуниб ётишларини ва неваралари

қаердадир хавфсизлигини ўйлаб хурсанд бўлишларини биларди. Йигитча орол ва одамлар ёвуз махлуқнинг чангалидан озод бўлганидан хурсанд эди. У ўрмон ичига тобора кириб бораркан, бобоси ва бувисини энди кўрмаслигини, ҳатто оролни ҳам бошқа кўролмаслигини англаб, кўзидан ёшлар тўкила бошлади.

Барон Саломон Канториниң «Тарзийлар» номидаги китобидаги ажерларни сунгайни жадидларни олди.

Ажерларни сунгайни жадидларни олди. Ажерларни сунгайни жадидларни олди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Мотамсаролар мамлакати

Жамил ҳамон ғолибона кайфиятда эди, у мағрур ва ишонч билан ўрмон бўйлаб юриб кетарди. Унинг ташлаётган ҳар бир қадами оролдан ва махлуқдан узоқлаштирарди. Севган ва нафратланган нарсаларидан йироқлашарди! Ташлаган ҳар бир қадами бошқа мақсад сари – йўқолган яримта калитни топиш томон элтарди.

Ўрмон қоронғилашишни бошлади. Йигитча қаердан келаётганини билса ҳам, қаерга кетаётганини билмасди. У шунчаки юришда давом этди. Яриморолда, сўнгра оролда ўстган бошқа болалар сингари Жамил ҳам турли жойларга боришни орзу қиласди. Денгизни кесиб ўтганидан кейин у қайси томонга боришни ҳеч ўйламаган эди. Илк орзусини амалга оширгач, ўз жасоратидан хурсанд бўлди ва қолганларини тақдирга топширди. Орқасида ўтмишнинг бир қисмини қолдирди, энди уни олдинда ноаниқ келажак кутарди.

Жамил бутунлай қоронғи тушгунига қадар ўрманинг ичига киришда давом этди. Юраётганида у қияликдан тушаётганини сезди. Лекин ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган даражада зим-зиё бўлгани учун текшира олмади. Юришда давом этаверди ва тобора пастга қадам ташлаётганини ҳис қилди. Аммо унинг зулмат ичида юришдан бошқа иложи йўқ эди. Кўп ўтмай, бутунлай қоронғи бўлган ерга етди. Гўё бошига қоп кийдирилгандек эди. У олдинга қараб бораркан, кўрган нарсалари ҳақиқатми ёки хаёл эканига амин бўла олмади. Болакай бир нечта одамларнинг юзларини кўрдим, деб ўйларди. Биринчиси унга кулгандек туюлди, лекин у ҳеч қандай товуш эшитмади. Иккинчиси юзида ёшлар

билан йиғлаб турарди, бироқ Жамилнинг қулоғига яна бирон овоз чалинмади. Йигитча махлуқнинг шовқини унга шикаст етказган бўлиши мумкин, деб ўйлади. У даҳшатли қўрқув ичида юришни давом эттириди. Эркакнинг юзи бўлган учинчи юз унга кўз қисиб кўйди. Жамил кетар экан, бошқа юзларга аҳамият бермади, лекин унинг олдида махлуқقا ўхшаш жонзот титраб турганини кўргач, қичқириб юборди. Шунда ҳам тўхтамади ва ўша шаклнинг ёнидан ўтиб кетди. Овоз ҳам, ҳид ҳам, тутун ҳам йўқ эди. У номаълум томон юришни давом эттириди.

Қуёш нурлари тушганида Жамил туннелда бўлганини англаб, енгил тортди. Беш қадамдан кейин зулмат яна шиддат билан давом этди. У бошқа юзларни кўрмади. Нимага дуч келса ҳам, ҳеч қачон орқага қайтмасликка қасам ичди, чунки бу ечим эмас эди. Унинг битта йўли бор эди, холос.

Жамил туннелда юришни давом эттириди ва тез орада шунчалик ўрганиб қолдики, деярли завқдана бошлади. Кейин туннел охирида ёруғлик пайдо бўлди. Йигитча ташқарига чиқишига шошилмади. У умуман шошилмасди. Ниҳоят, ташқарига чиққанида унга кучли қуёш нурлари урилди. Иссиқлик ҳам чидаб бўлмас даражада эди. Жамил қоронғиликка шунчалик ўрганиб қолгандики, ҳамма ёқ ёруғ ва ҷароғонлигидан ҳайратда қолди. Унинг боши айланиб, кўзлари қамашганидан юмиб, дам олишига тўғри келди.

Бола қаттиқ терлай бошлади. Унинг пешонасидан мунчоқдай терлар сизиб чиқиб, бутун баданини тер босди. Бошини кўтаришга уриниб кўрди, лекин унинг кўзлари жуда ҳам ёрқин қуёшга тушди. Ўсимликлар ҳар хил бўлиб, ҳаво бошқача эди. Кўзлари қуёшда кўрмай қолганидан фақат унинг бурни тўғри ишларди. Янги муҳитга мослашиш учун бор кучи билан нафас олаётганига бурнидан ўтган нарса ўпкасига жуда оғир туюлди.

Бир неча кун ва ҳафталар давомида дам олиб, сайр қилган Жамил ўзини чорраҳада кўрди. У ерда қайси

томонга бурилишни билмай, уч кун турди. Ниҳоят, бир киши пайдо бўлиб деди:

– Агар сиз Бургутлар шаҳарчасига боришни истасангиз, чапга бурилинг. У ер жуда қизиқарли жой, аммо узоқ. Агар Фаришталар шаҳарчасига боришни хоҳласангиз, ўнгга қайрилинг. Бироқ сизга ўхшаган ёш йигитга у ерга боришни маслаҳат бермаган бўлардим. Агар сиз Мотамсаролар юртига боришни истасангиз, тўғрига юринг, дарёдан ўтинг ва ўнгга бурилинг.

Жамил Мотамсаролар юртига боришни танлади.

– Мен бобом келган жойга борадиган йўлда турганимдан хурсандман, – деди ва у одамга миннатдорлик билдириди.

* * *

Мотамсаролар юртига яқинлашганида биринчи бўлиб учраган киши кекса одам бўлди. Унда узун оппоқ арқон бор эди ва кичкина кепка кийганди. Чолнинг мўйлови ва соқоли кулранг эди.

– Сиз Жамил бўлсангиз керак, – деди эркак, унинг кекса, аммо силлиқ юзида хурмат ва ҳайрат бор эди.

– Ҳа, менман! – ҳайратланиб жавоб берди Жамил.

– Биз нима қилганингиз ҳақида эшитдик ва бу ердан ўтиб кетасиз, деб умид қилгандик. – У бироз тўхтаб, жилмайиб қўйди. – Махлуқ ўлди ва оролда ҳаёт нормал ҳолатга қайтмоқда. Ҳамма сиз билан фаҳрланяпти.

Махлуқнинг ўлгани ҳақидаги хабар уни хурсанд қилди, лекин ҳали ҳам ишона олмади.

– Одамлар энди махлуқдан қўрқмасдан кундалик ҳаётларини давом эттира олишяптими?

– Жамил, махлуқ ўлди! Денгиздан кесиб ўтганингиздан кейин у ўлди. Жасади денгизда одамлар уни судраб олиб чиққунларига қадар сузиб юрди. Унинг ўлиқ танаси қирғоқда чириди. Аҳоли суюкларини йиғиб, қаергадир яшириб қўйди, – деб изоҳ берди чол.

Жамил нима дейишини билмай қолди.

Кекса одам давом этди:

- Мен у ерда бўлган одамлар билан учрашдим. Уларнинг айтишича, ҳамма сизнинг йиртқич ҳайвонни алдаганингизни билади, аммо ҳеч ким буни қандай қилганингизни билмайди, шекилли. Баъзилар ихтиро қилган нарсангиз билан осмонда баланд учиб ўтганингизни гапиришса, бошқалар эса денгиздан чукур сузиб ўтганингизни айтишяпти.

Жамил фақат кула олди, холос.

- Сизнинг бу ердан ўтишни танлаганингиздан фахрланаман! Ички туйғунгиз сизни тўғри йўлга бошлади ва мен сизнинг ҳикояларингизни эшитишни чиндан ҳам кутгандим.

Улар бир қишлоққа етгунча бирга гаплашиб кетишиди. Қишлоқда ҳамма Баба деб чақирадиган бу кекса одам Жамилга уйидан хона ажратиб берди.

- Биламан, сиз бу ерда узоқ вақт қолмайсиз, – деди Баба бир неча кундан кейин. – Сизни келажак кутмоқда ва мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, биздан сабоқ олишингизни истардим. Бизда “Билимсизлик – вақтни исроф қилиш”, дейишади. Ўрганган нарсаларингиз келажакда сизга ёрдам бериши мумкин. Сиз бу ерга маҳлуқ билан олишувдан сўнг келганингиз тасодиф эмас. Ҳаётдаги ҳамма нарса бесабаб бўлмайди. Мен нимани ният қилганингизни билмайман, лекин бу ерда узоқ вақт қолмаслигингиз аён.

- Тўғри айтасиз, Баба, мен шунчаки ўтиб кетяпман. Келгусида нима қилиш кераклигини ҳали ҳал қилмаган эдим, чунки ҳеч қачон ҳайвонни алдаб ўлдираман, деб ўйламаганман. Лекин ҳар доим олтин калитнинг иккинчи ярмини топиб, оролга қайтариб беришни орзу қиласдим.

- Қандай ажойиб ғоя! Калит Пашия қироллигида, қирол Сашанинг хазинасида. Сиз ҳали ёшсиз, олдинда бутун ҳаёт турибди – саргузаштлар ҳаёти! У сизни

олиб борадиган саёҳатдан завқланинг. Бу энг муҳим нарса ҳисобланади. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, махлук билан учрашганда қилганингиздек. Қийин вазиятда тез фикрлашни ўрганинг. Ҳаёт тўғри йўлдан иборат эмас. Сиз кўплаб бурилишларни бошдан кечирасиз...

Жамил жавоб бермади. У ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Нималарни бошдан кечираётганини ўзига тушунтириб беролмасди. Бутун вужудида ғалати ҳис бор эди. Чол бу ўзгаришни пайқаб, ундан дам олишини сўради. Жамил тушунарсиз хавотирга тушди. У буни чарчоқقا ва мўлжалини йўқотганига йўйди. Фикрини жамлай олмади ва вақт ўтиши билан унинг ичидаги нимадир танаси аъзоларини бирин-кетин секинлаштираётганини сезди. Унинг қовоқлари оғирлашди. Боши айланиб, нафас олиши қийинлашди. Йигитчага атрофдаги бирон нарса билан боғланиш қийин кечди. Барча бўғимлари оғриб, қаттиқлашди. Ичидаги атрофида ҳеч нарса ишламаётгандай туюлди. У нима бўлаётганини тушунишга уринди.

Дастлаб Жамилда махлук уни заҳарли сўлаги билан заҳарлаган ва бу танаси бўйлаб энди таъсир қиляпти, деган ғалати тасаввур уйғонди. Лекин махлукнинг ўлганини ва оролда ҳаёт нормал ҳолатга келганини эслаб, бунинг учун ўз ҳаётимни қурбон қилишдан мамнунман, деган хулосага келди.

Жамил илгари ҳеч қачон бундай нарсани сезмаган эди ва ўзидан сўради:

– Нега энди? Нега олдинроқ эмас?

Касалликнинг кейинги босқичи жуда кўрқинчли эди. У ҳамма ёғи совуқ қотганини ҳис қилди ва титрай бошлади. Бу вақтга келиб, Жамил махлук қасос олганига кўникуди. У оғриқдан ерда чўзилиб ётарди. Кўзига тушунарсиз ҳар хил нарсалар кўрина бошлади: вулқон отилиб чиқаётгани, ҳамма жойда ёнғин бўлаётгани, тошқинлар, ер силкинишлари, бақириқ ва қичқириқлар... Махлук уни таъқиб қилган ва ушлаб олган саҳна энг

ёркени эди. Йиртқич чангаллаб турганини сезганида бадани қаттиқ титрай бошлади, тишлари такиллаб, бор овози билан қичқирди:

– Бўлди, махлук, етади! Нима учун мени жазолаяпсан? Мени ўлдир ва е! Нега менинг азоб чекаётганимни кўриб завқланяпсан?

Қандайдир бир тарзда у йиртқич ҳайвоннинг жавобини эшигандай бўлди:

– Сен ҳам менга ўлишдан олдин узоқ вақт азоб чектиридинг. Энди сен ҳам секин ва оғриқли ўлимга лойиқсан. Сени шунчаки ўлдириб, сенга илтифот кўрсатмайман. Йўқ, мен сенинг азобланишингга ишонч ҳосил қиласман. Менга азоб чекаётган қалбнинг изтироб ва фарёдларини эшитиш ёқади. Сен етарлича азоб чекканингдан кўнглим тўлганида сени аста ямлаб ютаман. Мен шошилмайман. Сен жасурман, деб ўйлайсанми? Сен қутулиб қолдим, деяпсанми? Сен мени орқага қараб қутқаришинг мумкин эди, аммо бундай қилмадинг. Ўзингни жуда ақлли, деб ўйлайсанми? Сен бу махлукнинг кўп ҳаёти борлигини билмадингми? Ҳа, фақат биттасини олдинг. Сени ушлаш учун вақт керак бўлди, чунки мен сенинг ғалаба қозондим, деб ўйлашингни хоҳладим. Энди навбат менини! Қасос ёқимли, мен бундан завқланяпман.

Жамил қаттиқ титрашда давом этди. У кучли терлай бошлади. Ҳеч нарсани сезмайдиган ярим беҳуш ҳолатга тушиб қолди. Бироз вақт ўтгач, уйғонганида оғриқенгиллашганини англади. Танасининг титраши тўхтаганди. Йигитча энди терламас, лекин жуда заиф эди.

– Ҳаммаси яхшими? – у Бабанинг овозини эшилди. Жамил жавоб беролмади, аммо бошини чайқади. Бир неча дақиқадан сўнг зўриқиб деди:

– Мен касалман ва ўляпман! Махлук мени аста ўлдирмоқда.

Баба пешонасини ушлаб, унинг кўзлари ва тилига диққат билан қаради. Сўнг кулиб юборди.

- Бу махлуқ әмас! Сизни ҳашарот чақиб олган. Ҳозир оғриқни дарров енгиллаштирадиган битта дори бераман. Бу махлуқ әмас, чивин!

Жамил қулоқларига ишонолмасди. У ўзини яхши ҳис қиласа-да, нимагадир махлуқ қийноқларни истаган дақиқада давом эттиради, деб ўйларди.

- Қандай қилиб битта ҳашарот чақиши бундай кучли таъсирга эга бўлиши мумкин?

Чол унга дори бериб, камида уч кун жойида ётишини айтди.

- Аслида сиз татаси шохини чайнаб, сувини истеъмол қилишингиз керак эди. Бу сизни даволаган бўларди.

* * *

- Нега бу ер Мотамсаролар юрти деб номланган? - Жамил бир неча кундан сўнг касалликдан фориғ бўлгач, сўради.

Баба Жамилга қаради ва хотиржам овоз билан тушунтириди:

- Аввало, биз дунёдаги энг катта қабристонга эгамиз. Жуда кўп урушлар, ўлимлар ва вайронагарчиликларнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда доимо ўлимни кузатамиз, чунки у ҳамиша мавжуд. Бизга энг яқин бўлган нарса - бу ўлим. "Ҳар бир қадамимиз қабрга олиб боради", деган нақл бор. Ҳаётни тушуниш учун биз ўлимдан бошлаймиз. Ҳар сафар нафас олиб чиқарганимизда аслида бизнинг ўлим соатимиз айланяпти. Мен ҳаётда жуда кўп нарсаларни кўрганман. Яхши саломатлик берилганидан хурсандман, хотиржамлигимдан, беҳаловат эмаслигимдан баҳтлиман. Ва мен имкониятларимдан ташқарида бўлган нарсалар борлигини қабул қилишни ўргандим. Ҳозир ҳамма нарсадан миннатдорман, ҳали ҳам буни тушунмасам-да, ўлимдан кўрқмайман. Худо мен билан, чунки биз ҳаммамиз Унга қайтамиз.

Жамил ҳаётдаги муҳим орзусини шубҳа остига қўяётган эди. Калитни олиш учун у Пашияга қадар

боришга қатъий қарор қилган бўлса-да, нега тўсатдан оролга қайтиш истаги пайдо бўлганини тушунтириб беролмасди. Кўп ўтмай, уйга қайтиб бориб, бобоси, бувиси ва бутун оролга қандай қилиб маҳлуқни ўлдирганини айтиб беришни ҳамда ўз диёрида йиртқичдан хавфсирамай яшашни хоҳлаётганини тушунди. Йигитча, айниқса, Баширга “Мен сендан олдин маҳлуқни ўлдирдим”, деб мақтамоқчи эди. У қаҳрамонларча кутиб олинишини орзу қиласди.

– У ерда сенга нима бор? Сенинг орзунг дунё бўйлаб саёҳат қилиш ва калитни олиш эди, шундай экан, йўлда давом эт. Сен оролинг олдидаги бурчингни бажардинг. Уйга қайтиб, ҳеч нарсага эриша олмайсан. Дунё ўрганиш ва англаш учун сеникидир, – деди унинг ички овози.

Бундан ташқари, Жамил ҳанузгача маҳлуқдан кўрқарди. У оролга қайтиб борса, маҳлуқ ҳам ҳаётга қайтишини ҳис этди. Шунингдек, кейинги жангларда йиртқичга қарши ҳеч қандай имкониятга эга бўлмасликдан чўчиди.

Жамил Пашия қироллигига кетишга тайёрлигини Бабага билдириди. Чол узоқ вақт индамай туриб, сўнг маслаҳат берди:

– Ҳозир сизнинг ҳаётингиз саргузашт ва қийинчиликларга тўла бўлар, эҳтимол. Биз вақти-вақти билан тентираймиз ва адашамиз. Бу нормал ҳолат. Одам сифатида қаердалигимизни ва қаерга бормоқчилигимизни билмай, кимсасиз жойларда йўқолиб ҳам қолишимиз мумкин. Бу аслида ҳаётнинг осон қисми. Энг қийини – тўғри йўлни топиш. Сиз уйдан узоқдасиз, аммо ажойиб ишни бажаряпсиз. Пашия қироллиги сизнинг мўлжалингиз бўлса-да, саёҳат – синов ва мукофотdir. Бундан баҳра олинг. Албатта, бу осон бўлмайди, лекин саргузашт шунга арзийди.

Таваккалчининг ҳаёти муаммо ва қийинчиликларга тўла бўлади, шунинг учун уларни табассум билан қарши олинг. Чиройли табассум сизга ҳар қандай кураш ва

қийинчиликларда ёрдам беради. Бу муваффақият учун восита. Ҳаётдаги ҳар бир дақиқадан завқ олишга ҳаракат қилинг. Ўз ҳаётингизнинг қадрига етинг. Ҳаёт – бу саёҳат ва аксарият саёҳатлардаги сингари унда азобу қийинчиликлардан қочиб бўлмайди. Кўп ҳолларда ишлар режалаштирилганидек кетмайди. Саёҳатларингизда қийинчилик ва изтироблар саргузаштнинг бир қисми эканини унутманг. Қаерда бўлишингиздан қатъий назар, хоҳ чўққида, хоҳ дарёда ёки чўлда, қаерда бўлсангиз ҳам, у ерда бўлишингизнинг сабаби бор. Шунинг учун фурсаддан фойдаланиб, завқланиб қолинг, чунки эртага у ерда бўлмаслигингиз мумкин. Шуни ёдда тутинг, ғалаба нафақат эришган нарсангиз, балки, қутулиб қолганингиз ҳамdir!

Сизга ҳеч қачон кўрмаган жойларингизда ажойиб саёҳат қилишни тилайман. Йўлингизда яхши одамлар учрашига умид билдираман ва дуо қиласман. Саёҳат ҳаётингизда катта аҳамиятга эга бўлишига, ўзлигингизни таниш ва топишингизга ишонаман.

Умид қиласманки, сиз бу ерда бўлганингиздан мамнун бўлдингиз ва орттирган тажрибангиз ҳаётда қидирган нарсангизни топишингизга ёрдам беради. Ва ниҳоят, маҳлуқни унутинг. Ҳаётда янада ёқимлироқ нарсаларга тайёр бўлинг!

САККИЗИНЧИ БОБ Аёллар етакчи бўлган жой

“Кўрқувга эмас, балки қаерга бориши хоҳлаётганингизга эътибор қаратинг. Агар қўрқсангиз, ҳеч қачон ҳеч нарса қила олмайсиз”.

Эрталаб тонг отганида Бабанинг сўзлари унинг кулоқларида янгради. Жамил йўлда нима содир бўлса ҳам, доимо Пашия қироллигига қараб интилишни ва йўлдан чалғимасликка ҳаракат қилишни ўйлади.

Бу қиролликка кириш учун Жамилнинг иккита йўли бор эди: ё шимолга боради ва у ердан чўлни кесиб ўтади, ё жанубга – Орлония портига боради ва ғарбга кетадиган кемага чиқади. У иккинчисини танлади.

Йигитча Орлониянинг балиқ овлаш портига келганида кеч кирганди. Унинг ички сезгиси бу ерда қолиш осон эмаслигини айтарди. Биринчи учраган одамлар очиқ юзли эмасди. Унга шубҳа билан қарашарди. Жамилнинг бўйи Орлониядаги ўрта бўйли ўспиринлардан баланд эди. У дўстлар орттиришга ҳаракат қилди, аммо ҳеч ким эътибор қилмади. Шаҳар бўйлаб айланиб юриб, порт дарвозаси олдига борди ва у ерда узоқ навбатни кўриб, бунинг нима эканини сўради.

– Агар сен бу ерда ишлашни истасанг, шу навбатга қўшилишинг керак, – деди кимдир унга. Бошқа борадиган жойи йўқ бўлган Жамил унга қўшилиб, жимгина ўтирди.

– Бу ерда ҳаёт оғир, – деди унинг олдидаги йигит.

– Нима демоқчисиз? – сўради Жамил.

– Иш топиш қийин. Ҳар бир бола шу кунларда кемада бўлишни хоҳрайди ва денгизга кўп кема чиқмаяпти. Бу ерда бир неча кундан бери иш изладим, аммо топилмади.

Жамил жавоб бермади.

Тонгда йигитча навбатнинг жуда секин ҳаракатланишини пайқади.

– Бугун ҳам шундай бўлди. Улар жуда оз сонли одамларни олиб кетишиди, – деди унинг олдидаги йигит.

– Доим шундайми? Ҳар куни жуда кам одам оладими?

– Ҳа! Ҳар қандай хавф-хатарларга қарамай, кемада ишлаш учун жуда омадли бўлиш керак.

– Қандай хавфлар?

– Денгизга чиқиш ҳар доим хавфли. Биз кемаларнинг қайтиб келмасликлари ҳақидаги воқеаларни эшитганмиз. Кўпинча улар денгизда тўнтарилиб кетади. Айримлари муаммога дуч келади. Баъзида жанжаллар бўлиб, кучсизлари сувга ташланади. Кўп капитанлар жуда шафқатсиз бўлади, улар қоидабузарларни денгизга улоқтириш орқали жазолайди. Муаммолари кўп бўлсада, аммо бу ягона иш.

Жамил унга Пашия қироллигига бориш орзусини айтиш ёки айтмаслик ҳақида ишончи комил эмас эди. У буни ичидан сақлашга қарор қилди. Бу боладан бошқа ҳеч ким у билан очиқ гаплашмаётганини пайқади.

– Сизнингча, навбатнинг бошига етиб боргунча неча кун кетади?

– Тўрт-беш кун.

Жамил яна тўрт кун навбатда турди. Бешинчи куни капитан саҳарда кема учун болаларни танлаб олди.

– Ҳой, новча бўйли бола! – деди капитан Жамилга ишора қилиб. – Сен менда балиқчи бўлиб ишлайсан. Орқамдан юр!

Жамил, ниҳоят, ишга кирганидан жуда хурсанд бўлди. У итоаткорлик билан капитаннинг орқасидан Бермуд номли кемага борди.

– Бу Пашия қироллиги томон борадими?

– Нега сўрадинг?

– Мен келажакда у ерга боришни хоҳлайман.

– Ҳеч қандай муаммо йўқ. Биз тонгда сузиб, күёш ботганда қайтиб келамиз. Тахминан бир ойдан кейин

ғарбга олиб борадиган бошқа кемага ўтасан, ундан Пашияга йўл оладиган яна бошқа кемага чиқишинг мумкин, – деди капитан.

Жамил балиқ овлайдиган кемада ишлашидан мамнун бўлиб, саргузаштни сабрсизлик билан кутди. У капитаннинг айтганларига ишонди ва ўша кундан Пашия қироллигига жўнаб кетиш кунларини ҳисоблашни бошлади. Йигитча кунда тонг отганда уйғониш ва денгизга сузуб кетишдан мамнун эди. Жамил тонгги шабада ва денгиз ҳидини яхши кўрарди. Баъзан эса уйини соғинарди, чунки денгиз Татаси оролини эсига соларди. У йиртқич ҳайвон билан содир бўлган ҳодисадан шикастланган бўлса ҳам, денгиздан кўрқмади. Бунинг ўрнига уни яхши кўриб қолди. Денгизда бўлганида у ҳеч қачон бу маҳлукни кўрмади.

Иш бошлаганидан роппа-роса ўттиз кун ўтгач, Жамил ғарб томонга сузуб борадиган каттароқ кемага кўчирилишини сўради. Унга сабрли бўлиш кераклигини айтишди. Йигитча тағин бир ой кутди ва унга ғарбий томонга сузадиган кемадан фойдаланиш мумкин бўлган, катта молиявий мукофотларни тақдим этадиган шартномани имзолашни таклиф қилишди. Жамил ҳеч нарсани ўйламади ва ҳеч нарсадан шубҳа қилмади. У бунга имзо чекди, чунки ҳамма шундай қилишини айтишди.

Вақт ўтиши билан йигитча ўзининг алданганини ва ихтиёрий равишда кемада камида бир йил ишчи сифатида ишлаш учун имзо чекканини англаб етди. У молиявий ютуқларни фақат кемада бир йил ишлаганидан сўнг талаб қилиши мумкин эди. Жамил нима учун алданганини тушунмади ва қисман бунда ўзини айбдор ҳисоблади. Қочиш ҳақида ҳеч гап бўлиши мумкин эмасди. Агар у Орлониядан қочмоқчи бўлса, қаттиқ жазога тортиларди. Жамил дарҳол шикоят қилди ва у камида бир йил очиқ денгизда сузган “Тақдир” деб номланган

бошқа кемага ўтказилди. "Бу – қамоқнинг бир тури. Озодликни хоҳласанг, денгизга сакрашинг мумкин".

Эртаси куни Жамил "Тақдир"га ўтди ва порт билан қўл силтаб хайрлаши. Қолганлар каби "Бир йилдан сўнг қўришамиз", деб қичқирди. У хурсанд эмас эди. Аммо буни яшириш учун кўлидан келганича ҳаракат қилди, чунки кимки норозилик кўрсатса, кемадан улоқтирилишини айтишди. Ҳамкасларидан одамларни ташлаб юборишгани ҳақида эшитганди.

Кема сузуб кетганида орзусини денгизга чўктирадиган бундай йўлни танлагани учун Жамилнинг ўзининг устидан қулишдан бошқа имкони қолмаганди. У ўз оролини ва одамларни озод қилганидан ғурурланарди, лекин бу ерда балиқ овлаш кемасида қул эди! Аммо йигитча ўзига ачинмади. Бобоси ва Бабанинг сўzlари уни юпатди. Имкондан ташқари нарсалар борлигини қабул қила бошлади. "Агар Пашияга бориш тақдиримда бўлса, у ерга бораман", деди у ўзига ўзи. Бу ҳаётдаги зарбалардан бири эди.

Йўлга чиққанининг учинчи ойи ўтгач, Жамил бир куни эрталаб уйқудан жуда кўнгли ғаш бўлиб уйғонди. Бунинг сабабини айтольмасди. Узоқдаги булуларнинг қўриниши йигитчада илгари ҳеч кўрилмаган қўркувни уйғотди.

– Ҳов анави булуларга қара! Улар менга ёқмаяпти, – деди Жамил бошқа денгизчига.

– Ҳаммаси жойида, хавотирланма! Биз бундан ҳам хавфли булуларни кўрганмиз ва тирик қолганмиз.

– Менда ғалати туйғу бор...

– Ҳеч ким сенинг ҳис-туйғуларинг билан қизиқмайди, хўпми?! – денгизчи унинг гапини бўлди.

– Майли, – деди Жамил булуларга қараб.

Булулар орасида даҳшатли нарса бор эди ва қаҳрамонимиз ҳар сафар осмонга қараганида жуда безовталанарди. Унинг асабийлашаётгани очиқ қўриниб турарди. Шунда унга дангал айтишди:

– Денгизда бўлганингда Худонинг қўлидасан. Демак, фақат дуо қил!

Бироздан сўнг “Тақдир” бир неча соатлаб давом этадиган момақалдироқ таъсирига тушиб қолди. Гўё жаҳулдор булатлар кема билан сузиб кетишга қарор қилишгандек эди. Кема у ёқдан бу ёқса чайқаларди ва улар чўкиб кетамиз, деб қўрқишиди.

Момақалдироқ тўхтаганида капитан кема шикастланганини ва уни портга қайтариш учун шамол ҳамда механик кучга таянишдан бошқа чора йўқлигини айтди. Бу орада кучли шамол кемани бошқа томонга сурib кетди. Момақалдироқдан беш кун ўтгач, кема Фиккиланд номли жойдаги портга сузиб борди. Жамилнинг қувончи чексиз эди, аммо бу қисқа вақт давом этди. Чунки капитан уларнинг барчаси халқаро қонунларни бузганлик учун йиллаб қамоқда қолиб кетишга тайёр бўлишлари кераклигини айтди.

– Бу ерда жуда оз сонли кемалар қўйиб юборилган. Чунки аёллар ўз худудларига адашиб кирган ҳар қандай кема жосуслик қилиш учун келган, деб ўйлашади.

Жамил палубадан жой топиб, ғамга ботган ва тушкун ҳолатда ўтирарди. “Бу адолатдан эмас! Бу мен қўрқсан нарсалардан бири эди, энди ўз мақсадимга етолмайман. Мана, ҳеч қачон эшитмаган қамоқҳонамга тушяпман ва ҳатто қанча муддатга эканини ҳам билмайман. Бу адолатдан эмас!”

Йигитча ўйга чўмиб ўтираркан, башанг кийим кийган аёл офицерлар кемага чиқишиди ва экипажнинг барча аъзоларини ҳибсга олишди. Жамилнинг қўлларига кишан солиб, Вирва исмли офицер сўроқ қилиш учун олиб кетди. Унинг кўкрагида исми ёзилган нишони бор эди. Аёл уни хонада қолдириб, бир оғиз ҳам гапирмасдан чиқиб кетди. Деворда Жамил қиролича Сара ва малика Заранинг суратларини кўрди.

Тахминан бир соатдан кейин Вирва ичкарига кирди.

– Испинг нима? – мулоийим оҳангда сўради у.

- Жамил.
 - Ёшинг нечада?
 - Мен ўн етти ёшдаман.
 - Ҳозирги кунда ҳамма Жамил! Нима учун Жамил жосус бўлиб ишлайди?
 - Мен жосус эмасман.
 - Хўш, қаердансан?
 - Татаси оролидан.
 - Бу ҳазил қиласиган ёки қуладиган жой эмас, хўпми?
- Татаси оролидаги Жамил ҳақида ҳамма эшигтан. Мен жингалак сочинг, бўйинг ва кўринишинг Орлониядан эмаслигингни билдириб тургани учун сўраяпман.
- Мен асли Татасиданман, аммо Орлонияда кемада ишлаганман.

– Разведка маълумотларига кўра, сизлар Фиккиланд қонуний ҳукуматига ҳужум қилиш учун юборилган ёлланма жосусларсиз.

- Мен бирон фитна ҳақида ҳеч нарса билмайман. Шунчаки кемада тирикчилик учун ишлайдиган оддий одамман. Мен Пашия қироллигига кетаётган эдим.
- Аммо йиртқич ҳайвоннинг қотили Жамил оддий одам эмас. – У ўрнидан турди ва йигитчанинг жингалак соchlарига тегди. – Энди менга ростини айт, акс ҳолда сени гапиртирадиган қийноқлар хонасига юбораман.
- Мен рост гапиряпман.
- Капитанингизни ҳибсга олдик, чунки кема бортидан қуролу ўқ-дориларни топдик. Биз сизларнинг ҳужум қилмоқчилигингиздан гумон қиляпмиз.
- Мен аниқ ҳеч қандай режага алоқадор эмасман.
- Капитанингиз жосуслик бўйича айбдорлигини тан олди. Ким айбдор деб топилса, камида ўн йил қамоқ жазосини ўтайди ёки отишга ҳукм қилинади. Танлов ихтиёри ўзингда, – деди Вирва қатъият билан.

Отиш ҳақида айтилганида Жамилнинг ҳуши бошидан учди.

– Агар сен йиртқич ҳайвонни алдаган Жамил бўлсанг, кемага қандай тушиб қолдинг?

Йигитча аёлга нима бўлганини батафсил айтиб берди. Вирва унга тикилиб қолди.

– Кўрамиз, бошлиғим жингалак сочли чиройли бола ҳақида нима деркан, – деди ва хонадан чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган Жамил кўзларини юмди ва ўзининг айбисизлигини айтса ҳам, бир гуруҳ аёллар уни устунга боғлаб қўйганини тасаввур қилди. У қўрқиб кетди.

Тахминан ярим соат ўтгач, эшик очилди ва Вирва яна бир офицер билан бирга келди. У Жамилга бир неча дақиқа тикилиб қараб турди, сўнг деди:

– Қиролича жаноби олиялари, яъни Фиккиланд маликаси Зара сени меҳмонга чақиряпти. Мен сенинг ҳикоянгга ишонаман ва энди сен эркин одамсан.

– Сиз мени озодсан, демоқчимисиз?

– Сен нафақат озодсан, балки малика Заранинг меҳмонисан! Тез орада кимдир келиб, сени саройга олиб боради. Фиккиландга хуш келибсан!

Жамил бундай кескин ўзгаришларни тушунолмади. У эшитган нарсаси ҳақиқатми-йўқми, деб ҳайрон бўлди. Лекин Вирва унга кулиб қараб туардиди, шунинг учун кўпроқ маълумот олиш учун йигитча ўзида жасорат топди.

– Фиккиланд қандай жой ўзи? – деб сўради у.

– Сен аввал ҳеч ҳам эшитмаганман, демоқчимисан? Фикки қизлар ёки аёллар деган маънони англатади. Бу ерда аёллар ҳукмронлик қилишади.

– Мен тушунмадим.

– Бу ерда эркаклар сиёсий лавозимларни эгаллай олмайдилар. Улар ер ва катта мулкка эгалик қилолмайдилар. Бу қонунга зид. Эркакларга жуда ҳам чекланган билим берилади, чунки кўп вақтларини фермада ёки уйда ишлаб ўтказадилар. Шунинг учун уларга таълим беришнинг ҳожати йўқ. Қуролли кучларга ҳам жуда кам сонли эркаклар киришади ва умуман олганда, улар бу ерда иккинчи сорт одамлар кабидир. Эркаклар алоҳида кварталларда яшашади.

– Тушундим, раҳмат!

– Тинчлан, Жамил! Сенга бундай муносабатда бўлишмайди. Сен бошқасан. Малика Зара сенга имтиёз тақдим қиласди.

Эртаси куни эрталаб Жамил кенг, бекаму кўст тартибланган ва қуёш нурига чўмган хонада уйғонди. Хона океанга қараган саройда жойлашган эди. Кеча уни ўша ерга олиб келишганида чарчаганидан ҳеч нарсага эътибор бермаганди. У душ қабул қиласди ва сарой ёрдамчилари томонидан берилган янги кийимларни кийди. Нонушта қилганидан кейин унга:

– Малика Зара сизни тушда кўрмоқчи, – дейишиди.

Хонасида кутиб ўтиаркан, Жамил ишончсизликдан бош чайқади. “Бу қандай ҳаёт?!“ деб ўйлади у ҳайратланиб. Гарчи энди эркин одам бўлса-да, Жамилга Фиккиландда ёқмаган бир нарса бор эди. У фикр қилиш учун шу ўлка ва унинг аҳолиси ҳақида жуда кам маълумотга эга эди. Тўғри, бу ерда жуда яхши шароитга эришди, аммо уни безовта қиладиган нимадир йўқ эмасди.

Тушда Жамилни сарой аъёнлари олиб кетишиди.

– Фиккиландга хуш келибсиз, менинг қаҳрамоним, буюк Жамил! – деди малика Зара майнин овоз билан ва унга яқинлашди. Маликанинг бўйи йигитчанинг елкасидан келарди. Унинг димогига хушбўй атирнинг ҳиди урилди.

Жамил малика билан қандай саломлашишни билмасди. У таъзим қиласди, лекин малика деди:

– Сиз бундай қилишингиз шарт эмас. Сиз менинг қаҳрамонимсиз! Мен йиртқич ҳайвонни ўлдирган бола – Жамилнинг олдида турганимга ишона олмайман. – У бироз танаффусдан сўнг сўзида давом этди. – Қандай жарангдор овозингиз бор экан! Бу кенг елкалар ва ажойиб жингалак соchlарга қарапнг!

– Барчаси учун сизга катта раҳмат айтмоқчиман, – деди Жамил.

– Арзимайди! Жоним билан! Мен сиз ва ғалабангиз ҳақида кўп эшитганман. Ҳамиша сиз каби мард ва ақлли одам билан учрашишни орзу қилганман. – Малика Зара уни столининг ёнидаги стулга ўтиришга ундаdi. – Умид қиласанки, сиз биз учун ҳамма оролингиз учун қилган ҳамма ишни қиласиз.

– Тушунмадим, – деди Жамил.

– Вақт ўтиши билан тушунасиз. Демак, сиз бу ерда узоқ вақт қоласиз.

– Жаноби олиялари, менимча, сиз Пашия қироллигига кетаётганимдан хабарингиз бўлмаса керак, – деб таъкидлади Жамил.

– Мен буни биламан! Онам қиролича айтганидек, биз ҳар доим ҳам мўлжаллаган жойимизга боравермаймиз. Йўл давомида бирон ерда тўхтаб қоламиз ва бაъзи ҳолларда бу жойлар янги мақсадга айланади. Тақдир шу ерга жойлашишингиз учун сизни бизнинг юртимизга олиб келди. Кўрасиз, сизга ўлкамиз ёқади. Бу ерда ҳамма нарса бор, яъни сиз учунгина ҳамма нарса мавжуд, демоқчиман. Сўрасангиз бўлди! – малика Зара таъкидлади.

Жамил эсанкираб қолди. У нима дейишини билмасди. Унга вазиятдан чиқиш қийин эди. Йигитчанинг қолиш таклифини қабул қилишдан бошқа чораси йўқ эди. “Нима ҳам қила олардим?!” деб ўзидан сўради у. Аммо Жамил масъулиятни дарҳол қабул қилмаган маъкул, деб ўйлади, чунки кейинчалик ҳолатни ўзгартириш қийин бўлади.

– Жаноби олиялари...

– Оддийроқ чақираверинг, мени малика Зара деб атанг!

– Малика Зара, таклифингиз учун раҳмат! Лекин мен сафарга кетяпман ва бу ерда керагидан ортиқ вақт қолишни хоҳламайман. У ерга борганимдан кейин қайтиб келишга ваъда бераман. Айни пайтда хаёлим Пашия қироллигидадир.

– Бу ерда дам олишга вақт ажратинг, сизга ёқади, – деди Зара. У чиройли ишланган ёғоч кутини олиб, Жамилга узатди. – Бу сиз учун!

– Раҳмат! Аммо бу нима?

– Уни очинг.

Жамил қутини эҳтиёткорлик билан очди.

– Бу билагузук, кўриб турганингиздек, қўлда тайёрланган, ўн иккита тумори бор. Ўтган йили ўн олти ёшга кирган кунимда онам – қиролича жаноби олиялари Сара менга совға қилган. Асл нусхаси қимматбаҳо тухумсимон тошлар билан безатилган ва дунёга намойиш этилади. Айтиш мумкинки, қадрланадиган ягона нусхадир. Мен онамдан унинг яна бир нусхасини сизга совға қилиш учун руҳсат сўрадим, чунки сиз менинг қаҳрамонимсиз!

– Раҳмат, лекин нега?

– Сиз жуда ўзгача одамсиз. Мен сизнинг мардлигингиздан ҳайратдаман. Йигирма каратли олтин билан қопланган бу гўзал билагузукка баҳо беришингизни сўрайман. Умид қиласманки, у сизга ёқади, чунки бу мен бера оладиган энг яхши совғадир.

– Мен уни нима қилишимни хоҳлайсиз? – сўради Жамил.

– Уни сақланг.

– Аммо менинг бундай нарсага эҳтиёжим йўқ.

Малика Зара жуда ғазабланди.

– Ҳеч бир олийжаноб эркак Фиккиланддаги қизнинг совғасини рад этмайди, чунки бу совға император хазинасидан алоҳида бир нишонадир. Бошқа ҳар қандай эркак уни тиз чўккан ҳолда икки қўли билан олган бўлар эди, сиз эса бунинг ҳатто қадрига ҳам етмаяпсиз.

– Аммо, жаноби олиялари, мен буни сўрамаганман ва бу учун келмаганман ҳам.

– Фиккиландда эркак киши аёлнинг совғасини рад этиши ҳақоратдир, – деди у жаҳл билан. – Бу энг ёмон ҳақорат!

– Узр сўрайман! Мен сизнинг урф-одатларингизни, маданиятингизни, нима яхши ва нима нотўғри эканини билмайман. Яна бир бор узр сўрайман.

– Нега биз билан қолиб, биз ҳақимизда күпроқ маълумотга эга бўлмайсиз?

– Аммо мен қолишни истамайман... – деди Жамил баланд овоз билан.

– Менга қулоқ солинг, Жамил! – деди малика унинг гапини шартта бўлиб. – Фиккиландда фақат аёлнинг овози эшигиди, хўпми?! Мен билан гаплашганда овозингизни баландлатманг. Бу ерда аёлга бақириш ёмон одат ва эсингизда бўлсин, мен Фиккиланддаги ягона маликаман.

– Кечирасиз! Аммо менинг орзум, мақсадим бор ва сафаримни давом эттироқчиман.

– Менинг ҳам орзум бор! Фиккиландда қизларнинг орзуси ўғил болаларнидан устун туради. Фақат жим бўлинг ва менинг кўрсатмаларимга бўйсунинг! – буюрди малика.

Жамил жим бўлди.

Ўша оқшом йигитча ётоғида уйқуга кетаркан, аниқ бир овозни эшитгандай бўлди:

– Сен орзунгга эришишни мақсад қилгансан. Қолиш ҳақидаги васвасаларга қаршилик кўрсат. Орзунгдан воз кечма! Бу жой сен учун эмас.

Жамил уйғонди. Бу кимнинг овози эканини билмасди. Унинг ички туйғуси Фиккиландда нимадир унга тўғри келмаслигини айтди. Муаммо эса бу ердан қандай қилиб кетиш эди. У ўзига қулай вақт келишини кутишга қарор қилди. Кечкурун малика Зара ўзини худди бир кун олдин ҳеч қандай тортишув бўлмагандек тутиб, уни эски шаҳарнинг марказига олиб борди. Улар стадионга яқинлашганда Жамил сўради:

– Малика Зара, нима бўляпти?

– Иккита эркак ўртасидаги жангни кўрамиз, – деди у ҳаяжонланиб.

– Дуэлми? Нима учун?

– Фиккиландда эркак қизга уйланмоқчи бўлса, аввал у бошқа эркак билан жанг қилиши керак.

– Мен тушунмаяпман.
– Агар эркак уйланмоқчи бўлса, у аввало кучи ва садоқатини азоб-уқубатлар, кўзёшлар ҳамда қон тўкишлар орқали исботлаши зарур.

– Ҳали ҳам тушунмаяпман.

– Биз қалбимиз учун курашадиган ва ғалаба қозона-диган одам бизга ҳаётда ҳар доим излаётган мукаммал баҳтни бера олишига ишонамиз, – деб тушунтириди Зара.

Жамил унинг сўзларининг маъносини англашга ҳаракат қилди. Фиккиландда кўп нарсалар унга тушунарсиз эди. Атрофидаги воқеа-ҳодисаларга мослашиш унга қийин кечарди. Унинг саройда дўстлари йўқ эди ва ёлғиз яшарди. Қироллик ложасига ўтиришганида Жамилга малика Заранинг орқасида ўтиришни маслаҳат беришди. Жамил яна қанча вақт бундай ёлғиз яшашини ўйларди.

– Бу жой мен учун эмас! – деди у ўзига ўзи.

Малика ўтириши билан стадионда олқишлиар янгради. У ер қофоз карнайлар, ҳуштаклар ва шохларни ушлаб турган ёш қизларга тўла эди.

– Бахтли қиз қаерда? – деган қичқириқлар янгради.

Ҳакам рингга кирди. Икки мушакдор эркак башанг кийинган бир қизни елкаларида кўтариб чиқишиди. Қиз қўлини силкитди. Уни қайтариб олиб кетишиди. Кейин иккини иккита қарама-қарши бурчакдан рингга чиқиб келишиди. Улар майдонга яқинлашишлари билан стадионда Жамилдан ташқари деярли ҳамма машҳур қўшиқни куйлади бошлади:

– Ҳаётинг жанги учун кураш,
Кучингни кўрсатиш учун кураш,
Ўз севгингни кўрсатиш учун кураш!
Жасурлигинг кўрсат дунёга,
Ғамхўрлигинг дунёга билдири,
Севганингни кўрсат оламга!
Севганинг учун қон тўй,

*Абадий севги учун қон түк,
Азоб – севгининг эгизаги...*

Бири қизил, иккинчиси күк рангли кийимда рақиблар рингнинг марказида туришарди. Иккала мушакдор эркак қызни яна елкаларида олиб чиқиб, намойиш қилишди. Таниширув тугаганидан сүнг эркаклардан бири:

– Бу қыз менинг ҳаётимдаги энг муҳим инсон! Мана бу одам уни фақат менинг жасадим устидан олиб кетиши мумкин.

Улкан олқышлар янгради.

– Мен бир неча дақиқадан сүнг сенинг жасадинг устидан бу қыз билан қўл ушлашиб ўтиб кетаман, – жавоб қилди рақиби.

Бонг урилди ва икки эркак гулдурос қарсаклар ҳамда шовқинлар остида жангни бошлашди.

Жамил бу эркакларнинг бир-бирини уришини ҳайрат билан томоша қилди. Малика Зара жуда ҳаяжонланаётган эди.

– Уни тишла! Энг оғриқли жойига теп! – деб бир неча бор бақирди у. – Уни ўлдир!

Қизил кийимли одам рақибига мушт туширганида малика қичқириб ўрнидан турди. Охир-оқибат күк рангли кийим кийган одам таслим бўлди. Бутун стадион шодликка тўлди.

Қиз яна рингга кўтарилди.

– Мен бугун дунёдаги энг баҳтли одамман! – деди голиб кўзлари ва оғзи қонга бўялган ҳолда.

Жамил кейин пушаймон бўлмаслик учун қочиш режасини пухталик билан шошилмасдан тузишга қарор қилди. У малика кетишга руҳсат бериши учун ишонарли баҳона топиш мақсадида ўзига бир ҳафта вақт берди. Аввал қилиб кўрмаган янги ғоясини топишга уринаётганида соқчи йигитчага малика Зара уни ҳовуз ёнида кутаётганини айтди. Жамил яна асабийлаша

бошлади. У малика Зара билан учрашув таранг ҳолатда ўтишини ва охир-оқибат улар яна тортишиб қолишини пайқади.

– Энди нима деса ҳам, мен имкон қадар хотиржамликни сақлайман. Вакт ўтиши билан бу ердан чиқиб кетиш йўлини топаман, – деб ўйлади у ҳовузга сарой ходими-нинг ортидан бораркан.

Малика Зара самимий деди:

– Менга сизни қўйиб юборишни маслаҳат беришди. Саёҳатингизни давом эттиришингиз мумкин. Сизнинг ушбу муҳитга мослаша олмаслигингиз ва бу ерда баҳтли эмаслигингиз ҳаммага кўриниб турибди. Дарҳақиқат, олдингизда ҳали жуда кўп ишлар бор, деб ўйлайман ва сизнинг йўлингизга тўсик бўлишни истамайман. Сизга бу ер ёқади ва яшашга тез мослашасиз, деб ўйлагандим, лекин сизни мажбурлай олмайман. Умид қиласманки, орзунгизни амалга оширганингизда бизни эслайсиз. Мен берган билагузук сизга бу жойни ва сизнинг бизга ёқишингизни эслатиб туради. Баъзилар менга ўн икки йилдан кейин қайтиб келишингизни айтишди. Ҳар бир зар тухум биздан узокда бўладиган йилингизни англатади. Сизни қўйиб юбораман ва ўн икки йил кутаман. Шунча йиллар ўтганидан кейин сиз билан яна учрашиш жуда ажойиб бўлади. Умид қиласманки, шу вақтгача сиз Пашия қироллигидағи орзуларингизни амалга оширасиз. Омад тилайман ва сизни хафа қилган бўлсан, мени кечиринг!

– Ҳечқиси йўқ, ҳазрати олиялари! – деди Жамил титроқ овоз билан. – Мен ҳаммаси учун жуда миннатдорман. Лекин бир нарсани муҳокама қилмоқчи эдим...

– Нима экан? – сўради малика.

– Билагузук... совға, – дудуқланди Жамил, – мен бундай қимматбаҳо совғани йўқотишни хоҳламайман, чунки ҳаёт менга саёҳат пайтида ҳамма нарса юз бериши мумкинлигини ўргатди.

– Тушундим, Жамил. Аммо мен уни қайтариб ололмайман. Уни сақланг! Агар йўқотсангиз, хафа бўлмай-

ман. Мен фақат ҳаётингизни янада рангдорроқ қилади-
ган бирон нарса беришни хоҳладим, холос.

– Тушунганингиз учун катта раҳмат!

– Сиз ҳар доим менинг қаҳрамоним бўлиб қоласиз.

ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ Фирибгарлар ўлкаси

– Сиз жасур одамсиз, – деди Жамилни саҳро четига кузатиб қўйган сарой соқчиси Нодир. У новча ва озғин эди. Жамил жавоб бермади. Йигитча бутун диққатини чўлни қандай босиб ўтишга қаратганди. Унда ҳеч қандай кўрқув йўқ эди. Мотамсаролар юртидан кетаётганидан фарқли ўлароқ, Жамил ҳозир ўзига қаттиқ ишонарди. Бошидан кечирган тажрибалари унга энг қийин йўл – чўл бўйлаб саёҳатни давом эттириш учун зарур бўлган ишончни берди. Нодир аввалги гапларини такрорлади. Бу сафар Жамил сўради:

- Нега бундай деяпсиз?
- Чунки бу энг хавфли йўллардан бири-да.
- Бу мен учун ягона йўл!
- Қайтасизми?
- Эҳтимол! Лекин саҳродан ўтишимга амин эмасман, шунинг учун қайтиб келишга ишончим комил эмас.
- Малика Зара сизни ўн икки йилдан кейин қайтиб келади, деб ўйлади.

Жамил жавоб бермади. Чегарагача жим кетишиди. Бироқ қаҳрамонимизнинг кўнглида қандайдир бошқача ҳис бор эди. У бирор нарсани орқада қолдираётганини ҳис қилмади. Йўқ, йўқотиш ҳисси йўқ эди. Аксинча, синовни сабрсизлик билан кутарди. Лекин барибир ҳаяжонлана бошлади.

– Шу ерда сизни тарқ қиласман. Воҳага пиёда узоқ эмас. Агар омадингиз бўлса, бугуннинг ўзида тух олиб, карвон билан сафарга чиқишингиз мумкин. Сиз жуда жасурсиз! Малика Зара ва унинг бойлигини ташлаб, бу

машаққатли йўлни танлаш катта жасоратни англатади. Майли, саёҳатингиз бехатар бўлсин. Оқ йўл! Орзуларингиз рўёбга чиқсан, – деди Нодир.

Жамил унга миннатдорлик билдириди ва хайрлашар экан, соқчи унга ўралган чарм сумка берди.

– Бу малика Зарадан! Унинг айтишича, унда пул ва олтин тангала бор.

– Илтимос, унга менинг номимдан раҳмат айтинг. У катта сахиийлик қилди.

– Айтаман, – деди Нодир Жамилга диққат билан тикилиб. У қора кўзойнагини ечиб, йигитчага узатди. – Кўлимдан келадиган ёрдамим шу! Кўзингизни қуёшдан ва кумдан асраш учун сизга керак бўлади.

– Катта раҳмат! – деди Жамил ва уни кучоқлади.

Сўнг воҳага қараб қумли йўлдан дадил юриб кетди. У ўзида йўқ хурсанд эди, чунки энди калитни олиш учун дастлабки мақсади йўлига қайтганини ҳис қилди.

Воҳада баланд бўйли хурмо дарахтлари остида Жамил ортиқча туяси бўлган ва йўлга чиқишга тайёр карвонни топди. У малика Зара берган пулдан туя нархини тўлаб, унга минди.

Саҳродаги сафар давом этгани сари Жамилнинг қувончи янада ошди. У ўзи хоҳлаган эркинликдан завқлана бошлади. Мақсади йўлида бўлиш ҳисси уни қувват билан тўлдирди. Дунё у биланлигини ва у дунё билан уйғунлашаётганини ҳис этди. Ниҳоят, Жамил туянинг устида, чанг ва қуёшдан ҳимоя қилиши учун салла кийган ҳолда Пашия томон кетарди. У жилмайиб кўйди, узоқ вақт мобайнида яна орзусига ишонишни бошлади.

Жамил чўлдан ўтиш учун карвон билан йигирма тўрт кеча ва кундуз бирга юрди.

– Эртага, Худо хоҳласа, биз Ден номли шаҳарчада бўламиз, – деди унга карвонбоши. – Бу Пашия қироллигидан ташқаридағи энг яқин шаҳар. Мен сизга у ерга кириб, бироз вақтингизни ўтказишингизни таклиф қиласман.

– Нега? – сўради Жамил.

– Аввало, сиз дам олишингиз керак. Пашия қироллигининг найрангларини Ден шахрида ўрганишингиз лозим. Қиролликда бўлганингизда сизда имконият бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, узоқ сафардан кейин дам олиш ҳар доим яхши, айниқса, саҳро бўйлаб биринчи саёҳатдан сўнг. Агар сиз чиндан ҳам калитни хоҳласангиз, унда курашиш усулларини Денда ўрганинг, – деб карвонбоши унга самимий маслаҳат берди. – Ден аҳолисининг феъли жуда оғир. Кечаси уларнинг олдига борманг. Ҳеч кимга ишонманг. Жуда узок турманг. Уларнинг айтганларига ҳеч қачон суюниб қолманг. Ҳамма табассум ҳам самимий эмас.

Жамил жуда чарчаган ҳолда туядан тушди. У пальмалар остидан эҳтиёткорлик билан юрди, кейин кўча савдогарлари билан гавжум йўлда давом этди. У бу ерни ёқтириди. Эҳтимол, бунга шовқин ёки одамларнинг эркин юриши ва сухбатлашиши сабаб бўлгандир. У ўзини уйидагидек ҳис қилди. Ниҳоят, бемалол айланиб юриш имконига эга бўлди. Кўплаб расталар билан тўлган каттароқ йўлда кезар экан, у тартибсизликлардан ҳайратга тушди. Кўча буюмлар билан гавжум эди ва савдогарлар бақириб, харидорлар учун рақобатлашардилар.

Гавжум кўчада юриб бораркан, Жамил ўн уч ёшли болакайнинг растанинг ичига кириб, кампирнинг ҳамёнини ўғирлаб олганини кўрди. Ўғри индамай кетиб қолди. Аёл бақириб ёрдам сўрай бошлади. У билан Жамилнинг кўзлари учрашди ва нимадир уни ҳаракат қилишга ундади. У иккиланиб ўтирамади. Болани қувиб етди ва уни ушлаб олди.

– Менга ҳамённи бер, – деди Жамил йўғон овози билан болакайнинг тепасида туриб.

– Бу сенинг ишинг эмас, – жавоб қилди у.

– Ўғрилик нотўғри!

– Аммо бу сенинг пулинг эмас.

Жамил бир зарб билан ҳамённи олиб, кампирга қайтариб берди.

– Каттакон раҳмат! Бу менинг бор-йўғим эди. Илтимос, ўтири, – деди ва унга бироз мева ейишни таклиф қилди. – Қаерликсан? Сен яқинда келдингми?

– Мен узоқ оролданман, ҳа, яқинда келдим.

– Буни англадим, чунки сен болани қувиб, ҳамённи қайтариб олдинг. Денда бундай нарсалар нотўғри ҳисобланмайди. Ўғирлик бу – ҳаётимизнинг бир қисмидир. Илтимос, кейинги сафар ўғрини урма.

– Нега?

– Улар сени зарап берганинг учун судга беришлари мумкин. Бу ерда ўғрилар жабрланувчиларга қараганда кўпроқ ҳуқуқларга эга. Бекорга бу ерни “Фиригарлар юрти” деб аташмайди.

Ўзини Ҳакури деб таништирган кампир Жамил ҳақида кўпроқ билишни хоҳлади.

– Мен бу ердан Пашия қироллигига олтин калитнинг иккинчи ярмини олишим мумкинлигини билиш учун ўтиб кетяпман. Калитни ўз жойи бўлган Татаси оролига қайтариб боришни хоҳлайман. Биламан, бу қийин, аммо ҳаракат қилишим керак.

– Қирол Саша ҳеч қачон калитни бермайди. Мени фикрингдан қайтаришга уриняпти, деб ўйлама, – деди у ва бироз жим бўлиб қолди. Сўнг овозининг оҳанги ўзгарди. – Умид қиласманки, сен калитни оласан. Бирон йўлинни топиб, уни енгасан. – Унинг овозида алам бор эди.

– Нега бундай деяпсиз?

– Бу шахсий сабаб. Сенга бир кун айтиб бераман. – Кампир йўл бўйидаги курси ортида турган одамга қўл силкитди. У келди. – Бу йигит қирол Сашадан олтин калитни олиш учун Пашиаполисга боришни хоҳлар экан.

У одамнинг оғзи очилиб қолди.

– Нима?! Қирол Сашадан олтин калитни... Сен ақлдан озган бўлсанг керак, – деди у худди ари чаққандай қичқириб. – Қирол Саша ҳеч қачон калитдан ажралмайди. – У Жамилга ғалати қараб қўйди. – Нега сен калитни истаяпсан?

– Мен Татаси оролиданман ва бу бизнинг мулкимиздир. Калит бизга, оролга тегишли.

– Тушунаман. У ҳолда сен тентак эмассан! Сенинг жиддий асосинг бор.

– Йўлда менга калитни олишни истаганларни қирол синовдан ўтказишини айтишиди.

– Тўғри ва у натижаларда найранг ишлатади, шунинг учун ҳеч ким синовлардан ўтмаган, – деди одам кулиб.

– Синовлар қандай?

– Ҳеч ким билмайди. Буни у қарор қилади. Синов кураш ёки отиш ё бирон-бир бошқа нарса бўлиши мумкин. Шунингдек, у ерга борганингда билиб оласанки, Сашани ҳайвонлар подшоҳи деб атashади, чунки унинг химералари бор. Улар маҳсус ҳайвонлар бўлиб, бу жониворлардан ўзига қарши чиққанларни ўлдириш учун фойдаланади. Бир марта у калитни олишни истаган кишини химера билан ўлдирган. Аммо ташвишланма, сен бунчалик узоққа бора олмайсан. – Коло, бу одамни шундай аташарди, Жамилга диққат билан қаради ва хулоса қилди. – Калитни ҳеч қаҷон қўлга киритолмайсан. Сен нимани хоҳлаётганини биладиган одамга ўхшамайсан. Мен сен кабилар қирол Сашани лақиллата олади, деб ўйламайман.

Бу гаплар Жамилнинг кўнглига оғир ботди, аммо буни билдирамади. Колонинг сўзлари қаҳрамонимиз учун катта зарба эди, лекин у жим бўлиб, фақат кузатиб, тинглади. Рўпарасидаги одам уни синовлар учун етарлича кучли эмаслигига ишонтиришга қанчалик кўп ҳаракат қилмаса, у шунчалик унинг ноҳақ эканини исботлашга қаттиқ қарор қилди. Аммо Жамил ўз фикрини очиқ айтиш тўғри эмаслигини биларди. У яқинда келганди ва гапиришдан олдин одамларни билиб олмоқчи эди.

– Сен ҳозир қилишинг мумкин бўлган ягона тўғри нарса бу – мен учун ишлашдир, – деди Коло. Сўнг “Жамил тўғри эшитдимикан?” деб унга қаради.

– Нима демоқчисиз? – сўради Жамил.

– Менинг дўконимга қараб тур. Мен кейинги ҳафта саёҳат қиласман ва дўконга қараб туриш учун кимдир керак бўлади. Ўғлим буни хоҳламайди. Эҳтимол, сен яхши бошқарувчи бўларсан.

Жамилга Колонинг гап оҳанги ва унга мурожаат қилиш услуби ёқмади, аммо тез иш чиққани учун ўзини миннатдордек кўрсатишга қарор қилди.

– Буни қабул қил, унга ишла. Агар сенга бирон ёрдам керак бўлса, мен шу ердаман. Бу сенга яхши бўлади, – Ҳакури маслаҳат берди.

– Бу мен йўқлигимда, бир неча ойга, холос, – деди Коло. – Мен қайтиб келганимда орзунинг ортидан қувишнинг кераги йўқлигини тушунасан. Пашиаполисга борганингдан кўра шу ерда қолганинг яхшироқ.

– Хўп, қабул қиласман, – деб рози бўлди Жамил ва иш бошлиш учун Колога эргашиб, йўлнинг нариги томонидаги дўконга йўл олди.

Унинг иши имкон борича эрта уйғониб, маҳсулотларни тартибга солиш, майдонни тоза сақлаш ва жилмайиш, йўловчиларни ундан харид қилишга чорлашдан иборат эди. Қисқа вақт ичida Жамил нархларни ёдлаб, сояда нима сақланишини ва қуёшда нима туриши мумкинлигини билиб олди. У мавсумий мевалар ва нархларнинг ўзгаришини биларди. Шунингдек, чинакам харидорлар ва вақтни бекорга олувчилар ўртасидаги фарқни ҳам айтиб бера оларди. Яна ҳақиқий ва қалбаки пулларни ажратарди. Унга қароқчилар ҳамда ўғрилар ҳужум қилган тақдирда пулларни дўконнинг турли жойларига яширишни ўргатишиди. Икки ҳафтадан сўнг Жамил дўконни бемалол бошқара бошлади. Кечқурун пул йиғиши учун Коло келарди ёки ўғли Ябони юборарди. Бу иш Жамил учун яхши бошланди ва муаммосиз давом этди. уни Колонинг оиласи жуда яхши боқарди ва йигитча дўконда ухларди. У Пашиаполис сафари учун пул йиғишини бошлади.

– Минг, бу ерда яшаш сен учун жуда қийин бўлса керак, – деди Ҳакури бир оқшом сухбатни бошлаб. Кампир

унга жамиятта яхшироқ мослашиш учун маҳаллий исм олишни маслаҳат берган эди. Жамилга Минг исмини қўйди, у бу сўз учта маънони англатишини айтди: манзилига етиб келган саёҳатчи, омадли юлдузлар остида туғилган одам ва қўллари омадли инсон.

– Ҳаммаси яхши. Коло қайтиб келгач, сафаримни давом эттиришга умид қиласман.

– Баъзида ҳаёт бизни секинлаштириши ёки хоҳлаган мақсадимиздан узоқлаштириши мумкин, аммо бу ерда узоқ вақт қолиш вассасасига тушмаслигинг керак, – деб маслаҳат берди Ҳакури.

– Ҳа! Мен мақсадимга яқинлашяпман, деб ўйлайман ва ҳаёт менга нарсаларни битталаб олишни ўргатди.

– Орзуласаримизни рӯёбга чиқариш учун биз ҳақиқатан ҳам жуда узоққа борамиз, – деб давом этди кампир. – Мен ҳам бу ерга Пашиаполисга боришни орзу қилиб келганман. Шунингдек, Денда бироз вақт қоламан, дегандим, аммо ҳамон шу ердаман. Қолиб кетдим. Мен ўн беш йил олдин келгандим.

– Нима бўлди?

– Мен жуда заиф эдим ва вассасага берилдим, ҳамон етолмаган орзумнинг нархини тўляяпман.

– Пашиаполисга нима учун бормоқчи эдингиз?

– Бу узун ҳикоя. Қирол Саша қўшинлари Расмарат деб номланган шаҳарга бостириб киришганида у қўли остида туғилган биринчи қизалоқни асраб олиш учун Пашиаполисга топширишни буюрди. Мен қизим билан бирга эдим, тақдир тақозоси билан эртаси куни у қиз туғди. Қизим ва неварамни зўрлик билан мендан тортиб олишди. Бир неча ойдан сўнг қизим ёлғиз қайтиб келди, қирол Саша асраб олинган маликанинг ўзигагина меҳр қўйишини хоҳларди. Менинг жуда ҳам жаҳлим чиқиб, уни кутқариш учун Пашиаполисга боришга қарор қилдим. Орқага қараб, умуман, уйдан чиқмаслигим керак эди, дейман. Мен бу ерга етиб келганимда қизнинг касалликдан вафот этгани ҳақидаги хабар-

ни эшитдим. Давом этиш ёки қайтиш керакми, билмай қолдим. Шундай қилиб, бу ерда қолиб кетдим. Кўриб турганингдек, мен қариб қолдим, касал ва ногиронман, бунинг устига камбағалман.

– Ҳозир қайтиб кетолмайсизми?

– Кета олардим, лекин Пашиаполисга боришдан воз кечгандан бери қайтишни ортга суреб келяпман. Мен ҳар доим келгуси ой охирги қолишим, дейман ва буни ўн йилдан ортиқ вақт давомида айтиб келяпман. Хуллас, менинг хатомдан сабоқ ол, демоқчиман. Пулинг бор экан, дарҳол кет. Узоқ кутиб турма! Бу ерда ҳеч нарса сени чалғитмасин. Бу жой одамларни керак бўлгандан узоқроқ туришга мажбур қиласди. Пашиаполисга бор ва ҳаракат қил, калитни ол. Омадсизликка учрасанг ҳам, интилишдан тўхтама. Колодан фарқли ўлароқ, мен бу қўлингдан келади, деб ўйлайман. Агар тақдирингда бор бўлса, албатта, буни амалга оширасан. Мени эшит, Минг, ҳаммамиз тақдиримиз олдиндан ёзилган ҳолда бу дунёга келганмиз. Билки, ҳеч нарса тақдиримизга битилганини ўзгартира олмайди.

Кечқурун уйига кетаётиб, дўконини ёпганидан сўнг Ҳакури Жамилга тўтиқушини ва бойқушини берди.

– Улар сен учун, – деди у. Жамилнинг фикрича, кампирнинг овози бошқача эди. – Бу ерда совға рад этилмайди. Ичимдан бир овоз буларни сенга беришим кераклигини айтяпти. Қушлар сенга шерик бўлишади. Сен тўтиқуш билан гаплашишинг мумкин.

– Раҳмат!

– Сенга бир нарсани айтишга изн бер, чунки бу ерга келганингдан бери ичимда қандайдир илиқлик сездим. Ва бундай илиқ туйғу камдан-кам учрайди. Ҳаётда муваффақият қозонишингни истайман. Сенга Минг исмини беришимга сабаб бор. – Ҳакури жим қолди. – Нима қилсанг ҳам, ўзингни қарзга ботирма. Ҳеч нарса билан гаров ўйнама. Ўзингда борига ҳам, йўғига ҳам шукр қил. Одамларга хурмат билан муносабатда бўл.

Мұваффақиятсизлик омадға олиб бориши ҳам мүмкін.
Охирги насиҳатим – ҳаётни ўзинг хоҳлаганинг каби әмас,
балки, борича қабул қил. Хайрли тун, Минг!

* * *

– Нега безовталаняпсан? – Жамил қушлар берилганидан бир ҳафта ўтгач, бойқушдан сүради. – Менга сенинг безовталаниб туришинг айтилганди, аммо нима бўлди?

– Катта кўзли қуш сенга бир нарса кўрсатмоқчи, – деб жавоб қилди тўтиқуш.

– Менга нимани кўрсатмоқчи?

– У кўзлари билан нима қила олишини, – қўшимча қилди тўтиқуш.

– Туннинг шу вақтидами?

– Тўғриси, бу энг яхши вақт.

– Майли, бошла.

– Мана бу ёқقا, деворга қара, – деди тўтиқуш.

Деворда қоронғида чироқларнинг милтиллаётганини кўрган Жамил ҳайратда қолди. У ўрнидан туриб, яқинроқ борди. Кўчада ҳаракатланаётган қандайдир тасвиirlарни аниқ кўрарди. Йигит ўзининг савдо распаси олдида турганини ва кейинги тасвиirlарда эса мижозларга хизмат кўрсатаётганини кўрди. Жамилнинг Ҳакурининг дўконида у билан суҳбатлашган тасвиirlари ҳам бор эди.

– Нима бўляпти? – деб сўради ҳайрон бўлган Жамил.

– Биз сенга бойқуш кўзлари билан нимани қила олишини кўрсатмоқчи бўлдик, холос.

Уч кундан кейин Жамил мижозга хизмат кўрсатаётганида қандайдир бир кишининг у билан кўзи орқали алоқа қилмоқчи бўлаётганини сезди. Бу одам яна дўкон олдидан ўтди. У тўхтаб, ўзини Жамилга машхур сеҳграр сифатида танишитирди.

– Мен шаҳарнинг шу қисмида эдим ва сизнинг олдингизга киришим керак, деб ўйладим, – деди у йигитга

тикилиб қараб. Бу одамнинг кўзларида Жамил ўзини ноқулай ҳис қиладиган нимадир бор эди. – Менинг асосий ишим – одамларнинг пулини икки баравар кўпайтириш, – деб гап бошлади у оғзини катта очиб тиржайиб. – Шундай қилиб, бир нечта пулларни оламан, – деб “сехргар” чўнтағидан пулни олиб кўрсатиб, устини яшил мато билан ёпди, – ва мана сизга, улар саноқли сония ичидаги икки бараварга кўпаяди.

Жамил ром бўлиб қолди. Қисқа вақт ичидаги пул миқдорини кўпайтириш имкони уни қизиқтириб қўйди. Эркак гап билан йигитчани аврай бошлади. У Жамилга ўйлашга фурсат бермади.

– Бу ерда деярли ҳамма мени билади ва ишонади. Мен бозордаги одамларнинг гуллаб-яшнашлари учун масъул одамман. Сиз янгисиз ва мени ҳали танимайсиз. Сиздек энди келганлар учун таништирув таклифим бор. Бир неча юзталик пулларни мен шу ернинг ўзида сиз учун икки баравар, уч баравар ва тўрт баравар кўпайтириб бераман, бунинг учун ҳеч қандай ҳақ олмайман. Бу умрда бир марта бериладиган таклиф. – У бироз тин олди ва Жамилнинг кўзларига тикилди. – Сизга пул керак, шундай эмасми? Эшитинг, бу ерда ҳамма шундай қиласиди. Бу қонуний. Аслида одамлар пул топишининг ягона усулидир. Сизнингча, улар бу ерда қандай қилиб бойиб кетишади? Мева ва сабзавотларни сотишданми? Ҳамма пулларини шу ёки бошқа йўл билан икки баравар кўпайтиради.

У миясининг қаериададир Ҳакурининг огоҳлантирувчи овозини эшитди: “Қимор ўйнама. Бу ерда ҳеч кимга ишонма. Бу фирибгарлар юрти, одамлар кўзингга тикка қараб алдашади”.

Жамил ўзида журъат топди ва сўради:

– Агар пулни икки баравар ошира олсангиз, менинг нима керагим бор? Нега битта пулни олиб, миллионга етгунча кўпайтирамайсиз?

– Мени нотўғри тушумнанг, мен сизга ёрдам бериш учун келдим. Ахир сизга яхшилик қилмоқчиман. Бу осон пул топиш ҳисобланади. Сиз тез орада бой ва баҳтли бўлишни хоҳлайсизми? Мен бир дақиқада кўпайтириб берадиган пулни ишлаб топишингиз учун қанча вақтингиз кетади?

Жамил сабабини билмасди, лекин уни пулларини яшириб қўйган дўконнинг орқа томонига қандайдир бир куч тортаётганини сезди.

– Тўхта! – тўтиқуш чинқириб юборди. – Ундей қилма!

Жамил бир сония ўз фикрларини йиғиш учун тўхтаб қолди ва яна у одамнинг олдига келди.

– Кечирасиз, менда етарлича пул йўқ.

– Ҳар қандай миқдордаги пул ҳам бўлаверади. Қанчалик оз бўлса, шунча фойдаси тегади, – деб у йигитни кўндиришга уринди.

– Эртага ёки кечроқ келинг, – деб эътиroz билдириди Жамил.

– Мен эртага бу ерда бўлмайман. Нима учун ҳозир қила оладиган ишингизни эртага қолдирияпсиз? Мен буни ҳозир қилмоқчиман. Менга бу қандай бўлишини кўрсатишга имкон беринг ва шунда сиз амин бўласиз.

Жамил рад этиб, бош чайқади. Одам жиддийроқ қараб, яқинроқ келди.

– Мен ўйин ўйнаш учун келганим йўқ, хўпми? Менга бутун ишлаб топган пулингизни беринг ва мен сизга икки баробар кўпайтириб бераман, олис ороллик йигитча! Сизга саёҳатларингиз учун пул керак ва мен Пашия қироллигига боришни хоҳлаётганингизни биламан. Сизга пул зарур. Мен сизга уни осон кўпайтириб бераман. Сиз жуда бой ва баҳтли бўласиз.

Гарчи Жамил бу одам унинг қаердан келгани ва Пашияга боришни режалаштираётганини билишидан ҳайратга тушган бўлса-да, хаёлига Орлонияда имзолаган молиявий битими келди ҳамда кема ҳалокатидан кейин бошқа бундай нарсалар билан шуғулланмаслик

ҳақида ваъда бергани эсига тушди. Яхшиямки, Жамилдан бир харидор ниманидир сўради ва унинг узоқлашиш имконияти пайдо бўлди. Мижозга хизмат кўрсатаётганида у Ҳакуриниң ишора қилаётганини пайқади. Унинг қўл силташидан “Йўқ, ундаи қилма!” деган маънони тушунди. Йигитча сеҳргарнинг олдига қайтиб келаркан, пулинин икки баравар оширмасликка қарор қилганини айтди. “Сеҳргар” жаҳл билан деди:

– Сиз бундан афсусланасиз. Пашия қироллигига ҳам бора олмайсиз! Агар кейинроқ мени кўришни истасангиз, албатта, учрашамиз.

Ҳакури бу одам таниқли фирибгарлигини ва у Жамилнинг меҳмонлигини билгани учун олдига келганини айтди. Кампирнинг сўзларига кўра, у ҳақиқий пулларни сохта пулларга алмаштириб қўярди. Жамил алдовга учмай қолганидан хурсанд бўлди.

ҮНИНЧИ БОБ

Түтиқуш ва бойғли Жамилни күтқаради

– Ҳаммаси яхши бўлиб турса, мен Денни бир неча кундан кейин тарқ этаман, – деди Жамил Ҳакурига дўконини кулфлашдан олдин. – Коло бугун кечкурун қайтиб келади ва мен кетиш учун етарлича пул топдим. Ҳаммаси яхши бўлганидан жуда мамнунман. Агар қарши бўлмасангиз, мен қушларни Колонинг ўғлига бераман.

– Менимча, у қушларни қабул қиласидиган одам эмас. Уларни кимга бериш кераклигини кетаётганингда сенга айтаман.

Ўша оқшом Жамил дарҳол ухлай олмади. У Татаси оролидан Денгача бўлган ҳаётини кўз олдидан ўтказди ва шунча вақт қаерларда бўлгани, нималарга эришганини ўйлаб, хурсанд бўлди. Йўлдаги қийинчиликлар орзуси ортидан қувиб, унга эришиш у ўйлагандек осон эмаслигини ўргатди.

Жамил эшик олдида шивир-шивирларни эшитди. Беихтиёр у қандайдир нохушлик бўлишини сезди. Туннинг бу пайтида кўчада сухбатларни эшитиш ноодатий ҳол эди. У одамлар кетишига умид қилиб, кўзларини юмди. Аммо кетиshmади. Бунинг ўрнига бироз вақт ўтгач, тарақлаган овоз эшитилди. Жамил ўрнидан туриб, эшик ёнига келди. Кимdir унинг исмини айтиб чақирганини эшитди ва дўкон эгаси Колонинг ўғли Ябонинг овозини таниди.

– Дадамга нимадир бўлди, илтимос, эшикни очинг.

Жамил ҳеч иккиланмай эшикни очди. Унинг юзи га қаттиқ зарба тегди ва орқасига тисарилди. Сўнг яна

иккита мушт тушди, Жамил йиқилди. Уни дўконга судраб киришди ва эшикни тезда ёпишди. Биттаси йигитчани қаттиқ жисм билан ураётганда бошқаси тепди.

– Уни яхшилаб ур, айниқса, оёқларига, қочиб кетолмаслиги керак, – деган овоздан Жамил “сехргар”ни таниди.

– Нима хоҳлайсизлар?

– Пул қаерда? – Колонинг ўғли Ябо бақирди. – Пулни қаерда сақлайсан? Ҳамма пулингни бер бизга. – Ябо уни қайта-қайта тепди. – Сен ўзингни ақлли деб ўйлайсанми? Бу ер Ден!

Фирибгар уни ердан кўтарди. Жамил томоғида совуқ нарсани ҳис қилди. У хиралашган кўзларини очди.

– Буни кўрдингми? – сохта сехргар унга ўткир пичноқни кўрсатди. – Агар айтмасанг, ҳозир ҳаётингга нуқта қўяман, бу ерда гувоҳлар ҳам йўқ.

– Ҳозир бераман, – деди Жамил курашиб бефойдалигини билиб. У фирибгарларга дўкондаги барча пулларни: Колога тегишилисини ҳам, ўзининг тўплаганларини ҳам берди. Улар ҳаммасини тортиб олди ва хотиржамлик билан эшикни ёпиб чиқиб кетишиди.

Жамил эрталаб ҳибсга олинди. Коло уни олиб кетишларидан олдин йигитчани Пашия қироллигига боришга пул топиш учун талончилик қилишда айблади.

– Сен менга панд бердинг ва сени узоқ муддатли қамоқ кутади энди.

Судгача ҳибсда бўлган Жамил нима учун унинг саёҳати бунчалик қийинчиликларга тўла эканини тушунишга ҳаракат қилди. “Эҳтимол, бу қийинчиликлар охир-оқибат мени калитга олиб борар... Бир неча кун олдин ҳамма нарсам бор эди: эркинлик, пул ва улкан орзу. Мен орзумга эришишга жуда яқин эдим. Энди буларнинг барчаси тугади. Пулимни йўқотишидан афсусда эмасман. Озод бўлганимдан кейин яна ишлаб топишим мумкин. Озодлигимдан айрилганимга ҳам эътибор бермайман. Аммо менинг орзум!”

Ҳакури суд олдидан унинг олдига келди. У жуда афусуда эди.

– Минг, сенга мен иш беришим керак эди, Коло эмас. Энди бир умр афсусланиб ўтаман. Сенинг ростгўйлигингни ва Ябонинг фирибгар эканини билардим, аммо унинг сенга бундай қилиши хаёлимга келмаганди. Ўша куни эҳтиёт бўлиш кераклигини англаб етишим керак эди. У кундузи ўғирлай олмаган нарсасини кечаси ўғирлашидан сени огоҳлантиrolмадим. Бир нарсани йўқотмаслигинг зарур – бу умид. Мен сен ҳақингда жуда яхши туш кўрдим ва буни яхшиликка йўйдим. Сен бу ерга эзгу ниятлар билан келдинг. Унутма, қалбида гўзал ниятлари бор инсонларни мўъжизалар кутади.

Жамил расман ўғирлик учун тил бириктириш, фирибгарлик, ёлғон маълумот бериш ва талончилиқда айбланди.

– Йигитча ўз ишини унга ишониб топширган иш берувчисига хиёнат қилди. У жуда оғир жиноятга қўл урди ва жазоланиши зарур, – дея таъкидлади айловчи.
– Унга азоб бериш керак. Ўғрини саҳродаги қамоқхонага қамаб, калитини ташлаб юбориш лозим. Ўша ерда уни бутун дунё унутсин.

Судья Жамилдан:

– Ўзингни ҳимоя қилиш учун айтадиган гапларинг борми? – деб сўради.

– Мен айбсизман. Барча айловларни рад этаман. Агар пулни ўғирламоқчи бўлсам, дўкон эгаси қайтиб келгунига қадар қочиб кетсам бўларди. Мен уни пулларини бериш учун кутдим. Ҳеч қачон ҳеч нарса ўғирламаганман ва мени озод қилишингизни сўрайман, – деб ўтинди Жамил. – Менга тунда икки киши хужум қилди ва иккаласи ҳам шу ерда: бири – Ябо, иккинчиси – унинг дўсти.

– Икки жанобнинг сени калтаклашгани ва тунағанларини тасдиқловчи гувоҳлар борми?

– Ярим кечаси ва ҳамма ёқ қоронғи эди. Менга дүкон ичкарисида ҳужум қилишди. У ерда фақат бойқуш ва тұтиқуш бор эди, – деди Жамил үзини ҳимоя қилиб.

– Күшлар шу ерда, – бақирди Ҳакури. – Ишонинг, тұтиқуш гапира олади. Илтимос, унинг нима дейишини тингланг. Жамил адолатли судга лойиқ. У жуда ҳалол үйгит.

– Хүш, тұтиқуш, босқинчилик бўлган оқшомда кўрган нарсаларингни айтиб бера оласанми? – деб сўради судья.

Судни ҳайратлантириб, тұтиқуш кўрган нарсасини айтиб берди, у Жамилнинг айтганларини тасдиқлади.

– Тұтиқуш Жамилнинг уй жонивори ва у ҳам ўз эгасининг овозини такрорламоқда, – дея эътиroz билдириди Коло.

– Илтимос, бизга яна бир имконият беринг, – деб сўради тұтиқуш. – Ушбу далил бутун дунёга Жамилнинг айбсиз эканини исботлайди.

– Далил нима?

– Сизга бойўғли кўрсатади, – деди тұтиқуш ва бойқушдан Жамилнинг айбсизлигини кўрсатишини сўради.

Бойқуш бутун воқеани аниқ ҳаракатланувчи суратларда такрорлади – эшик очилган пайтдан бошлаб, иккала одам кетиб, эшикни ёпгунга қадар. Суд залидаги одамлар ҳайратда қолишли.

– Сиз кўрган нарсага бошқа қўшимчамиз йўқ. Расмлар ўзи гувоҳлик берди. Жамил айбсиз, – деди Ҳакури.

Судья ўз ҳукмини эълон қилди:

– Биз күшлардан кўрган ва эшитган нарсамизни инкор эта олмаймиз. Шу муносабат билан мен Жамилни барча айловлардан озод қиласман ва оқлайман. Унга талончилик пайтида етказилган жароҳатлари учун товон тўлашни ва барча пулларини қайтариб беришни буюраман.

– Озодсан! – деди Ҳакури ҳаяжон билан, аммо Жамил ишонолмасди.

Кампир уни суддан олиб чиқди. Коло ўғлининг барча берган азоблари учун узр сўради ва талончилик пайтида етказилган жароҳатлар учун суд ҳаками буйруғига асосан товон тўлашни, шунингдек, тортиб олинган пулларни қайтаришни ваъда қилди.

– Сен шу ерда қолиб, дўконимни бошқаришингни истайман. Сен жуда ростгўй ва ишончли одам экансан!

Икки қуш учиб келиб, Жамилнинг елкасига қўнди.

– Каттакон раҳмат! Иккалангиздан ҳам озодлигим учун қарзорман, – деди Жамил жилмайиб.

– Ҳаммаси яхши, – деди тўтикуш.

Жамил Ҳакурининг ёнида бир неча кун қолди. Ҳеч қандай арзигулик сабабсиз Жамил “Бас, етарли!” деб қарор қилди ва Татаси оролига қайтмоқчи бўлди.

Бир куни кечқурун Ҳакури:

– Нима бўлган тақдирда ҳам мақсадингдан воз кечма. Сен ҳаётда кўп нарсаларни кўришинг керак. Агар йиртқич ҳайвонни алдашга, кема ҳалокатидан омон қолишга, чўлни кесиб ўтиб, Денга етиб келишга муваффақ бўлган экансан, демак, Пашиаполисда ҳам муваффақият қозонасан. Бу ер ҳаммани синааб кўрадиган жой. Агар сен кучли бўлсанг, мақсадгага эришасан, аммо заиф бўлсанг, бу ер сени синдиради. Сени бекорга Минг – омад юлдузи остида туғилган одам деб атаганим йўқ. Тўғри, бу ерда хафа қилишди, лекин, илтимос, биздан ранжима. Мақсадингга эришиш учун ички хотиржамлик керак. Қаерда бўлмасин, омадингни то-пиш учун қалбингга сокинлик зарур.

Ҳакури бойқуш ва тўтикушни қайтариб олишга рози бўлди. Йигит сумкасидаги кафтидан икки баравар каттароқ, кўл билан тўқилган ранг-баранг мато парчасини кўрди.

– Бу нима? – деб сўради у.

– Бу сен учун совғам.

– Лекин бу нима ўзи?

– Бунинг тарихи узун. Уни онам тўқиган, – деди Ҳаку-

ри кўзларидан ёшини артиб. – Ёшлигимда онамдан ўзим учун алоҳида бирор нарса тўқиб беришини сўрадим, келажакда боламни белимга боғлаб юришим учун. У менга буни хурсанд бўлиб тўқиб берди ва мен ғуур билингизимни боғлаб юриш учун ундан фойдаландим. Қирол Саша армияси қизим ва унинг оиласи яшайдиган портни забт этганида мен қизимга ёрдам бериш учун ўша ерда эдим. Қиролнинг аскарлари уни олиб кетмоқчи бўлганларида неварамни шу билан белимга боғлаб олгандим. Уларга қаршилик қилаётсам, мато иккига бўлиниб кетди. Бир парчаси менда қолди, қизим Пашиаполисга иккинчи парчасини олиб кетди. Юрагим бу ярми иккинчи ярмига олиб боришини айтяпти. Кунларнинг бирида иккала парча яна бирлашиб, мен неварамга етишишимга қаттиқ ишонаман. Иккинчи ярмини топгунимча қалбим оғрийверади. Уни қидиришни давом эттириш учун эса жуда қариб қолдим. Неварамнинг ўлганига ишонмайман. Ушбу парча орзунгни амалга оширишда сенга ёрдам бериши мумкин. Бу сени неварамга олиб бормас, лекин калитга олиб борса, ажаб эмас. Агар иккинчи ярмини топсанг, бу сенинг тақдиринг.

Жамил кетиш учун ўрнидан турди.

- Ҳаммаси учун сиздан жуда миннатдорман!
- Илтимос, кечир, унут ва олға юр. Бу муваффақиятга эришишнинг ягона йўли.
- Шундай қиласман.
- Сўнгги сафаримдан олдин келиб хайрлашишга ваъда берасанми? – Ҳакури ёлворди.
- Ваъда бераман!

ҮН БИРИНЧИ БОБ

Жамил Пашия қироллигига

Жамил Пашия қироллигининг пойтахти Пашиаполиснинг улкан дарвозасига яқинлашганида жилмайиб бошини оҳиста чайқади. “Ниҳоят, шу ердаман!” деди у ўзига ўзи. Йигитча узоқ вақт “ПАШИЯ ҚИРОЛЛИГИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!” деб катта ҳарфлар билан ёзилган белги олдида туриб қолди. У қувончдан маст эди, лекин буни бирорга билдирамади. Жамил гўё мақсадига эришгандек ҳис қиласарди ўзини. Унинг бутун вужудидан чарчоқлар тарқаб кетганди.

Қаҳрамонимизнинг биринчи мақсади – қадимий Пашиаполис шаҳрида унга ёрдам бера оладиган дўст орттириш эди. У бундай жойда омон қолиш ва орзусига эришиш учун бу ерларни жуда яхши биладиган дўст кераклигини биларди. Ахир айнан калит турган маконда эди ва ҳеч қандай хатога йўл қўймаслиги керак. Йигитча катта дарвоза ёнидаги одамларни синчковлик билан ўрганаради, аммо ҳеч ким унга эътибор бермаётгандай туюлди. У баъзиларга чин кўнгилдан салом берди, бошқаларига эса жилмайди. Пашиаполис аҳолиси ҳам жуда самимий ва очиқ юзли эди. Одамлар йигитчага жавоб беришарди, аммо масофа сақлашарди. Жамил уч куну уч тун шаҳарни бемақсад кезиб юрди. Кун давомида у айланиб юрар ва кечалари шоҳ саройининг улкан дарвозаси ёнидаги скамейкада ухларди.

Тўртинчи куни у Пашиаполис боғи дарвозасига яқинлашганида скамейкада бир йигитнинг ўтирганини ва унга дўстона қараб турганини кўрди. Жамил у билан гаплашиш мумкинлигини сезгач, унга қараб юрди.

– Мен сизни бу атрофда бир неча бор кўрдим, адашиб қолдингизми? – деб сўради йигит Жамилдан.

– Йўқ, адашганим йўқ, лекин мен бу ерга янги келдим.

– Бугун кайфиятингиз ҳандай?

– Яхши! – жавоб қилди Жамил скамейкага ўтиаркан. – Сиз Пашиаполисданмисиз?

– Йўқ, лекин мен бу жойни жуда яхши биламан. Сизчи?

– Узоқ оролданман.

– Истироҳат боғини айланайлик, – деб таклиф қилди йигит. – Айтганча, менинг исмим Кожо.

– Меники Жамил.

– Кўришганимдан хурсандман. Ушбу боғ “Тўрт фасл боғи” деб номланади.

Жамил, ниҳоят, у билан гаплашадиган одам топилганидан хурсанд эди. Иккаласи ҳам улкан эшиқдан аста-секин қирол Сашанинг ҳайкали томон юрди.

– Қиролга бутқул содиқлик – бу биринчи қоида, – деди Кожо Жамилнинг кўзларига тик қараб. У жиддий гапираётган эди. – Нима қилсангиз ҳам, жаноби олийларига хиёнат қилган бўлиб кўринманг ёки хиёнат қилди, деган гап чиқмасин.

– Маслаҳат учун раҳмат!

– Белгини кўряпсизми? Унда “Қотиллар подшоси ва ҳайвонлар шоҳи” деб ёзилган.

Жамил бош ирғади ва сўради:

– Нега ҳайвонлар шоҳи?

– Бу ерда Қирол Саша йўлбарсга ўхшайди, деган ҳазил бор. Қачон у сенга ҳужум қилишини билмас экансан, – деди Кожо кулиб. – Вой, эсимдан чиқибди, кимдир “Пашиянинг қироли Саша ҳазрати олийлари” деганини эшитсангиз, “У бизни узоқ вақт бошқарсин”, деб айтишингиз керак.

Жамил нима учунлигини сўрамади.

– Бизда дунёдаги энг яхши малика бор, – деди жилмайиб Кожо қиролича Наташа ҳайкалига ишора

қилиб. Иккала ҳайкалнинг ёнида катта ёзув бор эди: “Бу Абадий олов ва севги шоҳлиги”.

Жамил уч кунлик жимлиқдан сўнг ким биландир суҳбатлашаётганидан жуда хурсанд бўлди. Шунингдек, унга қоидалар тушунтирилаётганидан мамнун эди.

– Малика Наташанинг номини эшитганимда у бизни узоқ вақт бошқарсинг, деганга ўхшаш бирор гап айтишим керакми?

– “Жаноби олийларининг абадий ва қудратли бўлишида у киши қўллаб-кувватлаб турсин”, дейишингиз керак. – Бироздан сўнг Кожо деди: – Сизга бу жой ёқади. Мен буни қўзингиздан қўриб турибман. – Иккиси бир қатор гуллар бўйлаб юришди. – Бу ердаги гуллар жуда ажойиб! Агар билсангиз, уларнинг барчаси ўзига хос таъсирга эга бўлиши учун саралаб ўтқазилган. Шаҳар гуллар билан даволаш орқали машҳур. Мен сизни хурсанд қилиш ва кайфиятингизни кўтариш учун гуллар орасида сайр қилдиряпман. – Жамил уч марта аксирди. – Аҳа, жуда яхши ишора, бу Пашиаполис сизни қабул қилганини ва сиз бу ерда омадли бўлишингизни англатади.

Жамил биринчи дўстидан хурсанд эди. Кожо уни Пашия қироллигининг маданияти ва тарихи, хусусан, Пашиаполис ўтмиши билан таништиаркан, улар шошилмасдан сайр қилишарди.

– Нима деб ўйлайсиз, қаердан иш топсам бўлади? – сўради Жамил.

– Сизга ўхшаган ёш йигитлар учун бу ерда иш жуда кўп, аммо ишлаш учун рухсатнома олишингиз керак.

– У нима?

– Сизга ишлаш имконини берадиган хужжат.

– Буни қандай олишим мумкин?

– Сизнинг яшаш жойингиз бўлиши керак, чунки маъмурлар манзилингизни сўрашади.

– Аммо мен яқинда келдим.

- Бу қийин бўлади. Шунингдек, рухсат олиш учун сиз Пашия қироли Саша ҳазрати олийларига қасамёд қилишингиз керак.

Жамил бошқа савол бермади. У садоқат билан итоат қилишга қасам ичиш калитни олиш борасида имконият эшигини ёпади, деб ўлади.

Йигитлар зиёратчилар сажда қилаётган Абадий олов алангаси атрофида юришганида Жамилнинг кўзи бир қизга тушди. Нега юзлаб одамлар орасида унинг назари айнан шу қизга тушганини билмасди. Унга қараб турган қиз ҳам тўхтади ва жилмайиб қўйди. Жамил қизга яна қаради. Қиз ҳам кўзларини Жамилга тикканича қимирламай турарди. Унинг нигоҳи жуда ўткир эди. Йигитнинг танасидан электр токи ўтгандай бўлди. У кўзини олиб қочди, лекин яна қайта-қайта қарамасдан туролмади.

- Бундай жойда кўз уриштириш айб эмасми? - сўради Жамил Кожодан.

- Нега сўраяпсиз?

- Жингалак сочли қиз менга қараб турибди, мен орқамга қарасам, хафа қилмайманми? Уни кўрдингизми? Сочларида гуллар бор ва у ҳамон менга қараб, жилмайиб турибди.

- Агар у сизга қараса, бу гуноҳ эмас. Айтишим мумкинки, у бой ёки обрўли одамнинг қизи.

- Қаердан биласиз?

- Уни кўриқчилар кўриқлаяпти.

- Ростанми?

- Унинг ёнидаги қора кўзойнак таққат йигитларни кўряпсизми?

- Ҳа.

- Улар тансоқчилари.

- Нега бугун бу ерда бунчалик одам кўп?

- Икки кундан кейин қирол Сашанинг туғилган кунини нишонлаймиз.

Жамил кўзлар дуч келишидан қочишга ҳаракат

қилди, лекин у кўз қири билан жингалак сочли қизнинг унга қараётганини кўриб турарди.

Коjo кетди ва Жамил яна ёлғиз қолди. Кечқурун у Абадий олов алангаси ёнидаги дўкондан бепул овқат олди. Вақтинча ўзига қўноқ қилиб олган скамейкага қайтиб келди. Жингалак сочли қизнинг сурати хаёлидан кетмасди. У ҳақида унтишишни ва Пашиаполисда қандай омон қолишни ўйлашга ҳаракат қилди. Лекин бундай қила олмади. Уйқусида ҳам, хушёргиди ҳам, юрса ёки турса ҳам, унинг жилмайган юзи кўз ўнгидан кетмади. Қизнинг кимлиги ва нега тўхтаб унга қарагани Жамилни қизиқтиарди. Нигоҳи шу қадар таъсирили эдики, ҳар сафар кўзларини юмганида қизнинг унга қараб тургани яққол кўринарди. Уни бу кўзларда нима борлиги ўйлантиарди.

Ўша оқшом Жамил қизни тушида кўрди. Унинг қўлида олтин калит бор эди ва уни кўрсатиб: “Буни истайсанми?” деб сўради. Калитни олмоқчи бўлганида қиз қуюқ тутунга айланиб қолди. Тушида Жамил бир зум туриб қолди ва тутун ичидан қизнинг овози эшитилди: “Кел, ол!” Жамил унинг ортидан тутун ичига кирди, лекин деворга урилиб йиқилди.

Йигит уйғониб кетди ва атрофга қаради. Осмон қоронғи эди ва у ҳамон сарой дарвозаси ёнидаги майдонда скамейкада ётганди.

Эртаси куни қирол Сашанинг туғилган куни арафасида Жамил Пашиаполис дарёси бўйига пиёда борди. Бу ерда ҳам скамейкалар бор эди ва у сояда дам олиб, кунини қандай ўтказишни, ўз орзусини қай тарзда амалга оширишни ўйлаши мумкин эди. Жамил учун асосий муаммо қандай қилиб иш топиш эди. Ҳокимият органларида рўйхатдан ўтиш учун унга кўрсатгани манзил керак эди, аммо яшаш жойига тўлагани пул топиш учун унга ҳеч ким иш беришни хоҳламасди. У бир нечта жойларга бориб кўрди, лекин уларнинг ҳаммаси “ишлаш рухсатномаси”ни сўрашди.

Кечга яқин Жамил шу ерда ўтирганида яқинидаги дарё соҳилига яхта келаётгани эътиборини тортди ва унинг рўпарасида жингалак сочли қиз бақувват тан соқчилари қуршовида пайдо бўлганини кўриб, юраги тўхтаб қолаёзди. У қизга қараб турди. Унинг соchlарида иккита гул бор эди ва қуёшдан ҳимояловчи қўзойнак тақиб олганди. Қиз уни таниди ва жилмайиб қўл силкитди. Йигит ҳам хавотир билан қўл силкитиб жавоб берди. У тўхтади ва тансоқчиларидан бирига нимадир деди. Соқчи Жамил томон юрганида у жиноят қилдим, энди ҳибсга олишади, деб кўрқиб кетди. Ҳатто қочиш кераклигини ҳам ўйлади, лекин шаҳарни яхши билмасди. Жамил ўрнидан туриб, хавотир билан қўриқчига қараб турарди. Тансоқчи деди:

– Пашия қироллигининг ҳазрати олиялари – малика Осиёнинг буйруғига биноан сарой боғларида бепул овқатланишингиз учун мана сизга бир нечта ваучерлар.

У яшил ва оқ ваучерларни йигитга узатди. Жамил жилмайиб, қўл силкитиб турган қизга таъзим қилди ва у кетди.

Қаҳрамонимиз хурсанд эди. У скамейкага яна ўтирди ва жилмайиб қўйди. Ҳа, қизни қайта учратди, у табассум қилди, ҳатто қўлини ҳам силкитди. “Менинг аҳволим ҳақида қайғурибди-я”, деб ўйлади йигит ва ваучерларга қараб қўйди. Жамил ичидა ўзига хос шиҷоат ўйғонганини ҳис қилди. Қиз ҳақидаги биргина хаёлнинг ўзи уни қувонтиради.

Тахминан бир соатдан кейин у сарой дарвозаси томон юрди ва соқчиларга ваучерларни кўрсатди.

– Мен сизда камбағал ва муҳтожларни овқатлантиришдан завқланадиган меҳрибон подшоҳимиз ҳамда қироличамизнинг совғасини кўряпман, – деди қоровуллардан бири ва уни овқат олиш мумкин бўлган жойга юборди.

– У бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилсин, – деди Жамил ва сарой боғларига кирди.

Йигитнинг навбати келганида худди ўша қиз орқа хонадан фартук тақиб, овқат тарқатишга тайёр бўлиб чиқди.

– Салом, нотаниш, – деди у юзида табассум билан. – Яна сиз!

Жамил жавоб беришга довдираб қолди. Аммо жавоб беролмади.

– Қорнингиз очми? – сўради қиз кулиб.

– Ҳа, – деди у кўзини олиб қочиб.

– Сиз чиндан ҳам очмисиз? – деб яна кулди қиз.

– Ҳа, мен чиндан ҳам очман, – Жамил ўзини жилмайишга мажбур қилди.

– Нима ейишни хоҳлайсиз?

– Нима берсангиз – шуни.

– Мен сизга икки кишининг овқатини бераман, – деди у. – Сизга ўхшаган катта одам кўп ейиши керак.

Улар суҳбатлашаркан, Жамил ўзини эркин ҳис қила бошлади. Унга қиз худди анча вақтдан бери танишдай туюлди. Бу бир лаҳзада ёқтириб қолиш эди. Йигитга, айниқса, қизнинг жингалак соchlари, табассуми ва кўзлари ёқди.

– Катта раҳмат, – деди у ликопчани оларкан.

– Миннатдорликни менга эмас, Пашия қироли Саша ҳазрати олийларига билдиринг.

– У бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилсин! Мен буни жуда хоҳлардим.

– Мен сиз учун шоҳ билан учрашув ташкил қилишим мумкин. Барчаси ўзингизга боғлиқ, – деди қиз Жамил кетаётганида. У нима дейишни билмай қолди.

Йигит жимгина овқатланаркан, қиз бир шиша ичимлик билан унинг ёнига келди.

– Бу сиз учун жуда фойдали, айниқса, чарчоқда. Сиз жуда чарчаган кўринасиз.

Жамил унга миннатдорлик билдириди.

– Сиз кимсиз? – деб сўради у.

– Мен маликаман.

Жамил тиқилиб қолай деди.

– Нима? Сашанинг қизими?

– Ҳа! Лекин, илтимос, ҳар доим “қирол Саша” деб айтинг. Ўз ҳукмронлигида шоҳ исмининг олдига “қирол” сўзини қўшиб айтмаслик айбdir. “Қирол олий ҳазратлари Саша” дейиш маъқулроқ. Сиз каби чиройли йигитни қамоқقا юборишларини хоҳламайман.

– Пашия қироли Саша ҳазрати олийлари бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилсин, – деди Жамил.

– Кўряпман, сизга буни аллақачон ўргатишибди.

Жамилнинг кайфияти кўтарилди. У ўз омадига ва қулоқларига ишонолмасди. “Бурост бўлиши мумкинми?” деб ўйлади. Малика жилмайди ва гўё “Ҳа, мен маликаман, ишонинг”, дегандай бош ирғаб қўйди.

Йигит очиқ ҳаяжонланарди. Рости, гангид қолганди. У нима дейишни ҳам билмасди. Бироқ жилмайиб қўйди.

– Овқатланиб бўлганингиздан кейин мени чақиринг. Пашияда биз доимо одамларнинг тинч овқатланишлари учун имкон берамиз, – деди малика ва виқор билан у ерни тарқ этди.

Қиз хизмат қилиш жойига қайтаркан, Жамил унга яширинча қарамай туролмади. У нималигини айттолмасди, лекин малика билан орасида қандайдир алоқа бор эди. Йигит ўзини туш кўраётгандай ҳис қиласди.

Овқатдан сўнг малика Осиё уни сайдага таклиф қилди. Қиз анча эркин ва ўзига ишонган кўринарди. У баҳтиёр эди. Қўшиқ айтиб, сакрарди. Катта сарой майсазорлари бўйлаб сайд қилишганида Жамил қадамларида қандайдир бир хиллик борлигига эътибор берди. Улар турли манзараларга бир вақтда қараб, бир вақтда жилмайиб, бир вақтда кулишарди. Малика ҳам жуда ҳаяжонланарди.

Иккиси яхши қўриқланадиган қаср дарвозаси орқали қаср ҳовлисига кирди.

– Исмингиз нима? – малика Осиё узоқ жимликдан сўнг сўради.

– Жамил.

– Қандай яхши исм! Қаерликсиз?

– Узоқ оролдан.

– Жуда узоқми?

– Жуда узоқ.

– Үндай бўлса, бу ерга қандай етиб келдингиз?

– Бу узоқ ҳикоя.

– Бу ерда нима қиляпсиз?

– Чиндан ҳам билишни хоҳлайсизми?

– Ҳа, мен сиз ҳақингизда ҳамма нарсани билмоқчиман.

– Мен саргузашттаб одамман.

– Бу жуда ажойиб! Мен саргузаштлар битилган кўп ҳикояларни ўқиганман, лекин ҳеч қачон бундай одамни кўрмаганман. Доимо улар ким ва нима билан шуғулланишларига қизиқканман. Шундай қилиб, ўзингиз ҳақингизда менга айтиб берадиган жуда кўп воқеалар бор, деб ўйлайман. Сиз бир ердан бошқа бир ерга бирон нарса излаб бораман, демоқчимисиз?

– Ҳа.

– Бу ерда нимани қидиряпсиз?

– Ҳозирча билмайман. – Жамил унга калит ҳақида айтишни истамади.

Малика чапга бурилди ва улар улкан мармар зинапояли тўрт қаватли тошсарой олдидан чиқишиди. У жуда ҳашаматли эди.

– Бу Пашия қироли Сашанинг бош қасридир.

– У бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилсан, – деди ва Жамил таъзим қилди.

– Ҳозирча бу етарли. Буни ҳар сафар айтишга ҳожат йўқ.

– Аммо мен қонунбузарлик қилишни хоҳламайман.

– Майли! Мен сизни айбламоқчи эмасман.

Иккаласи телескоплар, стуллар ва столларга эга саккизбурчак шаклидаги хона ёнидан ўтди.

– Бу ерни биз “Қиролнинг тафаккур гўшаси”, деб атаймиз. У астрономияга қизиқади ва қушларни кузатишни яхши кўради.

Улар оппоқ гуллар ўсган сунъий кўлга етгунча жим кетдилар.

– Бу қиролича Наташанинг қўли. У буни ўзи қурган ва барча тошларни шахсан ўзи жойлаштирган. Мана бу балиқларни ҳам ўзи танлаган ва уларни мунтазам равища боқади. Қиролича қўл ва балиқларни жуда яхши кўради. – Бироз сукутдан кейин малика Осиё қўшиб қўйди: – Менинг онам қиролича Наташа дунёдаги энг яхши аквариумлардан бирига эга. У жуда чиройли.

– У қаерда?

– Бу анави ерда – Гармония (уйғунлик) саройида, – деди малика Осиё кенг дарёнинг нариги томонидаги саройга ишора қилиб. – Қиролича Наташа расм чизишни яхши кўради. Бир куни мен унинг барча расмларини сизга кўрсатаман. Улар жуда чиройли. Сизга, албатта, ёқади.

Йигит ва қиз кийик подалари, бир нечта отлар ва иккита товуснинг ёнидан ўтишиди.

– Буларнинг ҳаммаси жуда зўр, – деди Жамил. Унга боғларнинг мутаносиблиги ёқди. У айниқса, ўрталарида фавворалари бўлган боғлар атрофидаги тинчлик ва осойишталиқдан роҳатланди.

– Менимча, нега қирол Саша одамлар подшоҳи ва ҳайвонлар қироли деб аталишини билсангиз керак?! Мана булар сарой ҳайвонот боғидаги ўн бешта химеранинг ҳайкаллари бўлади.

Жамил эсанкираб қолди.

– Демак, улар тирикми?

– Ҳа ва улар шу ерда сақланади. Хавотир олманг, улар яхши қўриқланади. Бу жониворларни йилига бир ёки икки марта кўришади.

– Мен уларни афсона деб ўйлардим.

– Йўқ! Уларни тез-тез кўриб тураман, чунки мен улар билан ўйнайман, хоҳлаган пайтимда бу ерга келишим мумкин.

– Улар хавфлими?

– Албатта, хавфли.
– Уларни кўрсам бўладими?
– Йўқ, кўролмайсиз. Лекин улар бу ҳайкалларнинг худди ўзи, – деди малика бир ҳайкални ушлаб.

Жамил ҳайратда қолди.

– Бунга қаранг! Бошининг ўртасида битта шохи ва узун қулоқлари бўлган шернинг боши... Эй Худойим, мен ҳеч қачон бунақасини кўрмаганман!

– Яхши, кетайлик, – деб қистади малика Осиё.

– Буни қаранг! Мана бунисини кўринг! Унинг боши ва қанотлари бургутники, аммо оёқлари кенгурунуни экан.

– Яхши, менимча, кетишимиз керак, – деди малика ҳайкаллардан узоқлашиб. Улар “Хавфли! Рухсати йўқ шахсларга кириш тақиқланади. Ўз хавфсизлигингизга масъул бўлинг!” деган ёзувга етиб келгач, бурилишиди.

Малика Осиё кетаркан, деди:

– Ошхонага қайтиб, кўпроқ одамларга хизмат қилиш вақти келди. Хабарингиз бор, эртага қиролнинг туғилган куни. – Бироздан кейин у сўради – Бу ерда ишлайпсизми?

– Йўқ! Мен учун бирон иш борми? – деб сўради Жамил.

– Ҳа, мен сизга бирон иш топарман. Боғдорчиликка нима дейсиз?

– Мен буни ҳеч қачон қилмаганман. Лекин ҳамма ишни бажаравераман.

– Мен сизга ўргатадиган одам топаман. Менга ҳозир боғбон керак. Лекин аввал қирол Саша билан гаплашишим лозим.

– Ажойиб! Эртага ё индинга ёки байрамдан кейин учрашгунча!

Пашия маликаси Осиё шошилмасди. Улар фаввора олдидаги скамейкага бориб ўтиришди.

– Ўзингиз ҳақингизда кўпроқ нарса айтиб беринг.

Жамил унга яриморолда ўтган болалиги, зилзила, эчкиси Лаки ва қандай қилиб маҳлуқни алдагани, унинг азобланиб ўлгани ҳақида гапириб берди.

Малика уни ҳайратланиб тинглади. Йигит қизнинг ҳеч қачон бу воқеани эшитмаганидан хурсанд эди. Кейин у Мотамсаролар юртида бўлгани тўғрисида ҳам айтди. Қизга ҳашарот чақиши уни ўлдиришига сал қолгани кулгили туюлди ва Жамил уни махлуқ деб ўйлаганини айтганида кулиб юборди.

Йигит аёллар бошлиқ бўлган ўлкада бўлгани ҳақида индамади. Сўнг маликага қандай қилиб саҳродан ўтганини сўзлаб берди ва бу қизни жуда қизиқтириди. Малика унга кўп саволлар берди, айниқса, сувсиз қандай тирик қолгани ва иссиқни қай тарзда енггани тўғрисида сўради.

– Мен ҳам шундай саргузаштларни истайман, – деди у жингалак соchlарини бармоқлари билан силаб.

– Балки, бир кун буни биргаликда қиласмиз.

– Ўйлайманки, қирол Саша менинг бу ердан чиқиб кетишимга ҳеч қачон йўл қўймайди. Шундай қилиб, сизни саҳро чаёни чақдими?

– Агар биттаси чаққанида ҳам мен бу ерда бўлмасдим. Танам саҳронинг қаерларидадир қолиб кетган бўларди.

– Чўлдан ўтганингиздан кейин қаерга бордингиз?

– Денга келдим ва у ерда яшшим эсдан чиқмайдиган бўлди.

– У ерда бўлиш қандай экан?

– Ёмон эмас.

– Қани энди мен ҳам борсам!

– Нега?

– Билмадим. Мен фақат ўша ер ўзига тортаётганини ҳис қиляпман. У ерда мен учун нимадир бор гўё.

– Илтимос, ўзингиз ҳақингизда кўпроқ гапириб беринг. Ҳақиқий исмингизни ҳам билмайман, – деди Жамил. – Малика Осиё сизнинг расмий исмингиз бўлса керак, деб ўйлайман.

– Тўғри, – деди у, лекин қизнинг ранги ўзгариб кетди. Малика қошларини чимириди, аммо Жамил унга қараганида жилмайиб қўйди. – Бошқа сафар айтаман.

– Нега?

– Мен тез орада кетишим керак. Ахир шоҳнинг туғилган куни ва мен бу тантанада қўйлашим лозим. Бугун репетициям бор, – деди малика ўзини оқлаб, бироқ кетишига шошилмади. Улар жимгина дарё томон юришганида Жамил диққатини жамлашга қийналди. Қисқа вақт ичидаги жуда кўп нарсалар юз берди. Баъзида у туш кўраётгандай сезарди ўзини.

– Қаранг, – қиз унинг елкасига қоқиб, дарё бўйидаги улкан саройга ишора қилди. – Мен шу ерда ўсганман. Бу қиролича Наташанинг саройи. “Ўйғунлик (гармония) саройи” деб ҳам номланади. Биламан, сиз мен кўрмаган ер юзидағи кўп жойларда бўлгансиз. Лекин бу дунёдаги энг муҳташам бинолардан бири. Қирол Саша бунга жуда кўп пул сарфлади. Қурилиш учун йиллар керак бўлди ва у ердаги деярли ҳамма нарса энг яхисидир.

– Сиз шу ерда ўсганмисиз?

– Ҳа, шундай. Қиролича Наташа сувни жуда яхши кўради. Бу унинг расмий қароргоҳи. Унинг таътиллари учун денгиз бўйида ҳам саройи бор. Мен учун энг яхиси бу – кўлнинг ўртасида жойлашган “Сузувчи сарой” деб номлангани. Шу энг яхиси.

Улар жим юриб, ёғоч кўприкка етиб келишди. У ерда дарёда сузиб юрган ўрдаклар ва учиб юрган қушлар бор эди. Оқаётган дарё қуёш нурларида жилваланаарди. Жамил бу манзарага маҳлиё бўлиб қолди. У қушларга, ўрдак ва қуёшга, сўнгра маликага қаради.

– Мен сизни яшаш жойимга олиб боролмайман. Бунинг учун қиролича Наташадан рухсат керак.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Жамил.

– Кетишимдан олдин менга айтадиган гапингиз борми? – сўради малика.

– Менда иккита савол бор. Нега мени катта сарой майдонига таклиф қилдингиз?

– Сиз менга ёқиб қолдингиз. Менга сизнинг овозингиз, соchlарингиз, бўйингиз... сизга тегишли ҳамма нарса

ёқади. Сизни биринчи марта Абадий олов алангаси ёнида, сўнгра дарё бўйида кўрганимда ўзимда ниманидир ҳис этдим. Нимагалигини билмайман, лекин сиз билан ўзимни хотиржам сезаман, – деди малика самимий ва очиқлик билан. – Иккинчи саволингиз?

– Сиз шу ерда баҳтлимисиз?

– Нега сўрадингиз?

– Сизда ҳамма нарса бор, яна энг яхшиси...

– Ҳа, мен жуда баҳтлиман, лекин нимадир етишмаётгандай бўлади. Мен сизни ҳурмат қиласман, чунки сизда ҳақиқий ҳаёт тажрибаси бор. Келажакда қилмоқчи бўлган ишларингиз мавжуд. Мен сизни ҳақиқатдан ҳам дўст сифатида яхши кўраман. Айтганларингизнинг барчасига ишонаман. Нималигини билмаяпман, аммо нимадир етишмаётгандай...

– Ҳақиқий исмингиз нима?

– Бу муттаҳамлик! Учта савол бўлди, иккита эмас, – деди қиз кулиб.

– Майли, яна битта савол, – деди Жамил ҳам кулиб.

Малика яна қовоғини солди. Жамил унинг безовталанганини пайқади. Қиз жингалак соchlарини бармоқлари билан бир муддат силаб, ўйланиб қолди.

– Сиз учун буни билиш чиндан ҳам муҳимми?

– Йўқ, мен шунчаки ўйладимки...

– Майли, айтаман, лекин, илтимос, ҳеч кимга айтманг!

– Ваъда бераман.

– Бу сир ва дўст сифатида сирларимизни бир-бири мизга ишонсак бўлади, деб умид қиласман.

– Ҳеч кимга айтмасликка ваъда бераман. Мен яқинда келганман ва сиз бу ерда – Пашиаполисдаги мен таниган ягона одамсиз.

– Менинг исмим Винта, – деди малика унинг қулоқларига пицирлаб. – Винтана, лекин, илтимос, мени исмим билан чақирманг. Кейинроқ ўзим ҳақимда кўпроқ нарса гапириб бераман. – У ташвишланиб, атрофга қаради. – Жамил, менга исм қўйсангиз-чи. Мени

истаган исмингиз билан чақириңг. Малика Осиё деб чақиришингизни истамайман. Бу исмни менга қирол Саша берган. Менга фақат ўзингиз чақирадиган ва маъносини фақат ўзингиз биладиган исм қўйинг, – деди у йиғлаб. Маликанинг кўзларидан думалаб тушаётган кўзёшларни кўрган Жамил довдираб қолди.

Жамил муносиб ном топишга уриниб, бироз ўйланиб қолди.

– Майли, бундан кейин сизни Ҳаске деб чақираман.

– Ажойиб! – қичқирди у. Шунчалик таъсирландикি, кўзларидан оққан ёшни артишига тўғри келди. – Бошқа исм олганимдан жуда хурсандман. Ҳаске! – такрорлади у. – Қандай яхши исм! Раҳмат! – деди қиз. – Мен дарвоза соқчиларига айтаман, сизга ётиш учун жой беришади.

– Эртага кўришгунча, Ҳаске.

Бир ҳафта ўтгач, Жамил саройга боғбон бўлиб ишга кирди. Ишга кириш учун қирол Саша номига қасам ичиши шарт бўлмади. У ва Ҳаске вақти-вақти билан суҳбатлашиш учун учрашишарди. Жамил унга калит ҳақида ҳеч нарса айтмади. У ташрифининг асл мақсадини ошкор қилишга ҳали жуда эрта деб ўйлади. Ҳаёт унга баъзида ҳақиқатни билдиришга эҳтиёткор бўлишни ўргатди. “Саройдагилардан бирортасига хазинадаги қимматбаҳо нарсалардан бирини олишни хоҳлашимни айтиш катта хато бўлади”, деди у ўзига ўзи.

Жамил, шунингдек, Ҳаске ундан муҳим маълумотни яшираётганини ҳис қилди.

– Қиролича бу ерда сиз билан ўтиришимни маъкуллайдими? – деб сўради Жамил бир куни.

– Агар у рози бўлмаганида сиз бу ерда бўлмасдингиз, – деб жавоб берди Ҳаске.

– Қирол ҳазрати олийлари Саша-чи? – сўради Жамил.

– Қирол ҳозир йўқ. Лекин сиз ҳақингизда билади. Унинг бутун қиролликда айғоқчилари бор ва менинг қўриқчиларим ҳар куни хатти-ҳаракатларим тўғрисида унинг ўзига хабар беришади.

- Қиролича Наташа биз ўтириб сұхбатлашаёт-
ганимиздан мамнунми?

- Ҳа, у чиндан ҳам жуда хурсанд. У биз фақат дүстлар
эканимизни билади ва менинг қуи тоифадан, бегона
бўлса ҳам, гаплашадиган одамим борлигидан мамнун.

- Қирол ҳазрати олийлари Саша-чи?

- У сиз билан гаплашишимга мутлақо қарши. Биз-
нинг учрашишимизни ёқтирамайди. Қирол сизни менга
жуда ёмон бир нарса қилмоқчи, деб ўйлади. У сиз
бирон нарса учун келганингизни айтди, агар уни қўлга
киритолмасангиз, мени олиб кетиб, унга озор етказасиз
экан. Шу тўғрими?

- Сизга озор берадиган ҳеч нарса қилмайман ва
агар сиз бирон муаммога дуч келсангиз, сизни ундан
кутқаришга тайёрман. Шунингдек, агар бу ерда иш-
лашим сизга муаммо туғдирса, мен бошқа ердан ўзимга
иш топаман.

- Йўқ! Илтимос, мени нотўғри тушунманг. Агар
ташқарида учрашганимизда тансоқчилар кўз ўнгига
бўлсак, муаммо бўлмайди.

- Майли, қачонки бу муаммога айланса, айтинг, мен
Пашияни тарк этаман.

- Сиз қаерга борсангиз, ўша ерга бораман! - деди
Ҳаске қатъият билан.

- Нима демоқчисиз? - ҳайрон бўлди Жамил.

- Мен бу жойдан кетмоқчиман. Сиз билан саёҳат
қилишни ва ўзга юртларни кўришни хоҳлайман. Мен
дунё кезишни истайман. Мени кузатадиган кўзлардан
холи бўладиган жойим - бу ҳожатхона ва ётоқхонам.
Қирол Саша доим мени назорат қиласи. Мен эса эркин
бўлишни хоҳлайман.

Ушбу сұхбатдан кейин Жамилнинг ичига ғала-ғовур
тушди. Энди нима қилиш кераклигини билмай қолди.
У унга калитни олиш нияти ҳақида айтиши керакми?
Агар чиндан ҳам синовлардан ўтиш керак бўлса, улардан
ўтишга ҳаракат қилиб кўришнинг нимаси ёмон? Жамил

нимани хоҳлашини билмасди ва ҳар сафар ўзига калит учун келганини эслатганида у калит ёки Ҳаскени танлаши кераклигини ҳисэтарди. Баъзан, Жамил ўзидан “Ўзингни алдама, ростдан ҳам калитни хоҳлайсанми?” деб сўрарди. Ҳар сафар фикрини бир жойга йиғмоқчи бўлганида мақсадидан чалғиб кетаётганини ўйлаб ташвишланарди. Аста-секин унинг хаёлига калитни олиш энди мухим эмас, деган фикр кела бошлади. Пашиаполисга саёҳати ажойиб бўлди ва агар у калитга эга бўлмаса ҳам, кўрган-кечиргандари етарли эди.

Ҳақиқат шунда эдики, Ҳаске хаёлини калитдан кўра кўпроқ эгаллай бошлади. У баъзан, “Малика подшоҳ Сашанинг жосуси эмасмикан?” деб ҳам ўйлаб қоларди. Жамил уларнинг уч марта учрашиши тасодиф эмас, деб билди. Бу каби нарсалар шунчаки содир бўлмайди. Қирол Саша олдиндан хабардор бўлган ва у Ҳаскени унга хўрак сифатида юборган. “Нима учун саройда баҳтли эмаслигини яна қандай изоҳлаш мумкин? Унинг ҳамма нарсаси бор, лекин у мен билан саёҳат қилишни хоҳлашига ишонтиromoқчи. Ўзингга қара! Сенинг ниманг бор? Ҳеч нарса! Менимча, бу ғалати учрашувлар ва ғоялар ортида қирол Саша турибди. Мени қўлга олиш учун буларнинг ҳаммаси!”

Шунга қарамай, Жамил Ҳаскеда унга таъсир қила-диган нимадир борлигини инкор эта олмасди. Унинг йиғиси режалаштирилган бўлиши мумкин эмаслигини биларди. “Аммо у мендан ниманидир яширмоқда”, деб ўйлади у.

Жамил йиртқич ҳайвонга миннатдорлик билдира бошлади. “Агар маҳлуқ пайдо бўлмаганида мен уни алдамаган ва саёҳатга чиқмаган бўлардим. Бу ерда ҳам бўлмасдим, Ҳаске билан ҳам учрашмасдим! Раҳмат сенга!”

Сарой маслаҳатчиси Жамилга деди:

- Империя қарорлари сиз Пашия қироли Саша ҳазрати олийлари олдида ҳозир бўлганингизда тиз чўкишингизни талаб қиласди.

Икки сарой соқчиси уни аста-секин қирол Саша, қиролича Наташа ва малика Осиё кутиб турган маҳсус хонага кузатиб қўйиши. Жамил қўлда тўқилган гиламлар устида эҳтиёткорлик билан юриб бораради. Гипсдан нозик нақшлар туширилган деворларда турли хил ойналар бор эди. Маҳсус хонанинг деворлари вазалар, гуллар, қиличлар ва китоблар билан безатилганди.

- Пашия қироли, инсонлар ва жониворларнинг подшоҳи, ҳазрати олийлари, Жамил сиз билан учрашгани келди, - деб эълон қилди сарой маслаҳатчиси.

- Хайрли кун, Пашия қироли Саша ҳазрати олийлари, бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилинг, - деди Жамил таъзим билан.

Қирол Саша ўзининг катта тахтида ўтириб, табассум билан:

- Хайрли кун, Татаси оролидан келган ажойиб бола! - деб жавоб берди.

Жамил қирол орол ҳақида гапирганида ҳайратда қолди.

Шоҳ олдинга эгилиб:

- Ҳайвонни ўлдирган ва денгиздан ўтиб, оролини қутқарган йигитчя, менинг подшоҳлигимга хуш келибсан! Севикли қизим, Пашия олмоси, беғубор малика, бу дунёдаги энг қимматбаҳо гулғунчам сен ҳақингда жуда кўп қизиқарли нарсаларни айтди, - деди. - У менга буларни айтгунича айғоқчиларим сен тўғрингда рост хабарларни сўзлаб бериши. Қисқаси, мен сенинг кимлигингни ва бу ерга нима учун келганингни биламан!

Шоҳ Саша тахтдан ёрдамчи қўмагида тушиб, узун диванга, Жамилнинг ёнига ўтирди.

– Қарилик – дардисарлик, – деди у, – ҳатто подшоҳ учун ҳам.

Қирол ёрдамчисига оғриётган орқасини массаж қилишни буюрди.

– Ажойиб! – шоҳ Жамилга юзланди. – Бизда ҳамма нарсага даво бўладиган гуллар бор, фақат кексалик, аҳмоқлик ва ўлимдан ташқари.

Жамилга қирол Сашанинг ёнида ўтириш ноқулай эди. Бу унга ғалати туюлди. “Демак, подшоҳнинг кўриниши шундай экан-да?!” деди у ўзига, қиролнинг юз тузилишини ўрганаркан. Ёнида ўтирган шоҳнинг кўриниши Жамилни ҳайратда қолдирди.

– Ниҳоят, сен билан учрашганимдан жуда хурсандман, – деди шоҳ Саша ёрдамчи орқасини массаж қилиб бўлганидан кейин. – Мен бир сўзли, бирор нарсага эриша оладиган одамларни яхши кўраман. Ўйлайманки, йиртқич ҳайвонни алдаб ўлдирганингдан кейин ва бу ерга етиб келганингдан сўнг орзунг олтин калитнинг иккинчи ярмини олишдир.

Жамил бундай баёнотни кутмаганди. У бунга тайёрланмаганди ва қандай жавоб беришни билмай қолди. Дудуқланиб:

– Жаноби олийлари, нима дейишга ҳайронман, – деди йигит.

– Сен, албатта, бу ерга ўйин-кулги учун келмагансан. Сенинг аниқ мақсадинг бор. Сен каби одамлар шунчаки келишмайди. Ҳаётда босиб ўтган йўлинг сени тўғри калитга олиб боради. Буни аллақачон биламан ва мен ҳам тайёрман! Унутма, мен Татаси олтин калитининг расмий қўриқчисиман. Жуда кўп одам калитни олишга уриниб кўрди ва мағлуб бўлди. – Шоҳ Саша бироз танаффус қилиб, Жамилга бир неча сония қараб турди. – Тахтга содиқлик қасамёдини қилганмисан?

– Йўқ, – Жамил жавоб берди.

– Бу жуда яхши, чунки агар сен бу қасамёдни қилганингда калит учун кураша олмасдинг.

– Мен уни кўришим мумкинми? Уни фақат кўрсам, дейман. Агар Пашия қироли ҳазрати олийлари рухсат берса, қўлимни теккизсам ҳам, жуда хурсанд бўлардим.

– Албатта, уни кўришинг мумкин, – деди қирол Саша елка қисиб. – Калитни олиб келинг!

Иккита сарой соқчиси ёғоч қутида калитни олиб келишиди.

– Унга тегишга имкон беринг. Ушлаб кўрсин, майли, – деди шоҳ Саша ўйлаб ўтирумасдан.

Жамил кўзларига ва омадига ишонолмасди. Бир неча ой олдин у эришиб бўлмайди, деб ўйлаган нарса унинг олдида эди. Йигит ҳеч қандай муаммосиз калитга қўлини теккизди. “Бу бизнинг Татасида олиб юрганимиздан умуман фарқ қиласди. У калтароқ, эскироқ ва қалинроқ. Бу калитда қандайдир ўзига хослик бор. Ажойиб! Бу осмондан келган совфа. Татаси аҳолиси учун жуда катта аҳамиятга эга, аммо Пашиаполисда фақат қадимий ёдгорлик, холос”, деди Жамил ўзига ўзи. Қаҳрамонимиз калитга қараган сари ўзини курашиш учун сеҳрланаётгандай ҳис этди. “Бу калит Пашияга тегишли эмас. Уни жойига қайтариш керак ва бунинг учун қўлимдан келганича ҳаракат қиласман”, деб ўйлади у.

Жамил калитни қўриқчиларга қайтариб берди ва уни ушлашга рухсат бергани учун қиролга миннатдорлик билдириди.

– Сен калит учун курашишга тайёрмисан?

– Йўқ, ҳазрати олийлари, – жавоб қилди Жамил.

– Нима?! – шоҳ Саша бақириб юборди. – Сен Татасидан бир нарса учун келдинг, энди таслим бўласанми?! Сен қандай одамсан?! Сен ўйлаганимдек яхши жангчи бўлмай, таслим бўлсанг, жуда кўнглим қолади.

– Ўлкамизда бу ёқимли йигит бажариши мумкин бўлган кўп ишлар бор, – малика Наташа суҳбатга аралашди. – У ўқиши, ишлаши ёки армияда хизмат қилиши мумкин.

– Фақат армия эмас! – қирол Саша баланд овоз билан эътиroz билдири.

– Унинг елкасида тузуккина боши бор, – қарши чиқди қиролича Наташа ҳам.

– У буни исботлаши керак ва унинг бошида нимадир борлигини исботлашнинг энг яхши усули бу – калит учун курашишдир. Шу ният уни подшоҳлигимга олиб келган. У шунчаки келиб, фикридан қайтиб, бошқа нарса қила олмайди. Ҳеч қачон!

– Сизлар ҳар доим жанг ҳақида гаплашасизлар, – деди қиролича Наташа.

– Албатта, биз эркак эканимизни кўрсатиш учун курашишимиз керак, – жавоб қилди қирол Саша жилмайиб.

Пашия қироллигининг қироли ва маликаси баҳслаша бошлашди. Ҳаске жим ўтиради.

Жамил ортиқ калитни қўлга киритишин исташ-истамаслигига амин эмас эди. “Оролда кимдир менинг бу ерда эканимни биладими? Йўқ! У ерда кимдир калит ҳақида қайғурадими? Ишончим комил эмас! Кимдир калитни хоҳлайдими? Йўқ! Энди у оролга керакми? Йўқ! Орол учун муҳимми ўзи? Эҳтимол! Шу вақтгача ҳеч ким калит учун жангда ғалаба қозона олмаган, менда имконият борми? Йўқ!”

У эски калит ҳозирги янги оролга керак эмаслигига ўзини ишонтиришга уриниб ўтиради. “Нима учун фойдаси бўлмаслиги мумкин бўлган нарса учун курашишим керак?” Олтин калитни кўриш ва унга қўл теккизишдан кўнгли қониққандай туюлди. Энди йигитчанинг курашадиган сиёҳи йўқ эди. У баҳона топишга уринарди. “Етарлича узоқ саёҳат қилдим, – деб ўйлади. – Қирол уни бериб қўймайди, шундай экан, нега ташвишланишим керак?” Жамил орол учун ўз ҳиссасини қўшгандай ҳис қилди ўзини ва энди бошқа нарсалар билан шуғулланадиган вақт келди, деб ҳисоблади.

У Ҳаскега кўз қири билан қаради. Қиз билан учрашиш унда аввал ҳеч ким билан тўймаган ҳиссиётни пайдо қилди, ҳатто ота-онаси ва бобоси билан ҳам бундай бўлмаган. Унда ўзига таниш бўлган кучли одами, унга ҳавас қилган инсонни кўрди. Улар биринчи учрашганларидан бери у кўзларини юмиб, маликанинг ҳар бир қадамини, ҳар бир киприк қоқишини, ҳар бир табассумини ва соchlарининг ҳар бир жингалагини тасаввур қила оларди. Қизнинг борлиғи унинг хотирасида чуқур муҳрланганди. Жамил Пашиаполисга келганидан бери анча ўзгарганини пайқади. У ўзини қандайдир хотиржам ҳис қиласарди. Шунингдек, қувонч, ҳаяжон ва ишончга тўла эди, айниқса, Ҳаске ҳақида ўйлаганида ёки у ёнида бўлганида.

Жамил билиб-бilmай ўзининг муҳим вазифаларини сўроқ остида қолдирди. У ҳеч қачон Ҳаске қилганидек бирортаси унинг диққатини чалғитишига ва кўнглини эгаллаб олишига ишонмаган бўларди. Қиз унинг қаршисидаги стулда жингалак соchlарини бармоқлари билан силаб ўтиаркан, Жамилунга ўғринча қараб қўйди. Малика ҳаётидаги ҳамма нарсани эгаллаб олган тўлин ойга ўхшарди. Эҳтимол, шунинг учун унга Ҳаске, яъни Татаси тилида “ёруғлик” деган маънони англатадиган исмни бергандир. У Жамилнинг ҳаётини ёритганди. Қиз жуда кўп ижобий нарсаларни бера олдики, ҳар сафар у ҳақида ўйлаганида унинг йўли ёрқинроқ бўларди. Йигит яна маликага қаради. Ҳаске буни пайқади ва жилмайиб қўйди. Жамил ҳақиқатдан ҳам уни тарк этиб, калит учун курашмоқчими? Бу шафқатсиз танлов эди: калит ёки Ҳаске. У “Жамил, сен иккаласига ҳам баравар эга бўла олмайсан!” деб ўлади.

ЎН ИККИНЧИ БОБ Химералар билан жанг

Бир неча кундан сўнг бир оқшом қиролнинг катта саройининг майсазорида Ҳаскенинг кулгиси узоқдан эшитила бошлади. Жамил тўлин ой остида юриб, унга аёллар бошлиқ бўлган мамлакатдаги кўрганлари ҳақида гапириб бераётганди. Уни кулдирган нарса бир аёлга уйланишдан олдин икки эркак ўртасидаги дуэл эди.

– Энди нима учун у ерда қолиб кетмаганингизни биламан. Сиз кўрқоқ экансиз! Қани энди қирол Саша ҳам бу ерда шуни ташкиллаштиrsa. Мен у ердаги аёлларнинг фикрига кўшиламан. Ўғил болалар ва эркаклар жанг қилишлари керак.

– Мен кўрқоқ эмасман! Олдимда мақсад бор эди ва у ерда яшашни хоҳламадим. Агар мен жанг қилиб ғалаба қозонганимда сиз билан бу ерда бирга бўлмасдим. Агар ютқазганимда ҳар ерда бўлишим мумкин эди, аммо бу ерда эмас, – Жамил хотиржамлик билан тушунтириди.

Орага узоқ жимлик чўқди.

– Нима ҳақида ўйлаяпсиз? – деб сўради Ҳаске улар чироқ остидан ўтаётганларида.

– Кўп нарсаларни.

– Баҳтлисиз! Ўйлаш учун кўп нарсангиз бор.

– Ташвишланадиган нарсам кўп.

– Нима, масалан?

– Калит учун синовлар. Нима деб ўйлайсиз, нега шоҳ Саша мен синовларни қаҷон топширишимни ҳал қилиш учун вақтни пайсалга соляпти?

– У шоҳ, сиз эса унинг подшоҳлигидасиз. Ҳаммаси оддий. Сиз калитни хоҳлайсиз, у эмас, шунинг учун сабрли бўлишингиз керак. Нега шоҳяпсиз ўзи?

- Шошмаяпман, бу шунчаки ёқимсиз. Сизнингча, атайлаб шундай қиляптими?

- Йўқ! У ўзи шундай одам.

Улар бошқа чироқقا яқинлашганларида Жамил Ҳаскега ўгирилиб тўхтади ва иқрор бўлди:

- Ростини айтсан, Ҳаске, мен энди калит учун курашмоқчи ёки синовлардан ўтмоқчи эмасман. Мақсадимдан воз кечдим ва Пашия қироли ҳазрати олийлари Сашани бундан имкон қадар тезроқ хабардор қилмоқчиман. Мен орол олдидаги бурчимни бажардим, деб ўйлайман ва калитни қолдирмоқчиман. Менинг ҳаётимда қилмоқчи бўлган бошқа ишларим бор.

Ҳаске ҳайратга тушди. У оғзини очганча қотиб қолди.

- Буни жиддий айтаётган бўлишингиз мумкин эмас!

Жамил Ҳаскедан буни кутмаганди, фикримни маъқуллайди, деб ўйлаганди. Шунинг учун довдираб қолди.

- Мен жиддий гапирдим: таслим бўлдим.

- Нега?

- Нима учунлигини билмайман.

- Сизда бирон сабаб бўлиши керак.

- Менда жуда кўп сабаблар бор.

- Нима улар?

- Менда уни олишга имкон йўқ, деб ўйлайман.

- Бу баҳона эмас.

- Шоҳ Саша мендан ҳар қанақасига халос бўлади.

- Хўш, нимани назарда тутяпсиз?

Жамил тўхтаб қолди. У Ҳаскенинг унга қараб турганини биларди, лекин кўзи тушишидан ўзини олиб қочди. Бошини эгиб давом этди:

- Ҳаске, мен тез орада йигирма ёшга кираман. Татасини ўн тўрт ёшимда тарк этдим... Тўғри, мен олтин калит учун узоқ йўлни босиб ўтганман, лекин мақсадлар ўзгарди.

- Ҳали ҳам тушунмаяпман, – деб туриб олди Ҳаске унга яқинлашиб.

– Мен келажагим ҳақида жиддий ўйлаяпман. Агар мени шоҳ Саша ҳайдаб юборса, қаерга бораман ва нима қиласман? Бу ердан кетганимдан кейин қандай ҳаёт кечираман? Агар калит учун кураш түғридан-түғри ёки бевосита сизга зарап етказса, нима бўлади? Сизнинг азоб чекишингизни кўришни истамайман, – Жамил ҳаяжонланиб тушунтиришга уринди. – Мени нотўғри тушунманг, мен калитни олиш фикримда ҳар доимгидан ҳам қатъийман, аммо бу жараёнда сизни йўқотишни хоҳламайман. Энди тушундингизми?

– Йўқ, мен тушунмаяпман, – деди Ҳаске. – Жамил, менинг кўзларимга тик боқинг. Сизга нима бўляпти? Хаёлингиздан нималар ўтяпти? Сиз Татасидан бир нарса учун шунча йўл босиб келдингиз, энди унга қўлингиз етай, деганда таслим бўласизми? Олтин калит бу ердан эллик метр нарида, сиздан эллик метр нарида... шундоққина катта саройда! Етиб келганда воз кечасизми? Мен буни тушунолмаяпман. Агар менга зарар етмаса-чи? Сизнинг бунчалик ожизлигингизни билмасдим. Мен доим жасурлигингизга қойил қолардим. Энди эса ҳаётингиздаги энг катта синовдан қочмоқчимисиз?!

– Ҳаске, сиз тушунмаяпсиз, – англатишга уриниб кўрди Жамил ҳамон кўзини олиб қочиб. – Мен ожиз эмасман. Агар менинг омадим чопмаса, яъни ютқазсам, нима бўлади? Мабодо, шоҳ мени ҳайдаб юборса-чи?

– Нима қилиби?!

– Мен кўрқоқ эмасман! Мен фақат сизни йўқотишни истамайман, тушуняпсизми? Агар калитни оламан, деб сиз ва мен ажралиб кетсан, нима бўлади? Сизни ҳам, калитни ҳам йўқотиш имумкин-ку. Мен фақат сизни ўйлаяпман! – Жамил кучи ва ўзига бўлган ишонч борлигини тушунтиришга уринди, аммо Ҳаскени йўқотиш ҳақидаги даҳшатли фикр уни қийнаётганди.

– Тушундим! Демак, ҳаммаси мен сабабли. Сиз учун шу қадар муҳим эканимни билмасдим, – деди Ҳаске. – Аммо

биз шунчаки дўстмиз. Мен учун ташвишланманг. Ҳеч нарса сизни ҳаётдаги мақсадингиздан чалғитмаслиги керак. – Жамил унга диққат билан қаради. Қиз мулойим овозда хотиржамлик билан давом этди. – Жамил, эшигинг, агар келажакда бизга бирга бўлиш насиб этса, бирга бўламиз. Бунга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Агар насиб этмаган бўлса, кураш хоҳ бўлсин, хоҳ бўлмасин, калит ёки калитсиз, қирол Саша бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, бизни ҳеч нарса бирлаштирумайди. Хўпми?!

– Энг ёмонини ўйлаб кўринг, Ҳаске. Шоҳ Саша мени химералар билан жанг қилишга юбориши мумкин, – деди Жамил овозини баландлатиб.

– Нега бу қадар ҳаяжонланасиз? Тинчланинг! Муаммога дуч келганда биз унинг ечимини топамиз.

– Химерани қандай енгиш мумкин?

– Бўлди, тинчланинг!

– Аммо, Ҳаске, сиз қандай қилиб химерани мағлуб қиласиз? – Жамил саволни такрорлади.

– Шоҳ Саша айтганидек, ҳар бир эркакнинг ичидаги йиртқич бор. Ўзингизни кўрсатиш вақти келди. Ҳаммаси оддий! – деди Ҳаске секин юриб. – Нега кўрқяпсиз? Жасоратингизни йўқотдингизми?

– Йўқ, йўқотмадим, лекин нима қилишни билмаяпман.

– Сиз нима қилишни жуда яхши биласиз. Шунчаки саросимага тушяпсиз, холос, – деди у бироз тўхтаб. – Йиртқич ҳайвонга қараб, уни алдаш жуда кўрқинчли, дедингизми?

– Йўқ, мен ундей демадим, лекин...

– Нима лекин?

– Мен бу ерда оролга кераксиз бўлиши мумкин бўлган калит учун курашиб ўлишни хоҳламайман. Ҳаётимда фойдали бирор иш қилишни истайман.

– Агар сиз йиртқич сув ҳайвонини алдаб ўлмаган экансиз, қирол Саша улар билан курашишинг керак, деса, химералар билан жангда ҳам ўлмайсиз. Жамил, бу номус масаласи ва сиз кучли бўлишингиз керак. Менга

қарашларингизни ўзгартираман, деб ваъда беринг. Фолиб бўлиш учун яхши ниятли бўлиш зарур.

– Хўп, ваъда бераман!

* * *

– Бу ерда зерикмаяпсизми? – қиролича Наташа бир куни тушда Жамилдан сўради. – Қизим сизни охирги пайтларда ғамгин деб ўйлаяпти, – деди у чин дилдан хавотирланиб.

– Асло ундей эмас, – деди Жамил жилмайиб ва онасига норози қараб қўяётган Ҳаскега боқди.

– Мен сизнинг кўнглингиз ғаш бўлаётганини тушунаман, чунки подшоҳ қарор қабул қилиш учун жуда узоқ вақт талаб қилмоқда. Сиз сабрли бўлишингиз керак. Афсуски, мен бу каби масалаларда қиролга таъсир ўтказа олмайман. У шоҳ ва сўнгги қарорни ўзи беради. – Қисқа вақт орага жимлик чўқди. – Сиз учун жуда хавотирланяпман, – хайриҳоҳлик билан қиролича Наташа давом этди. – Оролга қайтишни хоҳлайсизми ёки шу ерда қолишними?

– Бу кўп нарсаларга боғлиқ.

– Масалан, нимага?

– Мисол учун, ҳазрати олийлари қандай қарор қабул қилишига. Албатта, агар қирол Саша ҳазрати олийлари мени ўз қироллигидан ҳайдаб юборса, оролга қайтишим керак бўлади. Мен малика Осиё ҳазрати олияларига Татаси калитини қайтариб олиш ҳақида қаттиқ қайғурмаётганимни айтдим, – деди Жамил Ҳаскега ўғринча қараб.

– Мен сизни тушуна оламан, лекин сиз шуни мақсад қилгансиз. Ҳозир оролни соғинаётган бўлсангиз керак. Ахир ундан анча вақтдан бери узоқдасиз.

– Ҳа, лекин оролга қайтиб боришни жуда ҳам хоҳламайман. Мен мақсадим бўлган калитни кўрдим ҳамда уни ушладим. Бу мен учун етарли ва мен мамнунман.

– Пашияда шундай гап бор: меҳмон бўлиш яхши, лекин уйинг энг яхшиси.

Шоҳ Саша кулиб хонага кириб келди.

– Бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилинг, – деди Жамил ва ўрнидан туриб ҳурмат билан таъзим қилди.

– Мўъжиза бола, шу кунларда нима қиляпсан? – деб сўради шоҳ Саша ўтириб.

– Ҳеч нарса, ҳазрати олийлари.

– У оролга калитсиз қайтишни ўйлаяпти, – деб қиролича Наташа ҳаммасини ошкор қилди.

– Ҳеч қачон! Сен менинг подшоҳлигимга калитни олиш ниятида келдинг. Ортга қайтиш учун жуда кеч! Биласанки, қоидаларни мен тузаман.

Улар биргаликда овқатланишиди.

– Олинг, марҳамат! – деди қиролича Наташа табассум билан. – Сиз кўп овқат ейишингиз керак. Ёшсиз ва кучли бўлишингиз зарур.

– Бу ерда нима бўляпти? – деди шоҳ Саша қошларини чимириб. – У мени жангда мағлуб этишини хоҳдайсизми? Бирор фитна уюштиряпсизларми, дейман?!

– Сиз бундай ёш йигит билан жанг қилиш учун жуда кексалик қиласиз, – деб кулиб юборди қиролича Наташа.

– Мўъжиза бола, мен ёш ва кучли бўлган пайтимда энг яхши курашчи эдим. Менинг орқам ҳеч қачон ерга тегмаган. Шунинг учун мени “Мушук шаҳзода Саша” дейишарди. Шоҳ бўлганимда ҳам ҳеч ким мени мағлуб этолмади.

– Аммо сиз ҳозир жанг қила олмайсиз, – деб жавоб қилди қиролича Наташа.

– Ҳа, бел оғриғи орттириб олдим. Менда бир фикр бор, у билан жанг қила олмас эканман, мен уни “Хавфли аждаҳо” деб номланган қироллик чемпиони билан курашишга мажбур қиласман. У жуда шафқатсиз. Жамилни икки сонияда яксон қиласди. – Сўнг қаҳрамонимизга қараб деди: – У сенинг суюкларингни бўлакларга бўлиб ташлайди.

– Йўқ, энди бизга бу кучни намойиш қилиш керак эмас. У тинчгина овқатлансин! Йигитчага шунчаки калитни беринг ва оролига бус-бутун қайтсин. – Қиролича Наташа ғазабланди. – У ҳаётда етарлича азоб чекди. Бошидан ўтганларини тасаввур қилинг-а! Энди унинг Хавфли аждаҳога дуч келишини хоҳлаяпсизми?

Шоҳ Саша қироличанинг гапларини эътиборсиз қолдирди.

– Ҳаётимда биринчи марта калитни истаган одам билан кураша олмайман-а!

– Жамил, бу сиз учун яхши аломат, – дея пицирлади қиролича Наташа.

Шоҳ Саша Жамилга қаради ва шундай деди:

– У елкасида яхши боши борлигини исботлаши керак. – Қирол бир муддат Жамилга тикилиб турди. – Яхши, калит учун биринчи синовинг ақл-идрокка боғлиқ бўлади – бу сенинг елкангда яхши бош борлигини исботлашинг учун. Алгебрадан зоологияга қадар асосий фанларни қамраб олган олтмишта китобни ўқийсан ва билимли ҳакамлар ҳайъати томонидан синовдан ўtkazиласан. Бу олти ойдан кейин амалга оширилади. Хеч қандай қўшимча вақт берилмайди!

– Сизга маъқул келгани бўлади, ҳазрати олийлари! Бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилинг, – деди Жамил.

– Агар синовдан ўтсанг, сенга қиролнинг олтин медали берилади, – деб тушунтирди шоҳ Саша.

– Ва у калитни олиб, оролга қайтиши мумкин, – деди қиролича Наташа.

– Йўқ, бундай бўлмайди. Агар у мағлуб бўлса, мен бунга умид қиласман, менинг подшоҳлигимдан ҳайдалади. Агар ўтса, яна калитни олиш учун курашиши керак. Шуни ёддан чиқармаки, менинг қўшиним калитни олиш учун курашган ва ким уни қўлга киритишни истаса, у ҳам жанг қилиши зарур. Татасиликлар буни менга тантанали равишда тақдим этишмаган. Шундай экан, мен ҳам уни жангсиз Жамилга бермайман. Ҳаммаси оддий. – Шоҳ

Саша оёққа турди. – Калит император хазинасидаги энг муҳим бойликлардан биридир ва олтин калитнинг кўриқчиси сифатида мен уни ҳимоя қилиш ҳамда ўз подшоҳлигимда сақлаш учун барча воситалардан фойдаланаман. Агар сенга олтин керак бўлса, ерни чуқурроқ қазишинг керак. Агар марваридни хоҳласанг, дengiz tubiga шўнғишинг лозим. Агар калитни истасанг, бир нечта қийин синовлардан ўтишинг шарт. Калитни олишнинг осон йўли йўқ. Қисқаси, мен буни мўъжиза бола учун осонлаштиromoқчи эмасман. У менга мўъжиза бола эканини исботлаши даркор!

– Яхши, биз унинг химераларга ёки Хавфли аждаҳога дуч келмаслигига умид қилсак бўладими? – деб сўради қиролича Наташа.

– Мен ҳеч нарсага кафолат беролмайман. Синов қандай бўлишини билмайман. Бу менинг кайфиятимга боғлиқ.

* * *

– Энди сизнинг миянгиз нимадан ясалганини кўрамиз, – Ҳаске Жамилни мазах қилди.

– Хавфли аждаҳо билан ҳам, химералар билан ҳам курашишим шарт эмаслигидан жуда хурсандман, – деб жавоб берди йигит.

Жамилни императорнинг Илғор Таълим институтига олиб боришли. У ерда барча китоблар ва синовга тайёргарлик кўриш учун хона берилди.

– Қандай қилиб қирол Саша олти ой ичидаги мени буларнинг ҳаммасини ўқиб ўрганади, деб ўйлади? – Жамил хонадаги китобларни кўриб, ўзидан ўзи сўради. – Бунинг иложи йўқ-ку.

Ўша кеча Жамил ички овозига қулоқ солди: “Ҳеч қачон имконсиз, деб айтма. Сен синаб кўришинг керак. Ушбу калит учун узоқ йўл юрдинг ва ҳар бир муаммонинг ечими бор. Сен чиқиш йўлини топишинг

лозим. Қирол Сашага имтиҳондан ўтиш учун ақлинг борлигини исботлашинг зарур. Ҳаскега буни қила олишингни кўрсатишинг керак. Қандай қилиб тик туриб, унинг кўзларига қараб “Мен буни қилолмайман”, деб айта оласан? Шарманда бўлишни тасаввур қил!”

Тонгда Жамил режа билан уйғонди. У тез ўқишни синааб кўрмоқчи бўлди. “Тўшакда ётиш билан миямга билим кирмайди. Ҳаракат қилиб кўришим керак”. Йигит тез ўқишни синааб кўрди ва кун давомида кўплаб саҳифаларни ўқиганига ўзи ҳайрон қолди. Кечқурун у ўрганган нарсаларини умумлаштиаркан, ўзини эшлишиш ва асосий маъноларни ёдлаб қолиш учун овозини чиқариб ўқишга қарор қилди. Жамил шу хонадан қирол Сашанинг бронза бюстини топиб олди ва унга ўқиб бера бошлади.

– Сенга ўқиб бераман, – деди у, – ва эслаб қоламан. Сендан билимларимни оширишда ҳамда калитни олишда фойдаланаман.

Қаҳрамонимиз жуда қисқа вақт ичида маълумотларни ўқиш ва ёдлаш қобилиятидан ўзи ҳайрон қолди. У китобларни тугатди ҳамда имтиҳонлар олдидан қайта кўриб чиқишига ҳам улгурди.

Олти ойлик муддат тугаганидан сўнг Жамилни империя Илмий Кенгаши аъзолари синовдан ўtkазиш учун Билим ва Катта Ақл биносига олиб келишди. Кутиш залида Жамил олти ой олдин Ҳаскенинг айтган сўзларини эслади:

– Шоҳ Саша сизни химералар билан курашишга жўнатмайди. У фақат жиноятчилар, қочоқлар ва, айниқса, тахтга содиклик қасамини бузганларни юборади. Сиз бу қасамёдни қабул қилмагансиз, ташвишланмасангиз ҳам бўлади. У қиласидиган энг ёмон нарса – бу сизни ўз подшоҳлигидан ҳайдаш. Иккаламиз оролга қайтиб, абадий баҳтли яшашимиз учун калитни олишингизда мен қўлимдан келган барча ишни қиламан.

Жамилни катта залга олиб киришди.

– Илтимос, ўтириңг, – деди кенгаш раиси. У Жамилни, комиссияни, медални ва жараённи таништириди. Йигит ҳайъатга қаратилган қалин қора чарм стулга ўтириди. У ҳаяжонланиб, атрофга қаради. Шунда кўзлари унга қўл силкитаётган Ҳаскенинг кўзларига тушди. Жамил шунчаки жавобан бош ирғади.

– Бизнинг биринчи мавзумиз – алгебра, – деб эълон қилди раис.

Савол-жавоб уч соатдан ортиқ давом этди. Жамилдан барча фанлар бўйича саволлар сўралди. У деярли ҳаммасига жавоб берди. Ҳайъат қарор қабул қилиш учун танаффусга чиққанида ўзидан мамнун бўлди.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳакамлар қайтиб келишди. Раис Жамилни мақтаб, узоқ нутқ сўзлади ва:

– Биз бир овоздан сиз аъло баҳога топширдингиз, деган хуносага келдик. Пашия қироли Саша ҳазрати олийлари сизни қиролнинг “Олий билим” олтин медали билан мукофотлашини таклиф қиласиз, – деб сўзини яқунлади.

Жамил раиснинг сўзларини эшлишиб, қулоқларига ишонолмади. У шунчалик хурсанд эдики, ҳатто буни ифодалай олмасди. Жилмайганча Ҳаске ҳаяжондан сакраётган ва қарсак чалаётган галереяга қаради. Малика зинадан пастга қараб югурди ва севинганидан йигитни қучоқлаб олди.

– Баракалла! Мен сиз билан жуда фаҳрланаман! Чиндан ҳам қойил қолдим! – уяна Жамилни қучоқлаганча ийғлай бошлади.

– Мен буни сиз учун қилдим, – деб пицирлади у Ҳаскенинг қулогига.

– Биламан, раҳмат сизга!

Ҳаске Жамилни саройга олиб борди.

Қиролича Наташа уни катта эшиклар олдида одатдагидек табассум билан кутиб олиш учун айрим қоидаларни бузди. У ҳам ҳаяжонда эди.

– Яхши, ўғлим, – деди у ва Пашиаполисга келганидан

бери биринчи марта Жамилни қучоқлади. – Мен сиздан жуда хурсандман ҳамда фахрланаман! – Улар зиёфат дастурхони ёзилган хонага киришди. – Демак, нафақат кўркамсиз, балки ҳақиқий тилла йигитсиз! Биласизми, жуда кўп одамлар ушбу синовдан ўта олмайдилар. Сизнинг имтиҳондан аъло баҳо билан ўтишингиз ғайритабиийдир. Бу дунёда тенги йўқсиз! Биринчи уриниш аъло!

Жамил ва қироличани ёлғиз қолдириб, Ҳаске билдирмай чиқиб кетди.

– Оч бўлсангиз керак, – давом этди қиролича. – Мен озиб кетганингизни кўриб турибман. Шоҳни кутиб ўтирамаймиз. Бугун маҳсус кун ва у тушунади.

– Ҳаммаси яхши! Мен имтиҳонни топширганимдан жуда хурсандман, энди бадарға қилинмайман.

– Энди сизнинг оролга қайтиб борганингизда ўз халқингизга кўрсатадиган медалингиз бор. Умид қила-манки, балки маликани ўзингиз билан олиб кетарсиз. У ҳаётда суюнчиқقا муҳтож ва сиз буни уddaрай оладиган ягона одамсиз. Қизимга дунёни кўриш ва англаш учун бироз саргузаштларга тўла саёҳат керак. Шунга иккалангиз учун жуда хурсандман. Ростини айтсам, мен сизнинг ҳамма нарсани қила олишингизни ҳис этаман... сиз чиндан ҳам ҳамма нарсани қила оласиз, ҳатто тоғларни қимиirlатишингиз мумкин. Нима учунлигини билмайман, лекин имконсиз нарсанинг ҳам уddасидан чиқишингизга ишонаман. Ўспирин ёшингизда сиз учта эчкили режангиз билан йиртқич ҳайвонни алдадингиз. Кейин калитни олиш учун саёҳатингизни бошладингиз. Йўлда кема ҳалокатини бошдан кечирдингиз ва кейинчалик саҳродан ўтдингиз. Пашияга келиш учун жуда кўп тўсиқларни енгдингиз ва бугун қиролликнинг энг қийин синовларидан бирида ғолиб бўлдингиз. Бу ғайриоддий ҳолат. Баракалла! Мен қизим учун ҳам ғоятда хурсандман. У жуда хавотирда эди. Айтишим керакки, сиз унинг ҳаётига кириб келганингиздан бери

у жуда ўзгарган. Пашияда қиз аёл бўлгунча ўндан орти, марта ўзгаради, деган гап бор. Малика балоғатга етди, гулдай очилди, гуллаб-яшнади. У энди ҳаётга тайёр! Сиз унинг ҳаётига жуда керакли вақтда кириб келдингиз ва мен иккалангизнинг порлоқ келажакда биргаликда камолга етишишингизга ишона оламан. Мен қизимнинг ҳаётни танишини истайман ва шунинг учун ҳам уни сиз каби хавфсизлигини таъминлай оладиган одам билан қўйиб юборишга тайёрман.

Онаси сўзларини якунлаган пайтда Ҳаске янги либосларда, улуғвор кўринишда кириб келди. У узун қизил кўйлак ва баланд пошнали туфли кийган эди.

– Ниҳоят, нишонлашга арзигулик сабаб бор, – деди қиз. – Мен жуда ҳам баҳтлиман! Бугун менинг ҳаётимдаги энг ажойиб кун бўлиб қолади. – У гисдан ўйилган нозик нақшлар ёпиштирилган ойнада ўзига диққат билан қараб чиқди ва кейин Жамилга юзланди. – Жамил дунёга мияси қандай эканини кўрсатди!

Қиролича Наташа йигитга ичимлик узатаётиб, пичирлаб деди:

– У ажойиб, шундай эмасми?! Сиз ҳақиқатдан ҳам омадли йигитсиз!

Ҳаске яқинроқ келди. Ундан ширин ифор тарагиб турарди.

– Жамил, мен сиз билан жуда фахрланаман! Энди ҳаётда каттароқ нарсаларни орзу қилишингиз мумкин. Умид қиласманки, бу сизнинг орзунгиз томон ташланган улкан қадамдир.

– Чалғиманг, кичкина маликам! Бундан кейин нима бўлишини фақат қирол Саша билади. У қарор қиласади ва унинг қироллигига сўнгги сўз унивидир, – дея огоҳлантириди қиролича Наташа.

Улар овқатланар экан, қирол Саша ҳассага таяниб кириб келди. У ғамгин кўринарди. Жамил нохушликни сезди. Учалалари ҳам овқатланишни тўхтатди ва подшоҳ ўтиргунича туриб туришди. Жамил учрашганларидан

бери оиринчи марта қирол Саша кўзини олиб қочганини пайқади. У ташвишга тушган Ҳаскега қаради. Қиролича Наташа асабийлашиб:

– Яхшимисиз, севгилим? – деб сўради.

– Йўқ, яхши эмасман! – жавоб қилди у.

Ҳамма индамай овқатланди.

– Сенинг биринчи синовдан ўтганинг ҳақида эшитдим, – гап бошлади шоҳ Саша ҳамон Жамилнинг кўзларига қарамай. – Кўриб турганингдек, мен медални топширадиган аҳволда эмасман. – Узоқ жимлик чўкди. Кейин шоҳ шошилиб давом этди. – Мен сенинг кейинги қирқ саккиз соат ичидагача учта химера билан жанг қилишингни буюрдим. Қочиб кетмаслигинг учун ҳозирдан жангчигача сени уй қамоғига олишади. – У гапираётганида Жамил подшоҳга қаради ва кўз ўнги қоронғилашиб кетди. Унинг қичқиргиси келди, лекин хотиржамлигини йўқотмади. – Агар сен муваффақиятли жанг қилиби, химераларни мағлуб этсанг, сенга медал ва калит берилади. Сен бу ерга келишни ҳамда калитни кўлга киритишни танладинг. Тақдирингни ўзгартириш учун жуда кўп имкониятларинг бор эди, аммо бундай қилмадинг. Ҳар бир нарсанинг ўз нархи бор. Ҳеч нарса осон ва арzon бўлмайди. Омад тилайман, мўъжиза бола!

Қиролича Наташанинг кўнгли сўнди. Ҳаске йиғлаб юборди.

– Аммо у етарлича азоб чекди... – норозилик билдириди қиролича.

– Бу менинг қироллигим ва императорлик анъана-ларини ҳимоя қилиш – менинг бурчим. Мен Пашия қироли ва калит қўриқчиси эканимни эслатиб қўяй!

Икки соқчи Жамилни олиб чиқиб кетаётганида қирол Сашанинг “Бу менинг подшоҳлигим, бу ерда ҳеч ким мени курашга чорлаб, эркинликда қолмайди”, деганини эшитди.

– Химера ўзи нима? – Жамил соқчидан сўради.

– Химера – ярим одам ва ярим ҳайвон ёки бир неча жониворларнинг аъзоларидан иборат бўлиши мумкин. Қирол Сашада ўн беш хил химера бор ва уларнинг барчаси турлича. Иккита бир хил химера йўқ. Энг машҳурининг боши шерники, танаси каркидонники, қўллари одамни-ки ва оёқлари эса отнинг оёқлари.

– Раҳмат!

– Қара, – соқчи ихтиёрий равишда давом этди, – билишимча, қирол Саша сен билан жанг қилиш учун утласини танлаган. Улар энг яхши учлик. Аслида сен химералар билан курашолмайсан, улар сени дарҳол ўлдиришади. Химералар қирол Сашанинг маҳфий қуроллариридир. Баъзилар уларни сўнгги босқичдаги қурол, деб атасади. Шоҳ ҳайвонларини жуда яхши кўради ва душманларидан халос бўлиш учун улардан фойдаланади. Шунингдек, ўлимга маҳкум этилган ашаддий жиноятчиларни йўқ қилишда ҳам химералар жалб этилади.

– Тушунарли, лекин мен ҳеч қандай ёмон иш қилганим йўқ.

– Сен ҳеч қандай ёмон иш қилмадим, деб ўйлайсан, лекин бу ерда шоҳ қарор қабул қиласади.

– Демак, мен улар билан курашолмайман, шундайми?

– Ҳа! Улар сени дарҳол ўлдиришади, – соқчи очиқчасига тушунтириди.

– Мен уларнинг қандайлигини кўра оламанми?

– Йўқ, кўра олмайсан.

– Кимdir қачондир химерани ўлдирганми? – деб сўради яна Жамил.

– Йўқ! Бир неча йил олдин бир киши рингдан чиқиб қочиб кетган.

Жамил қамалиб ўтиаркан, ўзининг устидан кулди. У нима учун химералар билан жанг қилиш ҳақида ҳеч қачон

жиддий ўйламаб кўрмаганига ҳайрон бўлди. Эҳтимол, Ҳаске тўғрисида кўпроқ ўйлаб юборгандир. Суҳбатларда химералар ҳақида гап кетганда ҳам Жамил асло айтилган фикрларга эътибор қилмаган. У бу ғалати маҳлуқларни Ҳаске билан кўриш имконига эга эди-ку. Ҳамма уларнинг саройда яширин жойда сақланишини биларди. Аммо Жамил бир кун улар билан рингга тушишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У ҳеч қачон қирол Саша уни шафқатсиз ўлимга юборади, деб ўйламаганди. “Ахир, бу малика ва қироличага азоб бериши мумкин. Демак, ҳазрати олийлари учун менинг ҳеч қандай аҳамиятим йўқ, – деб ўйлади Жамил. У ҳайвонлар ҳақида онгида тасаввур ҳосил қилишга уринди. – Ҳеч бўлмаганди мен маҳлуқни алдашдан олдин уни кўргандим”.

– Сўнгги истагингиз нима? – соқчи Жамилдан сўради.
– Жанг олдидан маликани кўришни истайман.
– У буни аллақачон сўраган ва қирол Саша рози бўлган.

Қоровул узоқлашди ва бироздан сўнг қайтиб келди.
– Сўнгги савол: охирги кечки овқат учун нима истайсиз?
– Бу муҳимми?
– Ҳа, муҳим, чунки бу сизнинг охирги кечки овқатингиз-ку.

Жамил жавоб бермади. Ўша кеча у яхши ухлади. Уйғонганида бу унинг ҳаётдаги сўнгги куни бўлиши мумкинлигини эслади, лекин умуман асабийлашмади. Жангга тайёргарлик кўраётганида Жамил Ҳакурининг унга берган матосини кийими остига яширди. “Бу мен учун жуда муҳим. У билан ўлсан ҳам бўлаверади”, деб ўйлади у.

– Жамил, – қичқирди бир овоз. – Охирги сафарга ҳозирлик кўр!
Тайёр бўлгач, Жамил камерадан чиқиб, сумкасини узатди.
– Менда бор нарса шу.

- Ҳеч кимга юк бўлмайдиган мард одам сифатида вафот этиш - бу ўлимнинг энг яхши усули, - деди қоровул.

Пашиаполис марказидаги улкан ёпиқ стадионда Жамилни ерости камерасига кузатиб қўйишди. Тахминан ярим соат ўтгач, тақиллаган овоз эшитилди ва соқчи Ҳаске билан бирга келди. Қиз хурсанд жилмайиб турарди, ҳатто кўз ҳам қисиб қўйди.

- Хайрлашишга келдим. Мен ҳар доим сизнинг жасоратингизга қойил қолганман ва сизни доим хотирамда сақлайман. Сиз менга жуда кўп нарсаларни ўргатдингиз. Кучли бўлинг ва қўрқманг! Ақлингизни жуда кўп марта ишлатгансиз ва уни қайта ишлатиш вақти келди. - У қоровулга юзланди. - Илтимос, у билан фақат бир дақиқа ёлғиз қолсам майлими?

- Сиз икки дақиқа қолишингиз мумкин, Пашия маликаси Осиё ҳазрати олиялари, - деб жавоб қилди қоровул мулойимлик билан.

Ҳаске Жамилга бош бармоғининг катталигича келадиган кичик қалай идиш берди.

- Буни бирон жойга яширинг, - деб пичирлади малика.

Йигит уни олиб, кўйлаги ичига яширди.

- Нима у?

- Бу малҳам, - деди Ҳаске оғир нафас олиб. Эшитиш воситасини Жамилнинг ўнг қулоғига жойлаштириди. - Мен сиз билан шу орқали гаплашаман. Фақат менинг кўрсатмаларимга амал қилинг. Мен барча химераларни биламан. Уларни амалда қўрганман ва заиф томонлари ҳам менга маълум. Биргаликда барчасини енгишимиз мумкин, - у йигитнинг кўзларига тик қараб пичирлади. - Жамил, қўрқиш йўқ, хўпми?!

- Қўрқиш йўқ! - тасдиқлади Жамил Ҳаскенинг қўлларини сиқиб.

- Вақт тугади, - деди баланд овозда қоровул эшикни очиб.

- Омад ёр бўлсин, мўъжиза бола! - деди Ҳаске ва кетди.

- У ҳақ, - деди қоровул. - Химералар билан жангда сенга кўп омад керак. Улар мен кўрганлар ичида энг шафқатсизи. Ўлишингни билиб, ўзингни қандай ҳис қиляпсан?

Жамил жавоб бермади.

Ўн беш дақиқадан сўнг Жамилни рингга олиб чиқиши. Уни қичқириқлар ва мазах қилишлар кўрқитмади. Йигит оломонга қарамасликка уринди, лекин Ҳаскени бирров кўра олишга умид қилди. У турган еридан қирол ложасига қаради, шунда қизнинг жингалак соchlари кўринди. Малика қирол Саша билан баҳслашаётганга ўхшарди. Қиз ғазаб билан ложадан югуриб чиқиб кетди. Ҳаске кўздан ғойиб бўлганида қўриқчилардан бири Жамилга олдинга юришни буорди. У бошини кўтариб, ўзини "СҮНГГИ ҚАДАМЛАР" деб ёзилган улкан экранда кўрди.

Бошловчи рингга кириб келди. Ринг оддий бокс рингидан тахминан уч баравар катта эди. У ёрқин ёритилган стадионнинг ўртасига қурилганди. Бошловчи сукут сақланишини сўради. Бир соқчи олтин калитни олиб келиб, оломонга кўрсатди.

- Пашия қироли Саша ҳазрати олийлари, у бизга узоқ вақт ҳукмронлик қилсин, бу калитнинг қўриқчиси ва уни ҳар қандай усул билан ҳимоя қилишга ўзини бурчли ҳисоблади. Жамил исмли мана бу йигит калитни хоҳлаб келган. Бурчини бажариш учун қирол Саша калитни ҳимоя қилиш мақсадида учта химерани танлади. Барчангизга маълумки, химералар ҳеч қачон одамзодга мағлуб бўлмаган. Ҳеч бир инсон уларни енголмаган. Шоҳ Саша ҳар доим "Одамзод табиатан аҳмоқдир. Улар олов билан ўйнашади ва куйишади", деб айтган. - Бошловчи Жамилга яқинлашди. - Аҳмоқ одам ҳар дақиқада туғилади, битта аҳмоқ йигит ўлишни танлаган ва бизнинг кўз олдимизда у ўлади. Бу унинг танлови!

Барчангизга маълумки, шоҳ Сашанинг фалсафаси оддий. Тақдир бу – танлов, тасодиф эмас. Жамил, билмаганлар учун айтяпмиз, Татаси оролидан чиқиб, калитни олиш учун бутун йўлни босиб ўтди. У бу шоҳлиқда бўлишни ва ўлишни танлади.

Стадионда қичқириқлар янгради.

- Сен бир дақиқадан сўнг йўқ бўлиб кетасан!
- Сўнгги илтижоларингни бизга эшиштир!

Жамил бу луқмалардан ташвишланмади. У қироллик ложасига диққат билан қаради ва Ҳаске ҳали ҳам йўқлигини пайқади.

– У ўлсин! У ўлсин! У ўлсин! – оломондан яна ҳайқириқлар янгради.

Жамил химерани қўришни кутиб турганида ўнг кулоғида шовқин эшишти.

– Жамил, бу сизнинг Ҳаскенгиз. Мени эшиштаётган бўлсангиз, икки марта бош ирғанди.

Эшишиш воситаси орқали Ҳаскенинг ёқимли овози эшишилиб турарди. Жамил хотиржам бўлиб, икки марта бош ирғади.

– Зўр! Биз биргамиз ва химераларни биргаликда енга оламиз. Мен уларни жуда яхши биламан, чунки улар билан болалигида, ҳали ўлдириш ўргатилишидан анча олдин ўйнаганман. Химераларнинг заиф томонлари ҳам менга маълум. Умуман олганда, ҳар қандай химерага жуда яқин борманг. Ҳайвонлар доимо ҳайвон бўлиб қолаверади. Сиз диққатингизни тўлиқ жамлашингиз керак. Эътиборингизни ҳеч нарса чалғитмасин. Битта ҳам хато қилишингиз мумкин эмас. Ҳудди сув маҳлуқида бўлгани каби ғолиб битта ва иккинчи имконият йўқ! Мени эшиштапсизми?

Жамил яна икки марта бош ирғади.

– Ажойиб! Маҳлуқни алдаганингиз каби ўз топқирлигингиздан фойдаланинг. Ушбу жангга умуман қўрқмасдан киринг. Ҳар доимгидек қатъиятли бўлинг. Ўзингизга, кучингизга ва ҳар нарсанинг уддасидан

чиқа олиш қобилиятиңгизга ишонинг. Ғалаба ва калит сизники, азизим! Мени әшиятпизми?

Жамил бош ирғади. Бошловчи у томон юрди.

– Тайёрмисан?

– Ҳа! Уларни олиб келаверинг, – ишонч билан жавоб берди йигит.

– Пашия қироли Саша ҳазрати олийлари, бизга узок вақт хукмрон бўлинг, беғубор малика Осиё ҳазрати олиялари, муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Келишув қоидалари шундай: адолат юзасидан Жамил бир вақтнинг ўзида фақат битта химера билан курашади. Биз ҳалол ўйинга ишонамиз. – Жамилга қараб сўради: – Тушундингми?

– Ҳа, – бош ирғади Жамил.

– Сенга нисбатан тақиқлар қўлланилиши ҳақида келишиб олинди, – деди бошловчи.

– Бу нимани англатади? – деб сўради қаҳрамонимиз.

– Ҳужумга учраган бўлсанг ҳам, ҳеч ким сенга ёрдам беришга келиши мумкин эмас.

– Аммо менга айтишларича, химераларнинг ўргатувчилари бор, – деди Жамил баҳслашмоқчи бўлиб.

– Сенга калит керак, химералар эмас.

– Яхши, – деб кўнди Жамил.

– Бу жанг ҳар бир химера билан охиригача курашишдир. Ҳеч қандай дуранг бўлмайди.

– Розиман.

– Рингдан қочиш йўқ.

– Хўп!

– Жамил, – бошловчининг овози залда гумбурлади, – тайёрмисан?!

– Ҳа!

– Марҳамат, биринчи химера!

Бошловчи рингдан чиқиб кетди.

Эшитиш мосламасидан Ҳаскенинг овози әшиятildi:

– Жанг бошланди. Тинчланинг! Биринчи химерани мен Йиртқич деб атайман. Бу хартуми ва тишлари бўл-

маган филнинг боши, горилланинг танаси ҳамда отнинг туёқларига эга химера. Йиртқич жуда кучли ва унинг кучи қурбонларини уриб ўлдириш қобилиятидадир. Бу химеранинг “Қотил зарбаси” деб атайдиган ўлдирувчи аниқ зарбаси бор. Йиртқичнинг асосий қуроли – тиканли қўлқоп. Илтимос, нима қилсангиз ҳам, яқинлашманг ва унга қарши курашаётганда кўзингизни юмманг. Хавотир олманг, мен унинг заиф томонини биламан. Енгиш жуда осон.

Химера оҳиста ва мағрурлик билан рингга кириб борар экан, ҳайқириқлар янгради. Ўргатувчилар уни Жамилга ҳужум қилишдан тутиб туришди. Ҳайвон ринг атрофида оломоннинг қичқириғига жавобан сакрай бошлади. Жамил рингнинг марказига таклиф қилинди. У химеранинг учдан икки қисмича келарди ва жуда ҳам қўрқаётганди. Йиртқич бесаранжом хириллаб, пишилларди. Унинг маймун танасига бўёқ чапланган ва ранг-баранг иштон кийганди. Жамил химерани бошдан то туёғигача ўрганиб чиқди. Унинг югуриш, сакраш ва ўлим зарбасини беришга имкон берадиган пружинали маҳсус ясалган туёқлари бор эди. Ўргатувчилар қўлқопни ёпиб турган матони ечиб олишганида Жамилнинг юраги деярли тўхтаб қолди. Ҳар бир қўлқоп унинг бошидан каттароқ эди ва иккисидан ҳам ялтироқ металл тиканлар чиқиб турарди.

Бир ўргатувчи Жамилдан:

– Уларга тегиб кўришни хоҳлайсанми? – деб сўради. Йигит жавоб бермади ва ялтироқ ўткир тиканларга тегмади. – Улар ўлдирадиган қуроллар, яхшими? – деди ўргатувчи жилмайиб.

– Жамил, қўрқманг! – эшитиш мосламасидан Ҳаскенинг овози эшитилди. Жанг бошланганидан дарак берувчи қўнғироқ чалинди. – Илтимос, яқинлашмасликни унутманг. Унинг кўриш қобилияти ёмон ва фақат яқин масофадан ҳужум қилиши мумкин. Масофани сақланг! Арқон бўйлаб, чеккаларда юринг. Четда ҳужум қилишни ёмон кўради. Унинг ҳужум доираси рингнинг

маркази. Шунингдек, юқори тезликда ҳужум қиласи. Фақат секинлик билан ҳалқа атрофида юришда давом этинг. Қотил зарбасини бериш учун бироз вақт кетади.

Химера ринг бўйлаб бир тарафдан иккинчи тарафга югуришни бошлади.

Ҳаскенинг овози яна янгради:

– У билан ўйин ўйнанг ва тескари йўналишда ҳаракат қилинг. Химера уришга тайёрланмоқда.

Химера югуриб, тезлигини ошира бошлаганида оломоннинг олқишилари ва ҳайқириқлари ҳам кўтарила бошлади.

– Яна иккита югуриш ва у қотил зарбасини беради. Ҳозир уни кўринмас лазер нурлари ёрдамида кўр қиласман. Химера югуришни давом эттиради, аммо ҳужумга қарши ҳимоясиз бўлади, чунки у қаерга кетаётганини кўра олмайди.

Жамил химеранинг мақсадсиз ва катта тезликда югураётганини пайқади. Йигит уни томоша қила бошлади. Ўргатувчилар хавотирланиб, ён томондан бақиришарди.

– Жамил, – деди Ҳаске ҳаяжонланиб, – у умуман, кўр бўлди ва уни йиқитишнинг энг яхши вақти келди. Химера олдинга ва орқага югураётганида уни чалиб йиқитинг. Йиқилгандан сўнг у ҳеч қачон турмайди.

Жамил қуляй фурсат пойлаб турди ва кейин оёғининг остига думалади. Химера тиканли қўлқопларига тушди ва юзидан шариллаб қон оқди. Ўргатувчилар югуриб кириб, химера билан банд бўлишаётганида Жамил ўз бурчагига қайтди.

– Баракалла! Жуда вақтида йиқитдингиз. Ажойиб ҳаракат! – деди Ҳаске.

Химерани судраб олиб кетишаркан, залда шовқинсурон бошланди.

– Сен алдадинг, – қичқирди кимдир ҳалқа четидан.

– Жамилга ичимлик беринг! – деди бошловчи.

– Жамил, – Ҳаскенинг овози эшитилди, – илтимос, улар сизга берадиган нарсаларни ичманг. Шоҳ Сашанинг

сизни зақарлаш учун “В” режаси бор. Диққатингизни кейинги жангга жамланг.

Жамил ўтириб кутди. У биринчи химерани мағлубиятта учратганидан хурсанд эди, ахир ҳеч ким қилмаган ишни қылганди. Яна Ҳаскенинг жангда бирга бўлганидан ҳам жуда шод эди. Шунингдек, уларни бирбирига боғлаб турган нарса борлигидан қувонарди. Йигит ўзига ишончни ҳис қилди, ҳатто ринг атрофида биринчи қаторда ўтирган расмий шахсларга жилмайиши ҳам мумкин эди.

– Сиз учун қувватбахш ичимлик, Жамил, – деди нозик қўлларида қадаҳни ушлаб олган хоним. – Кейинги химера билан курашиб учун сизга катта куч керак.

– Унинг гапларига учманг, – деди яна Ҳаске. – У қирол Саша учун ишлайди. Унда зақар бор.

Жамил ичимликни хушмуомалалик билан рад этди.

– Иккинчи химерага тайёрмисан? – деб сўради бошловчи.

– Ҳа!

– Иккинчи химера, марҳамат! – эълон қилди бошловчи.

Кейинги химера пайдо бўлганида оломон ҳуштак чалиб, қичқирди.

Ҳаске уни ишонтириди:

– Ҳуштак ва қичқириқдан чўчиманг! Бу мен Вампир деб атайдиган, бургут бошли, эчки танали ҳамда кенгуру оёқли химерадир. Алданиб қолманг, унинг қанотлари бор ва у уча олади. Шунингдек, ўзи хоҳлаганида кенгуру оёқларидан ҳам ажралиши мумкин ва ўлдирувчи тирноқларга эга.

Жамил хавотирли кўзларини химерага тикиди. Аммо “Учиш ҳудуди йўқ! Учиш ҳудуди йўқ!” деган қичқириқларни эшитмасликнинг иложи йўқ эди. Гап нимада эканига қизиқаркан, Ҳаске тушунтириди:

– Оломон сизнинг учиб кетишингизга халақит бериш учун ҳалқа устига темир тўр қўйилишини хоҳляяпти.

Жамил химерага яқинлашди. Унинг атрофида бешта ўргатувчи бор эди. У ялтироқ тирноқларнинг силлиқланганини кўрди. Йигит бир мунча вақт кўзларини химерадан узмай турди. Бир-бирларига тикилиб турганда Жамил ўргатувчилар қанотларни ечиб, уларга нимадир сепаётганини пайқади. Химера Жамилга қараганда пастроқ эди.

Бошловчи сукут сақланишини сўради.

– Пашия қироли Саша, одамлар ва ҳайвонлар шоҳи!

Оломон бир овоздан бақириши:

– У бизга узоқ вақт ҳукмрон бўлсин!

Бошловчи сўзларини давом эттириди:

– Қирол халқнинг хоҳишини қабул қилди ва учиш тақиқланган худуд ўрнатилди.

Олқишилар янгради.

– Жанговар ноғораларни эшитайлик! – қичқирди бошловчи.

Саккиз кишидан иборат, ноғора чалиб ўтирган йигитлар гуруҳи Жамилга қараб куйлашди:

– Қочгани ҳеч жойинг йўқ,

Яширингани йўқ еринг!

Учадиган жойинг йўқ,

Сен бир ўзингсан, ўзинг,

Жамил, сен-чи ёлғизсан!

– Жамил, тўр қўйилди, оломонни хурсанд қилиш учун чироқлар ўчирилиб, мушакбозлик бўлади. Бу сизни чўчитмасин. Кўрқманг! Қирол Саша учиш тақиқланган худудни ўрнатди, чунки у сизни уча олади, деб ўйляяпти. Шоҳ ҳеч ҳам таваккал қилмайди. Вампир – бу ҳозирги кунгача яратилган энг хавфли химералардан бири. Унинг тирноқларига портловчи моддалар ўрнатилган ва у ҳаракатланадиган ёки учадиган ҳар қандай нарсага ҳужум қилиши мумкин. Жанг пайтида бу химера рингнинг марказидан ўлим келтирувчи парвозни бошлиди. Уни енгиш учун ўзингизга қулай ҳолатда туриб олинг. Сўнг химерани алдашингиз керак. Аввал

ўз бурчагингизга боринг. Кейин ўзингизни учмоқчи бўлгандай қўрсатинг. Бу, албатта, найранг. У сизни таъқиб қилаётгани учун тезликни чамалаб юқорига учади. Бургут сингари ниманидир мўлжаллаганида ҳавода йўналишини ўзгартира олмайди. Менинг режам – у бурчакка ҳужум қилади ва ўзини ёқиб юборади. Омадимиз келса, унинг хавфли тирноқлари ринг четидаги тахтага урилиб, ўт чиқаради ва бу ўз навбатида химерани ёқиб юборади. Аслида у ўз портловчи моддаларини одамларга ташлайди, ёғочга эмас. Максимал даражада ҳушёрлик ва чақонлик талаб қилинади. Вақт жуда муҳим. Бир сонияга ҳам шошилсангиз ё кечиксангиз, ҳалок бўласиз. Сиз буни тўғри бажаришингиз керак.

Жамил ва Вампир иккаласи ҳам қизишиб олиш учун у ёқдан бу ёққа юришганида бир-бири билан асабий нигоҳ алмашишди. Жамил ўз бурчагига борди ва иккинчи арқонга худди учмоқчи бўлгандек юқорига қараб ўтирди.

– Яхши, – деди Ҳаске. – Учмоқчи бўлаётганингизга ишонтилинг.

Вампир ўз бурчагига чекинди ва силкиниб сакрай бошлади.

– Жамил, у рўпарадан ҳужум қилишни мўлжалляяпти, нишон бўлишга тайёрланинг.

Оломон Вампирни олқишлий бошлади:

– Унга ҳужум қил! Унга ҳужум қил!

Вампир бир неча сонияда оғзини очиб, қанотларини ёйди ва олдинга ташланди. У портлатгичларни тўғри рақибиға мўлжаллаб, иккита тирноқли оёқларини чиқариши билан Жамил пастга сакраб тушиб, ерга думалади. Махлуқ унинг устидан учиб ўтиб, ринг бурчагига бориб урилди. Ерга думаларкан, Жамил Вампирнинг қанотларини қоқиб, умидсиз қичқираётганини кўрди. Оломон ҳам шовқин соларди. Портлатгичлар ринг бурчагига урилгач, олов олгани учун химера ёна бошлади.

– Яна ажойиб бўлди, Жамил, баракалла! Аъло бажардингиз. Ҳамма сизнинг парвозингизни кутди, сиз эса пастга тушдингиз. Қандай ёнаётганини кўряпсизми? Ачинманг! Унинг ўрнига сиз куишингиз мумкин эди. Танаффус сўранг.

– Илтимос, ҳожатхонага кирсам бўладими? – Жамил бошловчидан сўради.

– Ҳа! Биз сизни чақиргунимизча шу ерда туринг.

Жамил яна Вампирга қаради. Оғриқдан бақириб қанотларини қоқар, кўзлари отилиб кетгудек чақчайган эди. Ўргатувчилар жон-жаҳди билан оловни ўчиришга ҳаракат қилишарди.

– Боринг, Жамил, дам олинг, – деб ўтинди Ҳаске. – Вампир ўз оловида қовурилсин.

Жамилни ҳожатхонага олиб боришиди.

– Баракалла! – деди Ҳаске бироздан сўнг. – Сиз илгари ҳеч ким қилмаган ишни қилдингиз, кетма-кет иккита химерани енгдингиз. – Кейин узоқ жимлик сақланиб қолди. Жамилнинг кўнглига таскин бериб, яна эшитиш мосламаси орқали қизнинг овози эшитилди. – Сиз буни кўрмаган бўлишингиз мумкин, аммо Вампир сизнинг бурчагингизда кўйиб ўлди. Улар сўнгги химерага рингни тайёрлашмоқда. Мен ҳам рингга яқин жойга кўчиб ўтдим. Агар малҳам ҳалиям ёнингизда бўлса, илтимос, уни иккала кўзингизга ҳам ўртacha қилиб суртинг. Таъсир қилиши учун бироз вақт керак бўлади.

Жамил Ҳаске буюрганини қилди ва яна идишни кийимига яширди. Тахминан ярим соат ўтгач, қўриқчи келиб, Жамилни рингга олиб кетди. Ҳаске яна кулоқчин орқали гапирди:

– Чиқаётганингизни кўряпман, лекин мени қидирманг. Сиз ҳозиргача яратилган энг хавфли ҳайвонга ва қирол Сашанинг қурол-яроғ арсеналида бўлган энг кучли қуролга дуч келмоқдасиз. Жамил, кўрқманг, биз уни биргаликда енгамиз. Нима бўлганда ҳам ваҳимага тушманг! Ушбу химера битта шохи бўлган шернинг

боши, антилопанинг қулоқлари, эчки танаси ва одамнинг узун қўллари ҳамда оёқларига эга. Уни "Сеҳргар" деб аташади. – Оломон Сеҳргар рингга икки ўргатувчи билан кириб келаётганида ўрнидан туриб олқишилади. – Ундан кўрқманг! Унинг кучи илонсимон думида, у ҳозир кўздан яширин. Тайёр бўлгач, уни чиқаради ва сизга ўлдирадиган заҳар сочади. Заҳар сизни фалаж қилади ҳамда ҳужум қилиш ва ямлаб ютишни унга осонлаштиради. Кўзингизда малҳам бўлгани сабабли сиз илонсимон дум пайдо бўлганида уни кўрасиз ва сочилган заҳарни ҳам пайқайсиз. Сиз ундан қочиб қутулиб, омон қола оласиз. Агар заҳар ўлжани заҳарламаса, Сеҳргар кучини йўқотади. У эса заҳарланмагунча ўлжасини юта олмайди ва янги заҳарни ҳам ишлаб чиқаролмайди, – деб пичирлади Ҳаске. – Жамил, – дея давом этди у, – мен ўргатувчиларнинг мушт билан жанг қилишни ўргатаётгандарини кўряпман. Кўрқаманки, сиз у билан яккана-якка курашишингизга тўғри келади. Омад ёр бўлсин!

Жамил ўзини қўлга олиб, химерани баҳолай бошлади.

– Жамил, – деб қичқирди бошловчи, – тайёрмисан?

– Ҳа, тайёрман!

– Охирги дуо-илтижонгни қилишни хоҳлайсанми?

– Худо мададкор бўлсин!

Ҳаске уни химерага яқинлашмаслик ҳақида огоҳлантиради.

– Шунингдек, у заҳрини чиқармасидан олдин юзма-юз курашишда ўлжасини жароҳатлаши мумкин, – деб шивирлади у. – Иложи борича тўқнашишдан сақланинг. Бу химера сизга қарши жанг қилмоқчи, аммо у билан курашманг. У тишлайди ва тишлари хавфли бўлиши мумкин.

Жамил боксчига ўхшаб сакраб айланишни бошлади.

Химера дарҳол уни узун қўллари билан ушламоқчи бўлиб, олдинга қараб ҳаракат қилди. Йигит ҳар қандай тўқнашувдан қочди. У кўзларини ҳайвонга тикди ва

химера тўхтаганида Жамил унга иккита зарба берди. Ҳайвон чўчиб кетди. У бошини силкитиб, олдинга ташланди. Қаҳрамонимиз чап берди ва уни ўтказиб юбориб, яна зарба берди.

- Баракалла! - деди Ҳаске. - У қарши ҳужумни кутмаган эди. Уни уришда давом этинг.

Вақти-вақти билан химера тўхтаб, бўкирар ва стадионда янграётган қўшиққа рақс тушар эди. Оломон эса:

- Шафқат йўқ! Ўлдир уни! Ўлдир уни! - деб ҳайкирарди.

Жамил ринг бўйлаб югуриб, ҳар қандай яқин алоқадан қочарди.

Сеҳргар Жамилга ўгирилиб, уни ушлаб олмоқчи бўлди, аммо йигит ундан қочиб кутулди. Химера тўсатдан унга кучли зарба берди. Жамил йиқилди ва оломон ҳайқириб юборди. Сеҳргар унинг ўрнидан туришини кутиб, яна бир зарба берди. Йигит гандираклаб, тағин йиқилиб тушди. Энди унинг бурни ва оғзидан қон шовуллаб оқарди. Сеҳргар ринг ўртасида рақсга тушишни давом эттирди. Оломон Жамил қулаганидан хурсанд эди ва аллакимлар:

- Уни йўқ қил! Сеҳрингни кўрайлик! Найранг кўрсат! - деб бақиришарди.

Жамил қаттиқ азоб чекаётганди. У ўрнидан туриб, жангни давом эттиromoқчи бўлди, аммо Сеҳргар уни тепиб юборди. Химера йигитни кўтариб, бўғзидан тутиб олди. Жамилнинг кўзлари отилиб чиқай, деди ва у бақира бошлади. Махлуқ уни янада қаттиқроқ бўғганида йигит энди нафас ололмаётганини сезиб, кўзларини юмди. Химера чангалини бўшаштириб, уни юзига яқинлаштирди. Рақибини мазах қилмоқчи бўлгандай тилини чиқарди. Жамил кўзларини очди ва шер бошининг ажин босган пешонасини ғира-шира кўрди. Сеҳргар Жамилни ҳанузгача ушлаб турар экан, уни уч марта боши билан уриб, рингдан отиб юборди.

Стадионда гулдурос қарсаклар янгради. Химера ринг ўртасида рақсга тушишда давом этди.

Жамил Ҳаскенинг овозини эшитарди, лекин унинг гапларини тушуна олмади. У оғриқдан ерга ётиб олди. Кўзларини юмди ва бир лаҳзага Ҳаскенинг устига келиб, ўрнидан туришга ундаётганини кўргандай бўлди. Жамил унинг шундай деганини эшитдим, деб ўйлади:

– Сиз йиқилдингиз, лекин енгилмадингиз! Сеҳргарни ҳамон мағлуб эта оласиз!

У базўр кўзларини очди, лекин Ҳаске бу ерда йўқ эди. Унинг атрофида оломон йигитни ҳақорат қилиб, қичқириб бақиради.

– Уни химерага ташланг, – деди бошловчи.

Бир нечта ходимлар Жамилни ердан кўтариб, рингга ташладилар. Химера уни уриш учун олдинга ташланганида Жамил биринчи бўлиб унинг қорнига уришга муваффақ бўлди ва ўрнидан турди. Сеҳргарнинг жони оғриди. Ушбу зарба Жамилга бир неча сония ичидан ўзини тутиб олишга ва сакрашни давом эттириб, химерани уришга имкон берди. Иккаласи ринг ўртасида бирбирига аёвсиз зарбалар берди. Бирдан Сеҳргар тўхтаб, сакраб-сакраб арқон томон юрди. Мусиқа баландроқ янграй бошлади ва томошабинлар қўшиқ айтишиб, қарсак чала бошлишди.

– Энди у сеҳрга тайёр! – деди Ҳаске. – Антилопа қулоқлари билан шернинг боши оломоннинг қарсаклари остида секин айланади. – Ушбу томошага алданманг. У сизнинг эътиборингизни чалғитишга ҳаракат қиляпти.

Сеҳргар ўгирилиб, оломонга юзланди, у ҳануз бошини айлантириб, ўкиради. Ҳаскенинг овози асабийлашди.

– Ҳозир у энг хавфли босқичга ўтмоқда. Яхшилаб қаранг, сиз илонсимон думнинг сизни мўлжаллаётганини кўрасиз. Кўряпсизми? – деб сўради қиз.

Жамил бош ирғади.

– Кўрқманг! Сиз томошабинлар ичидан ўргатувчилардан ва мендан бошқа ҳеч ким кўрмайдиган

нарсаларни кўра оласиз. Сиз кўринмас қуролни кўра оласиз! Бу ерда “учинчи кўз” дейиладиган қобилиятга эга бўлдингиз, – деди Ҳаске.

Сеҳргар айланаетган боши ва ўкириши билан оломонни хушнуд этишда давом этди. Илонсимон думи энди ташқарига чиқиб, Жамилни нишонга олди.

– У тайёр бўлгач, Сеҳргар тўхтаб, сизга заҳар сепади. Химера оломонга қараб турган бўлса ҳам, сизни кўра олади. Бошининг орқа томонида кўзи бор. Шунинг учун кўзингизни юмманг.

Сеҳргар қўлларини силкитиб, оломонни айланадиган боши ва ўкириши билан хурсанд қилиб, ринг атрофидаги сакрашда давом этди. Жамил кўзларини тўлиқ пайдо бўлган илонсимон думдан узмасди. Бу уни тешик рангбаранг дум эди.

– Агар дум ранги қизилга ўзгарган бўлса, у ҳолда заҳар чиқишга тайёр.

Жамил кўзларини думдан узмасди. У қаерга бормасин, дум уни таъқиб этаётганини пайқади.

– Энди у сизни нишонга олди, сакрашга ва думалашга тайёрланинг.

Сеҳргар яна бир бор тўхтаганини пайқаганида Жамилнинг юрак уриши тезлашди ва бу сафар илонсимон думнинг оғзи очилиб, ранги ўзгариб кетди.

– Заҳар чиқади: уч, икки, бир! Сакранг ва ўмбалоқ ошинг! – кўрсатма берди Ҳаске. Жамил чапга сакради ва иложи борича узоққа ўмбалоқ ошди. – Жамил, баракалла! Сиз уддаладингиз. Ажойиб! Агар сиз ўрнингиздан туриб, юра олсангиз, унда сизга заҳар тегмаган.

Жамил ўрнидан турди ва ҳайратда қолган Сеҳргарга ҳамда унинг ўргатувчиларига қараб айланиб юрди. Химера оломоннинг кўнглини кўтаришни тўхтатди ва Жамилга кўзларида ҳақиқий кўркув билан қараб турди. Илгари ҳеч ким заҳардан қочиб қутулмаган эди, шунинг учун Сеҳргар ва унинг ўргатувчилари довдираб қолишлиди. Улар нима қилишни билмай қолдилар.

– Қўрқманг! У сеҳрини йўқотди. Ҳеч қандай кучи қолмади. Химера фақат ўз ўлжасини ямлаб ютиш орқали омон қолиши мумкин ва у заҳарлаган бўлсагина, ея олади. Сиз сеҳрни буздингиз. Ҳозир у бўкиришдан бошқа ҳеч нарса қила олмайди. Унинг қанча яшави мұхим әмас, энди у тирик мурда. Битта туртки билан қулайди.

Жамил ўз ғалабасидан жуда мағрурланиб, рингни айланиб чиқди. Оломон саросимага тушиб қолди. У Сехргарни битта бармоғи билан туртиб, ғалаба қозонганини кўрсатишга қарор қилди. Дарҳақиқат, химера гандираклаб йиқилиб тушди. Одамлар ҳайратдан довдираб қолишли. Жамил ҳам кўзларига ишонолмади. Ҳаске ҳаяжонланиб, рингга сакраб чиқди. Унинг кўзларида кўрқув бор эди. Малика бошловчини шошилтириди.

Бошловчи Жамилни табриклади ва уни “Химералар томонидан ўлдирилишни рад этган бола” деб номлади. Тезда калитни ҳамда қирол олтин медалини ғолибга топшириди. Жамил уларни ҳайратда қолган оломонга мағрур ҳолда намойиш қилди. Сўнг Ҳаске уни пастга тортди ва биргаликда югуриб кетишиди.

– Нега шошиляпмиз, Ҳаске?

– Қирол Саша тепада буйруқ бераётганини кўрмаяпсизми?

Жамил унинг орқасидан зинапоядан пастга тушди ва Ҳаске зўрға очган темир эшик ёнига борди. Қиз уловга сакраб чиқиб:

– Кетдик! – деди.

– Аммо бу қирол Сашанинг энг севимли улови-ку, – деди Жамил.

– Ҳа, тезроқ чиқинг, – деди у кўзларида кўрқув билан.

Ҳаске Пашиаполиснинг тор кўчаларида уловни ҳайдаб кетаркан, Жамил нима учун қочаётганларини ҳали ҳам тушунолмади.

– Аммо мен ютдим-ку, нега биз қочиб кетяпмиз?

- Ғалаба қозониш бошқа, Пашиаполисдан тирик чиқиб кетиш бошқа нарса, - дея тушунтириди Ҳаске жин кўчалардан жуда тез кетиб боришаркан. У условни чорраҳадан катта йўлга тез буаркан, пиёдаларни уриб юборишига сал қолди. – Осони тугаб, қийини бошланади, – деди малика ҳали ҳам жуда хавотирли кўринишида.

- Химералар билан курашиш осон эди, демоқчимисиз?

- Сиз ишнинг ярмини бажардингиз. Қолган иккинчи ярмини бажариш – менинг навбатим.

- Нима демоқчисиз?

- Қирол Сашанинг ғолиб бўлишингиз эҳтимоли билан бошқа режалари ҳам бор эди.

- Нима, масалан?

- У стадион ва шаҳарнинг турли жойларида қотиллар гуруҳларини жойлаштирган. Мен уларнинг қаердалигини биламан ва ҳозиргача улардан қочиб келяпмиз.

- Қотиллар?!

- Қирол Саша олтин калитнинг қўриқчisi ва мен унинг ягона қизиман. Бу икки нарсани у ҳеч қачон қўйиб юбормайди.

- Ва мен иккаласини ҳам ундан тортиб олдим! Пашиаполисда ҳамма нарса ғолибга. У менга ҳаётни қийинлаштироқчи эди, шундай эмасми?

- Шоҳ Саша ҳеч қачон нарсаларни тақдир измига ташлаб қўймайди. Биз унинг олдиндан нималарни режалаштирганини билмаймиз. – Бироз тўхтаб, Ҳаске сўнг яна қўшимча қилди. – Қиролича Наташа бизнинг режаларимиз амалга ошишини яширинча умид қиласди. Агар биз бу жойдан тириклайн чиқиб кетсак, у жуда хурсанд бўларди.

- Мен унга хавфсизлигимиз ҳақида хабар беришни ва кўллаб-кувватлагани учун миннатдорлик билдиришни жуда хоҳлардим.

- Буни бир дақиқада қиласми.

- Қандай? – деб ажабланди Жамил.

– Ушбу уловда қиролича билан видеоалоқа мавжуд. Ёдингизда бўлсин, бу қирол Сашанинг энг севимли улови!

Жамил қулиб юборди.

– Ҳой, қаранг, – Ҳаске бақириб юборди, уларни таъқиб қилаётган учта ҳужумчи вертолётларни пайқаб. – Роза вақтида келдик, – деди у ўрмонга етиб келиб, ўнгга бурилгач. – Мен бу жойни жуда яхши биламан. У ерда қиролича Наташанинг боғи бор ва ўрмон жуда қалин. Вертолётлар бизни ўққа тута олмайди.

Улар қалин ўрмонда бир соатча юришди ва Ҳаске Пашиаполисдан узоқлашганда хотиржам бўла бошлади.

– Энди биз қиролича Наташа билан гаплашишимиз мумкин, – деди у табассум билан.

Малика уловни тўхтатди ва ускуналар панелидаги тугмани босди. Кичкина видеозкран пайдо бўлди ва қисқа вақтдан сўнг улар қиролича Наташанинг жилмайиб турган юзини кўриши.

– Ойижон, биз соғ-саломатмиз ва Пашиаполисдан ташқарида эканимизни билдиromoқчимиз.

– Ажойиб, табриклайман! Олий ҳазратлари жуда ғазабланган. Илтимос, эҳтиёт бўлиб саёҳат қилинглар. Иккингизни ҳам яхши кўраман. Мўъжиза бола, илтимос, қизимга яхши ғамхўрлик қилинг.

– Ҳаммаси учун сизга миннатдорлик билдираман!

Қабул тўхтатилди.

– Келинг, йўлни пиёда давом эттирамиз, – таклиф қилди Жамил.

– Нега?

– Менимча, бу янада хавфсизроқ бўлади. Қирол Саша ҳеч нарсани тақдир измида қолдирмайди, дедингиз. У қиролича Наташа билан суҳбатдан қаердалигимизни аниқ билиши мумкин, тўғрими?

– Зийраксиз! – деди Ҳаске жилмайиб ва тиззасидаги сумкасини титкилади. – Мана, олинг, – деб у йигитга янги кийимлар, парик ва сохта мўйлов берди.

– Сиз ҳамма нарсани яхши ўйлагансиз.

– Ҳеч қачон қирол Саша билан ҳеч нарсани оддий деб ўйламанг. Калит сиз учун нимани англатишини биламан. Менга келсақ, мен ҳам саргузаштларни истайман...

Улар пиёда давом этишди. Бироздан сўнг узоқдан қарама-қарши йўналишдан бир фургон келаётганини кўришди ва буталар орасига югуриб яширинишиди.

– Машинани эртароқ тарк этиш яхши фикр бўлган экан, – деди Ҳаске яширинаётганларида.

Қуролланган аскарлар энди пиёда ҳолда уларни ахтара бошлишди. Жамил ва Ҳаске дарахтга чиқиб яширинишиди. Улар ўтиб кетишганидан сўнг йигит узоқ вақт кутиб турди ва пастга тушиб, атрофни кўздан кечирди. Ёлғиз эканларига амин бўлганидан кейин Ҳаскенинг пастга тушишига ёрдам берди.

Улар қалин ўрмон бўйлаб Ҳаске қочиб кетиш учун қайиқ боғлаб қўйган дарё томон юришни давом эттиришди. Дарёга етиб келишганида Жамил Ҳаскега қайиққа сакрашга ишора қилишдан олдин атрофни диққат билан ўрганиб чиқди.

– Кейинги шаҳар Ден, агар бизни ушлаб олмасалар, биз тонг отгунча уерда бўлишимиз керак. Тўлиқ қоронғи тушгач, сузиб кетамиз, – Ҳаске шивирлади.

– Мен саргузашт тугади, деб ўйлаганимда...

– Балки, сизники тугагандир, аммо менини энди бошланди.

Иккиси қайиқда ўтирганида кун ботаётган эди. Қуёш нурлари уларнинг чарчаган ва хурсанд юзларида акс этаркан, бир-бирига жимгина қараб ўтиришарди. Жамил Ҳаскенинг йифлаётганини пайқади. У қизга тасалли берди. Бироздан кейин малика жимликни бузди.

– Сиз нима ҳақида ўйляяпсиз? – деб сўради Ҳаске.

– Кўп нарсаларни.

– Нима, масалан?

– Саёҳатим, ҳаётим ва қандай қилиб ҳозирги ҳола-

тимга етиб келганим ҳамда менга ёрдам берган инсонлар ҳақида.

– Хүш?

– Шунча одам менга ёрдам берди: Мотамсаролар юртидаги чол, Дендаги Ҳакурини доим эслайман. Мен яна учрашишга ваъда берганман ва сизни ҳам унга танишираман. – У ўрнидан турди ҳамда кийими ичидаги матони олиб кўрсатди. – Буни менга Ҳакури берган.

Ҳаске мато парчасига диққат билан қараб, бирдан қичқириб юборди ва дарёга қулаб тушай, деди. Жамил уни ушлаб қолди.

– Нима бўлди?

Ҳаске йиғлай бошлади.

– Бунинг сизга алоқаси йўқ, – у Жамилни ишонтириди.

Сўнг сумкасини очиб, қўлда тўқилган матонинг иккинчи ярмини чиқарди.

– Бу ақл бовар қилмайдиган нарса, – деди Жамил бош чайқаб. – Демак, Ҳакури сизнинг бувингиз экан-да. Мен буни фаҳмлашим керак эди, лекин у сизни ўлди, деб ўйларди.

– Мен ҳар доим бизни боғлайдиган нарса борлигини билардим.

Иккаласи биринчи марта учрашгандек, бир-бирига тикилиб қолди. Йигит ҳам, қиз ҳам ҳозиргина билиб қолган сирдан ҳайратланиб ўтиради.

Шундай қилиб, уларнинг қайифи Пашия қироллигидан узоқлашди.

ХОТИМА

Жамил ва Ҳаске Пашия қироллигидан қочиб кутулишди. Денда йигит қизга баққол бўлиб ишлаган жойини кўрсатди. Коло унга Ҳакурининг оғир касал бўлганини ва Расмаратга бутунлай қайтиб кетганини айтди.

– Агар уни тирик кўришни истасангиз, шошганингиз маъқул.

Жамил бойўғли ва тўтиқушни олиб, Ҳаске билан Расмаратга шошилди. Уерда Ҳакури аждодлари қишлоғи Керенияга кетгани ҳақида хабар беришди. Улар йўлда давом этиб, Ҳакурини ўлим тўшагида топдилар.

– Минг, – кампир зўрға эшитиладиган овоз билан пицирлади кўзлари юмилган ҳолда. – Келишингни билардим. Мен сени кутаётгандим. Пашия қироллигига муваффақият қозонишинингни сезгандим. Калитни қўлга киритганингдан ва бу билан қирол Саша камситилганидан хурсандман. Энг муҳими – менинг севимли неварам Винтанани озод қилганингдан миннатдорман. Сенга мато парчасини беришимга сабаб бор эди. Бу тақдиринг эди. Мана, сизларни кўрдим. Яна неча куним қолганини билмайман. Мен ҳаммани кечирдим, жумладан, қирол Сашани ҳам. Сенга Минг – омад юлдузи остида туғилган, манзилига етиб борувчи сайёҳ исмини беришимнинг сабаби шу эди. Лекин мени тингла, Минг, сен ҳали манзилингга етиб бормадинг. Ҳали ҳам саёҳатинг давом этяпти. Бир нарсани айтишим керакки, келажакда сен оролга қайтишга чақирув оласан. Вақти келганда ичингдаги бир овоз сенга хабар

беради. Буни эътиборсиз қолдирма. Дарҳол калит билан қайтиб бор! Калитга эришишингнинг сабаби шу.

Икки кундан кейин Ҳакури уйқусида вафот этди.

Жамил ва Ҳаске қизнинг онаси оиласи билан яшаётган Расмаратга қайтди. Улар ўн йилдан кўпроқ вақт шу шаҳарда қолишли.

Бир кечада Жамил ғалати туш кўрди ва оролга қайтиш вақти келди, деб ўйлади. У ҳамда Ҳаске ҳозирда Марварид ороллари деб номланган Татасига чипта олишиди.

Тамом!

Мундарижа

Муқаддима	3
Бириңчи боб. Марварид оролларига қайтиш	5
Иккинчи боб. Жамил – халоскор	19
Учинчи боб. Энг аввал	30
Түрткінчи боб. Құшалоқ фожия	40
Бешинчи боб. Туш	54
Олтینчи боб. Жамил махлуқ билан курашади	68
Еттінчи боб. Мотамсаролар мамлакати	81
Саккизинчи боб. Аёллар етакчи бўлган жой	90
Тўққизинчи боб. Фириғарлар ўлкаси	105
Ўнинчи боб. Тўтикуш ва бойўғли Жамилни кутқаради	117
Ўн бириңчи боб. Жамил Пашия қироллигидаги	123
Ўн иккинчи боб. Химералар билан жанг	145
Хотима	179

Қайдалар учун



Адабий-бадиий нашр

Муҳаммад Кабир Умар

ЖАМИЛ

Муҳаррир Зухрахон Ҳамдамова
Бадиий муҳаррир Иззат Йўлдошев
Мусаҳдиҳ Умида Сапарова
Саҳифаловчи Умида Валижонова

Нашр. лиц. № 290. 04.11.2016 й.
2020 йил 18 ноябрда босишига руҳсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Cambria гарнитураси.
Офсет босма. 9,55 шартли босма табоқ,
8,19 нашр табоғи. Адади 3000 нусха
1-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент, Лабзак қўчаси, 86

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

Кабир Умар, Мұҳаммад.

Жамил [матн]: ҳикоя / таржимон: Шавкат Юсупов. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 184 б.

УЎК 821.161.1-3
БКБ 84

Жамил

Мұхаммад
КАБИР УМАР

16+



ISBN 978-9943-6454-0-0

9 789943 645400